

БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ
ФАНИДАГИ
ИННОВАЦИЯЛАРНИ
ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА
ТАДБИҚ ЭТИЛИШИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

САМАРҚАНД - 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИДАГИ
ИННОВАЦИЯЛАРНИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ТАДБИҚ
ЭТИЛИШИ”**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналиши: Ўзбекистон тарихи

Самарқанд -2021

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7”-декабрдаги 648-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Самарқанд давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори Ф.Набиев, доцент О.Ирискулов, доцент С.Мухиддинов

Такризчилар:

Самарқанд давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, профессор Б.Ғоибов

Ўқув-услубий мажмуа Самарқанд давлат университети илмий-методик кенгаши (2020 йил “28”-декабрдаги 4-сонли баённомаси).

МУНДАРИЖА

I.	МОДУЛНИНГ ИШЧИ ДАСТУРИ.....	5
II.	ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	16
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	56
V.	ГЛОССАРИЙ.....	96
VI.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	104

1. МОДУЛНИНГ ИШЧИ ДАСТУРИ

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

1. Модулнинг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни таълим тизимига тадбиқ этиш модулининг мақсади: педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни таълим тизимига тадбиқ этиш модулининг вазифалари:

- “Ўзбекистон тарихи” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Ўзбекистон тарихи” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни таълим тизимига тадбиқ этиш модули бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- Ўзбекистон давлатчилиги тарихини даврлаштириш масалалари;
- Республикани янада ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини;
- Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишнинг назарий ва амалий таълимоти – тарққиётнинг ўзбек модели ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши, бу борадаги ютуқлар, истиқбол режалари, мақсад ва вазифалари билиши керак.

Тингловчи:

- Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири, Ватанимиз нақадар қадимий ва бой тарихга эга эканини, бу тарихнинг яратувчиси, унинг ҳақиқий эгаси ҳам шу заминда яшаётган халқ эканини англаб тарихий тафаккурга эга бўлиш, тарихий ҳақиқатни бугунги кун билан солиштириш, таҳлил қила билиш;

- ўз она юртини дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб билиш ва ундан ғурурланиш ҳиссига эга бўлиш ва буни ўзининг амалий ишларида намоён этиш;

- ажодларимизнинг тарихий меросни ўқиб-ўрганиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- тарихий воқеа ва ҳодисаларни таққослаш орқали улардан ўзи, жамият учун муҳим ҳулосалар чиқариш, бугунги эркин ва озод ҳаётнинг қадрига етиш;

- жамият тараққиётида халқнинг, сиёсий йўлбошчиларнинг ўрни ва аҳамияти нақадар катта эканини англаб, уларга ҳаққоний баҳо бериш, аксинча турли хавф-хатарларнинг бу борадаги зарарини тушунтира бера олиш, тарихий мисоллар асосида маърифий тарғибот юритиш, халқнинг савиясини оширишга интилиш;

- тарихий воқеалар ва ҳодисалар бўйича оғзаки ва ёзма нутқ орқали, адабий тил қоидалари асосида ўз нуқтаи назарини эркин ифода этиш, илмий асосланган, мустақил фикрига эга бўлиш ва уларга онгли муносабат билдира олиш малакаларига эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- Мустақиллик йилларида тарих фанида амалга оширилган тадқиқотларда инновация ва янгиликларнинг амалга оширилиши ва унинг аҳамиятини таҳлил қила

олиш каби компетенцияларига эга бўлиши лозим.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	Жумладан			
				Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши ва илк давлатчилигимиз илдизлари	2	2	2			
2.	Марказий Осиё қадимги давр халқаро маданий алоқалар тизимига оид янги тадқиқотлар	2	2	2			
3.	Қадимги Бақтрия кавийлиги ҳақида айрим мулоҳазалар, илк ёзувлар тарихи ва уларнинг ўрганилиши	2	2		2		
4.	Турк хоқонлиги давлатининг Ўзбекистон давлатчилигида тутган ўрни масаласи	2	2		2		
5.	Марказий Осиёга Араб халифалиги босқини	2	2		2		
6.	IX-XII асрлар Ўзбекистон ҳудудида сулолалар бошқаруви	2	2		2		
7.	Чиғатой улуси ва Темурийлар даврига оид тадқиқотлар	2	2	2			
8.	Шайбонийлар, Аштархонийлар ва хонликлар даврига оид тадқиқотлар	2	2	2			
9.	Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг тарихшунослигидаги янги ёндошув ва таҳлиллар	2	2		2		
10.	Мустақиллик йиллари тарихчилар нигоҳида	2	2		2		

Жами:	20	20	8	12		
--------------	----	----	---	----	--	--

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши ва илк давлатчилигимиз илдизлари (2 соат)

Режа:

1. Хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши масаласига оид тадқиқотлар
2. Илк давлатчилигимиз илдизлари

2-мавзу: Марказий Осиё қадимги давр халқаро маданий алоқалар тизимига оид янги тадқиқотлар (2 соат)

Режа:

1. Марказий Осиёда маданий ҳудудий бирликларнинг шаклланиши.
2. Маданий алоқалар тизимининг ривожланиб бориши

3-мавзу: Чиғатой улуси ва Темурийлар даврига оид тадқиқотлар (2 соат)

Режа:

1. Чиғатой улуси тарихига оид янги тадқиқотлар
2. Темурийлар даври тарихига оид янги тадқиқотлар

4-мавзу: Шайбонийлар, Аштархонийлар ва хонликлар даврига оид тадқиқотлар (2 соат)

Режа:

1. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври тарихига оид янги тадқиқотлар
2. Хонликлар даврига оид янги тадқиқотлар

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-мавзу: Қадимги Бактрия кавийлиги ҳақида айрим мулоҳазалар, илк ёзувлар тарихи ва уларнинг ўрганилиши (2 соат)

Режа:

1. Қадимги Бактрия кавийлиги ҳақида айрим мулоҳазалар
2. Илк ёзувлар тарихи ва уларнинг ўрганилиши

2-мавзу: Турк хоқонлиги давлатининг Ўзбекистон давлатчилигида тутган ўрни масаласи (2 соат)

Режа:

1. Илк ўрта асрлар тарихига оид тадқиқотлар
2. Турк хоқонлиги тарихшунослиги

3-мавзу: Марказий Осиёга Араб халифалиги босқини (2 соат)

Режа

1. Араб халифалиги тарихига оид янги тадқиқотлар

2. Марказий Осиёда араб халифалиги масаласи

4- мавзу. IX-XII асрлар Ўзбекистон худудида сулолалар бошқаруви (2 соат)

Режа

1. Сиёсий тарихга оид тадқиқотлар

2. Иқтисодий ва маданий тарих масалаларинг ёритилиши

5 – мавзу. Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг тарихшунослигидаги янги ёндошув ва таҳлиллар (2 соат)

Режа

1. Чор Россияси мустамлакачилиги даврига оид янги тадқиқотлар

2. Совет даври тарихининг тарихшунослиги

6 – мавзу. Мустақиллик йиллари тарихчилар нигоҳида (2 соат)

Режа

1. Мустақилликнинг қўлга киритилиши тарихининг ўрганилиши

2. Иқтисодий ва маданий таракқиёт масалаларининг ёритилиши

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Ўзбекистон Республикаси ва жаҳон ҳамжамияти. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг назарий асоси бўлган “Ўзбек модели”нинг ҳамжамиятда тан олинishi.

Ўзбекистоннинг биринчи президенти И. А. Каримов Ўзбекистонда Мустақилликни элон қилинишидан бошлаб шу кунгача амалга оширилган ислохотларни асосчиси эканлиги. Жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотларни тан олиши масаласи. Ўзбекистонни қолоқ аграр мамлакатидан ривожланган индустриал мамлакатга айланиши.

Тингловчи мустақил ишни модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъерий хужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;

- фанга оид статистик маълумотларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш.

II. ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“SWOT-таҳлил” методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Анаънавий ва замонавий таълим шакллари “SWOT-таҳлил” методидан таҳлил қилинг.

	Оддий маърузада маърузачи талабалар, тингловчиларга кўп маълумот бера олади	Муаммоли маърузада камроқ маълумот берилади, бироқ улар талабалар онгига сингдириб берилади
	Ўқитувчи асосан ўзи ва аълочи, қизиқувчи талабалар билан гаплашади, яъни дарсда оз сонли талабалар қамраб олинади	Муаммоли маърузада кўп сонли талабалар, тингловчилар қамраб олинади
	Оддий маърузада фақат ўқитувчи режа асосида ва тайёрлаб келган маълумотлари атрофида гаплашилади	Муаммоли маърузада муҳокама жараёнида янги-янги масалалар, муаммолар юзага чиқиши, ғоялар тухилиши мумкин.
	Ўқитувчи учун асосий тўсиқ – дастурдан чиқиб кета олмаслик, талаба учун қизиқмаса ҳам ўқитувчини эшитиб ўтириш мажбурияти	Кенг муҳокама учун вақтнинг чегараланганлиги, талабаларни мавзудан четга буришга интилишлари

Резюме, Веер методидан фойдаланиш

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайт да, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва

Намуна:

Фалсафадан малака талаблари					
Собиқ стандартлар		Амалдаги стандартлар		Такимллаштирилган стандартлар	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“ФСМУ” методидан фойдаланиш

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна.

Фикр: “Фалсафадан малака талабларини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш ва сертификатлаштириш таълим самарадорлигининг энг муҳим омилларидан биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.


Венн Диаграммаси методидан фойдаланиш


Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Намуна: Фалсафани турли йўналишларда ўқитишнинг фарқли жиҳатлари ўзига хосликлари





Ўқув жараёнида муаммолар ва муаммоли вазиятларни ечишга йўналтирилган интерфаол методлар

“SWOT-универсал таҳлил”

“Дебат”,

Муаммоли вазият яратиш

“Резюме”,

“Т-чизмаси”,

“Венн диаграммаси”,

“Органайзер”,

Ҳар хил чизмалар, жадваллар ёрдамида амалга ошириладиган интерфаол методлар:

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши ва илк давлатчилигимиз илдизлари

Режа:

3. Хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши масаласига оид тадқиқотлар
4. Илк давлатчилигимиз илдизлари

Маълумки, Ўрта Осиёнинг катта ва кичик дарёлари, сойлари бир неча минг йилликлар давомида ўзининг юкори оқимларидан лойқа сув аралаш чиринди ва кимёвий элементларни қуйи хавзаларига оқизиб келиб, унумдор пастекисликларни ҳосил қилган. Бу жойларда (Амударё ва Сирдарё қуйи оқимларида) ҳосил бўлган кўл ёқаларида неолит даврининг ўзлаштирувчи хўжалик жамоаларини (Калтаминор маданияти) манзиллари, Копеттоғ дараларидан оқиб чиққан дарё ва сой этакларида эса илк дехқончилик ва хонаки чорвачилик маконлари пайдо бўлган.

Ишлаб чиқарувчи хўжалик қабилаларининг излари Жанубий Туркменистон худудларидаги ўнлаб археологик ёдгорликлар (Ановтепа, Оқтепа, Номозгохтепа, Қоратепа, Олтинтепа) мисолида ўрганилган бўлиб (Анав-Номозгох маданияти), уларнинг таркиб топиши ва ривожланиши неолит (Жойитун маданияти), энеолит ва илк бронза (Ановтепа, Оқтепа, Номозгохтепа, Коратепа, Олтинтепа) даврига туғри келади. Бронза даврига келганда, ибтидоий жамоалар ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар туфайли мулкчиликнинг аввалги ижтимоий характери ўзгариб, биринчи навбатда, ерга ва чорвага бўлган хусусий мулкчилик келиб чиқади.

Ерга хусусий эгалик қилишнинг келиб чиқиши дастлаб, бронза даврида, қадимги дехқончилик минтақаларида, чорвага хусусий мулк эгаллигининг келиб чиқиши эса дастлаб, дашт минтақаларида юз беради.

Милоддан аввалги III минг йилликнинг охирлари ва II минг йилликнинг бошларига келганда, қадимги дехқончилик маданияти метро- поля ларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар туфайли демографик портлаш юз беради, яъни сув ресурслари ва экинбоп ер майдонларининг танқисланиб бориши туфайли метрополия аҳолисининг бир қисми янги ерлар қидириб, йирикроқ дарслар қуйи хавзаларига бориб ўрнашадилар. Ана шундай янги дехқончилик марказлари Мурғоб водийсида ва Қадимги Бақтрияда бронза даврида шаклланади. Чунки, - Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкалари (Марғиёна, Бақтрия) биринчидан, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларига яқин ва чегарадош эди; иккинчидан, улардаги табиий — географик иқлим шароити бу ўлкаларда қадимги суғформа дехқончилик маданиятининг эртароқ ривожланишига олиб келди.

Метрополияларда суғформа дехқончилик тажрибасига эга дехқон жамоалари янги ерларни ўзлаштиришда уруғчилик жамоаси анъаналарини маълум кўринишда сақлаган ҳолда, жуфт оила-оила бўлиб, оилавий ўзлаштирган ерга жамоавий эгалик қилишдан фарқли ўлароқ, патриархал жуфт оила, моногемик оила мулки сифатида хусусий эгалик қила бошлайдилар. Йирик дарёлар қуйи хавзаларида, шундай тартибда таркиб топган патриархал жуфт оилалар секин-аста катта патриархал оилалар даражасига, яъни Авесто тили билан айтганда, нманаларга ўсиб чиқади.

Катта патриархал оила жамоаси эса патриархлар, яъни катта ота томонидан бошқарилган.

Катта патриархал оила-нмана жамоа хўжаликлари Авесто жамиятининг «вис» кўринишидаги қишлоқ жамоалари бўлиб, уларни кадхудотлар, яъни виспатилар бошқарган. Виспатилар катта патриархал жамоа бошлиқлари орасидан вис анжуманасида, яъни қишлоқ жамоаси йиғинида сайланган. Давлатчилигимизнинг энг дастлабки буғини ана шу вислар, яъни қишлоқ жамоалари бўлиб, улар давлатчилигимизнинг бошланғич куртагини ташкил этган.

«Вис» жамоаларининг таркиб топиши эса тахминан куйидагича кечган: яъни ҳар бир жамоа аъзоси ўз оиласи кучи, ҳаракати имкониятига кўра, тегишли миқдорда ер ўзлаштириб, хусусий ер мулк эгаси - озод, эркин дехўон жамоаларига (кашшоварзларга) айланадилар. Ҳар бир дарё куйи хавзасини ўзлаштиришда бир неча эркин ва озод кашоварзлар уруғ-аймоқчилик анъаналарига кўра бирлашиб, эркин дехқонлар (кашоварзлар) қишлоқ жамоасини ташкил этадилар. Шундай тартибда ташкил топган қишлоқ жамоаси, унинг мулки она уруғи давридагидек, энди ижтимоий характерга эга эмас, балки хусусий характерга эга бўлади, яъни «вис» жамоасида илк бор хусусий мулк, ўзлаштирган ерга хусусий эгалик қилиш пайдо бўлади. Жамоада хусусий мулкнинг пайдо бўлишида эркакларнинг хизмати катта бўлган. Энди, болалар ҳам ўз отасини яқиндан таниб, бола тарбияси жуфт оила кўлига ўтганлиги боис, болалар ўртасидаги оила мулки тақсимотида оталарнинг роли ортиб боради.

Шундай қилиб, оилада, жамоада эркаклар нуфузи ортиб, аста - секин ота уруғи (патриархат) қарор топади. «Вис»ларнинг иқтисодий хўжалик асосини ташкил этишда ташаббускор кашоварлар орасидан жамоа аъзолари ўз оқсоқолларини сайлаб оладилар. Одатда, оқсоқол, жамоа сардори - кадхудот юксак ижтимоий-сиёсий маънага эга уста миришкор ва омилкор дехқон ёки мохир хунарманд, шахсий ахлоқ ва одобни, маънавий-ахлоқий юксаклиги билан ўз жамоаси оғзига тушган пиру-устоз бўлиб, бу сифатларга ўз вақтида ҳалол меҳнати, турмуш тажрибаси туфайли эришган жамоа аъзоларидан бўлган. Ўша давр уруғ жамоаларни кундалик ҳаёт қонунига айланган сардорликка талаб айнан кадхудотдан, Авесто тили билан айтганда, виспатидан, зантупатидан, дахъюпатидан шундай шахсий сифатларга эга булишликни талаб қилган. Бу ўзбек халқи давлатчилик тарихининг илк босқичларига хос бошқарув тизимининг демократик принциплари эди. Ўрта Осиё ҳудудий доирасида ташкил топган Қадимги Бактрия подшолиги, Қадимги Хоразм давлати, Қанғ дав- лати, Даван подшолиги ана шу бошқарув принциплари асосида ташкил топган илк давлатчиликнинг айнан ўзгинаси, маҳаллий ҳокимликлар уюшмасидан таркиб топган вилоят (дахю) даражасидаги давлатлар эди. Совет даври тарихий адабиётларида маҳаллий ҳокимликларнинг сони 15 тагача бўлган, деган фикр ҳукмрон эди. Аммо, мустақиллик даврида чоп этилган асарларда, бу борада ҳам ноаниқликлар бўлганлиги исбот этилди. Илк Ўрта асрлар даври минтақа тарихида уларнинг сони куйидагича аниқланди. Масалан, Ўзбекистоннинг жанубида, яъни шимолий Тохаристонда илк ўрта асрларда Термизшоҳлар, ва Гуфтан (Шеробод воҳаси) ҳокимликлари ташкил топади. Булар орасида маҳаллий ҳукмдорлари ўз номларидан мис ва кумуш тангларни зарб этиш қудратига эга эдилар. Чағаниёнда V

асрдан бошлаб мис тангалар зарб этила бошлайдилар. Уларнинг юз томонида маҳаллий ҳукмдорнинг тасвири, орқа томонида эса якорсимон тамға чекилган. V асрнинг охири ва VI аср бошларидан эса сосонийлар подшоси Феруз тангаларига тақлид қилинган кумуш тангалар чиқарилди. VI асрнинг иккинчи ярмидан Хусрав драхмаларига тақлид қилинган Чағаниён ихшидларининг кумуш тангалари зарб этила бошланди. VII асрнинг иккинчи ярмидан эса шимолий Тохаристонда маҳаллий феодал ҳокимликлар тангалари қаторида араб дирхам ва фелслари муомалада бўлган. VIII аср охирига келиб, Тохаристонда маҳаллий ҳокимликларга араблар томонидан барҳам берилди.

Кези келганда таъкиддаш жоизки, агар ҳукмдор металлдан пул зарб эта бошласа, демак бу давлатнинг таркиб топганлигидан, пул (танга) ўтмишда давлат рамзлари - герб, байроқ (туғ) ва унинг мадҳияси бўлганлигидан, Мис танга ички бозор муомаласининг эквиваленти. Агар ҳукмдор кумуш танга зарб этишга жазм этса, демак, бу унинг иқтисодий қудрати, мустақил давлат сифатида сиёсат олиб борганлигидан нишонадир.

Бронза ва илк темир даври археологик ёдгорликларидан топилган мухрлар эса туб маънодаги давлатнинг ташкил топганлигидан дарак бермайди. Бу қадимда қабила бошлиғи - етакчисининг, диний-илоҳий раҳнамосининг, ҳарбий ва дунёвий сардори (кавийси) ва қишлоқ жамоаси бошлиқларининг ҳукмдорлик сардорлик белгиси бўлган. Шунинг учун уларда фақат уруғ ва қабила тотемлари ўз аксини топган ва улар ўз навбатида протодавлат белгиси, давлатчиликнинг куртаклари таркиб топганлигидан, ўтроқ аҳоли ижтимоий-иқтисодий ва маданий салоҳияти асосида маҳаллий илк давлатчалар шаклланиб бораётганлигидан гувоҳлик беради. Тангаларда эса албатта ҳукмдор сиймоси. ёзув ва тегишли худоларнинг рамзий сиймоси ўз аксини топади.

Ўзбекистоннинг марказий қисми ҳисобланган Сўғдиёнада илк ўрта асрларда учта мустақил тарихан таркиб топган йирик вилоят ҳокимликлари шаклланган. Панжикентдан то Карманагача бўлган туманлар Марказий Сўғдни ташкил этиб, унинг бош шаҳри Самарқанд ҳисобланган. Зарафшон воҳасининг Карманадан ғарбда жойлашган туманлари Ғарбий Сўғдни ташкил этган. Унинг бош шаҳри Бухоро бўлган. Қашқадарё хавасида таркиб топган туманлар Жанубий Сўғд ерларини ташкил этган. Жанубий Сўғднинг юқори Қашқадарё туманлари - Кеш вилояти, қуйи Қашқадарё туманлари эса Нахшоб вилояти деб юритилган. Вилоят ҳокимликлари тепасида турган ҳукмдорлар Ғарбий Сўғдда ху- дотлар, марказий ва жанубий Сўғдда ихшидлар деб юритилган.

Масалан, ғарбий Сўғд ерлари 22 та рустаклардан ташкил топган¹. Уларнинг 15 таси Бухоро воҳасининг мудофаа девори ичида, 7 таси эса воҳа девори ташқарисида жойлашган. Уларнинг номлари ёзма манбаларда сўғдийча бўлиб, Тавовис, қуйи Харкана, Хитфар, Қохуштувон, Юқори Самжон ва Қуйи Самжон, Юқори Фаравиз ва Қуйи Фаравиз, Зар, Фаргидат, Пайкент, Фароб ва бошқа номларда бизгача етиб келган. Марказий Сўғдда улар VII аср ўрталарида 11 та бўлган. Бу ҳақда нафақат ёзма манбаларда, балки қадимги Афросиёб деворий суратларида ҳам тегишли маълумотлар бор, яъни Самарқанд ихшиди Вархуманни қутлаб турли мамлакатлардан келган элчиларни қабул маросимида бағишланган шоҳона сарой

деворида, унинг тахти равонда ўтирган ҳолати ранг-баранг чизгиларда акс эттирилган. Вархуман атрофида унинг яқинлари, унга тобе 11 та рустак ихшид ва ихридлари ва уларнинг туғлари (байроқлари) тасвири ҳам чизилган. Бир қатор қилиб, тик териб қуйилган 11 байроқ дасталари қизил лента билан бир-бирларига рамзий боғлаб қуйилган. Ушбу манзара Марказий Сўғдда 11 та ихшид ва ихридликлар бўлганлиги ва уларнинг Самарқанд ихшиди (подшоси) Вархуман бошчилигида «Сўғд давлат конфедерацияси» тузилганлигидан далолат беради. Шундай ҳолат жанубий Сўғдда ҳам кузатилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, товар-пул муносабатлари мамлакат иқтисодий ҳаётида жуда муҳим ўрин тутган. Сўғдиёна юнонлар таъсиридан салавкийлар давридаёқ қутулиб, мустақил тараққиёт йўлига тушиб олган эди. Маҳаллий ҳокимликлар юнон тангаларига тақлид қилиб, ўз тангаларини чиқара бошлаганлар. Милоддан аввалги I асрда Сўғдда топилган тангалар тахлилига кўра, Зарафшон воҳасининг камида 3 та давлат конфедерацияси бўлган, дейиш мумкин. Масалан, Самарқанд Сўғдининг маҳаллий ҳокимликлари Антиох I тангаларига тақлид қилиб, узоқ йиллар мис тангалар зарб этишда давом этади. Бухороликлар эса юнон-бақтрия подшоларидан Евтидем тетрадрахмасига тақлид қилиб пул чиқарадилар. Қашқадарё маҳаллий ҳокимликлари эса Александр суръати солинган салавкий тангаларига тақлид этиб, танга зарб этадилар. Милодий эрадан бошлаб, Сўғдиёнада сўғд маҳаллий ҳукмдорларининг номлари битилган тангалар зарб этила бошлайди. Бир оқ, улардаги ёзув ва маҳаллий ҳокимларнинг суръатлари жуда сифатсиз ва техник жиҳатдан нуқсонли бўлганлигидан улардаги биронта ҳукмдор номини аниқлаш мумкин бўлмаган. Милодий III асргача Сўғд шаҳар ҳаётида қандайдир иқтисодий таназзул бўлган кўринади. Фақат III аср охири ва IV аср бошларидагина Сўғд ҳаётида Ипак йўли билан боғлиқ иқтисодий юксалишлар юз беради. Бу ҳақда биринчи бор Дунхуандан топилган ҳужжат — «Сўғд эски ёзувлари» гувоҳлик беради.

Илк ўрта асрларда Сўғднинг савдо шаҳри номи билан ном чиқарган Пойкент шаҳрининг иқтисодий кудрати араб тарихчиси Табарийни лол қолдирган. Унинг ёзишича «Пойкентда араблар томонидан шунчалар кўп олтин ва кумуш идишлар таландики, уларнинг кўплигидан саноғига ета олмайсан киши»¹. Бундай юксакликни IV асрнинг охирларида бутун Сўғд бўйлаб кузатиш мумкин эди. V асрдан бошлаб мустақил Сўғд ҳокимликлари суръатлари битилган тангалар зарб этила бошлайди. VII асрга келиб Сўғд маҳаллий ҳокимликларининг кумуш тангалари жаҳон савдосида ўз ўрнига эга эди. Сўғдиёна шундай юксакликларга эришишига қарамай, мамлакатда илк ўрта асрлар давомида ягона подшолик (марказий ҳокимият) бўлмаган. Бундай ҳокимиятни таркиб топишига дастлаб хиёнийлар ва кидарийларнинг бу заминга кириб келиши сабаб булди. Сўғдиёна VI аср бошларидан эфталийлар таркибида, 563 йилдан эса Турк ҳоқонлиги қўл остига ўтади. Гарчи улар (Турк ҳоқонлигидан бошқа) маҳаллий ҳокимликлар бошқарув тизимига аралашмаган ҳолда, улардан катта-катта ўлпон (солиқ) олиш билан кифояланиш сиёсатини юритсаларда, амалда марказлашган давлатни барпо бўлишидан манфаатдор эмас эдилар. Чунки, улар Ўрта Осиё этномаданий майдонида кудратли янги сиёсий кучнинг пайдо бўлишини истамас эдилар. Шу боис, Сўғд маҳаллий аслзодаларининг бой тажрибаларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш илинжида, эфталий ва турк ҳоқонлари, уларни

давлат бошқаруви хизматларига фаол тортишни афзал кўрадилар. Бироқ VIII аср бошларидан VIII аср охирларигача давом этган қаттиқ, жанглар ва кўзғолонлардан сўнг, араб босқинчилари маҳаллий аслзодалар орасидан ўз таянчларини топиб, нафақат бутун Сўғдиёна, балки Мовароуннахр ва Хуросонда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга эришдилар. Араблар, эфталий ва турк ҳоконларидан фарқли ўларок, янгича бошқарув тизимини ишлаб чиқдилар.

Сўғдан шарқда Сирдарё ҳавзасида Уструшона вилояти жойлашган. Унинг ғарбий қисмини Ўзбекистоннинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ташкил этади. Унинг шарқий қисми - Хўжанд вилояти эса ҳозирги кунда Тожикистон ҳудудида.

Илк ўрта асрлар Уструшонаси 18 та туманликлардан ташкил топган. Истахрий маълумотларига кўра, улар Куркет, Газак, Вагкет, Сабат, Зомин, Дизак, Бунжикат, Харакана, Фекнан, Фагкат, Минк, Асбаникат, Бискар, Бантам, Вакр, Шагар, Бургар, Буттам каби рустаклар бўлиб, улар тепасида турган ҳукмдорлар афшинлар деб аталган¹. Хитой манбаларига кўра, Уструшона IV-V асрлардаёқ мустақил ҳокимлик сифатида тилга олинади.

Араб географларининг хабарига қараганда, Уструшонанинг бош шахри Бунжикат бўлган. Археологик тадқиқотлар буни тўлиқ тасдиқлайди². Шахристондан топилган кумуш тангаларга кўра, дастлаб Уструшонани маҳаллий афшинлар бошқарган. VIII аср биринчи чорагидан Уструшонани туркий сулола вакиллари бошқара бошлаган. Дарҳақиқат, араб тарихчиси Истахрий 737 йил воқеалари муносабати билан Уструшона афшини турк Харабуға эканлигини эслайди. Ундан сўнг яқин 60 йил Уструшона афшинлигини турк Ханахара эгаллайди. У машҳур халифа Маъмун ибн Хорун хизматида булиб, Ироқ ва Мисрда кўтарилган кузғолонларни бостиришда қатнашган¹.

Уструшонадан шимолий-шарқда, Сирдараёнинг юқори хавзасида қадимги Фарғона жойлашган. У Геродотнинг «Тарих» асарида «париканийлар юрти» номи остида эслаб ўтилади. Фарғона сўзи сўғд манбаларида «тоғлар орасидаги водий, атрофи берк сойлик маъносини англатади³. Хитой манбаларида «Дайюан, яъни Даван» деб аталган. Дайюан ҳам «тоғлар орасидаги водий» маъносини беради⁴.

Қадимги Фарғона ҳақидаги муфассал маълумотларни биз Хитой манбаларида учратамиз. Бу маълумотлар хитойликларнинг машҳур «24 тарихи» нинг 1-2 жилди, яъни Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар» ва Бан Гу нинг «Биринчи Хан сулоласи тарихи» да берилган. Бу икки асар Н.Я. Бичурин таржимаси асосида бизгача етиб келган. Аммо, «24 тарих» нинг Марказий Осиёга тегишли кўпгина боблари Н.Я. Бичурин таржимасига киритилмаган⁵. Ана шу «24 тарих» нинг 1-3 жилдларидаги Марказий Осиёга тегишли қисмларидан Фарғона-Хитой муносабатларига оид янги маълумотлар борки, улар «Тарихий хотиралар» даги «Хан Уди тазки-раси», «Фарғона тазкираси», «Хунлар тазкираси» ва «Ханнома» даги «Хан Удининг таржимаи холи», «Ғарбий юрт (куркор) тазкираси», «Хунлар ҳақида қисса», «Хан Вэнди тазкираси», «Чжан Цзян, Ли Гуангли таржимаи холи», «Нагма нова тазкираси», «Беш аносир (модда ёки жисм) тазкираси» каби бобларда берилади. Буларнинг кўпчилиги юқорида таъкидлаганимиздек, Н.Я. Бичурин таржимасига киритилмаган. Шунинг учун Қадимги Фарғона (Даван) давлати ва унинг Хитой билан бўлган алоқалари яхши ўрганилмаган эди.

Қадимги Фарғонага нисбатан Хитой манбаларида Даван давлати ҳақидаги маълумотлар охириги марта милодий III асрда учратилади. 436 йилда император Вей элчисининг ҳисоботида Қадимги Фарғона «Полона» номи¹ билан Даван ўрнида ишлатилган. Қадимги Фарғона «Бей-ши»да (VII аср) «Бохан», «Фейхан» номлари билан тилга олинади². «Бей-ши»да Фейханда «хукмдор тахти олтин кучкор қиёфасида» ишланган дейилади. Бошқа бир Хитой манбаси «Тан-шу»да (X аср) Қадимги Фарғонани «IV асрдан бошлаб то ҳокимият тепасига турклар келганига қадар бир сулола бошқарган» дейилади. 630 йили Ўрта Осиё орқали Ҳиндистонга сафарга отланган Хитой элчиси Сюан Цзан ҳисоботида Фейхан ягона хукмдор тасарруфида эмас, у ерда майда маҳаллий хукмдорлар кўп, деб таъкидлайди.

Қадимги Фарғонада антик даврида 70 га яқин катта ва кичик маҳаллий ҳокимликлардан иборат эканлиги, улар асосида Даван подшолиги ташкил топганлиги ҳақида қадимги Хитой ёзма манбаларида таъкидлансада, бу рамзий характердаги давлат эди. Унинг подшосини ҳуқуқи маҳаллий ҳокимликлардан ташкил топган Олий кенгаш томонидан қатъий чегараланган эди. Бундай ҳолат археологик ёдгорликлар мисолида ҳам ўз тасдиғини топган.

Масалан, Қадимги Фарғонанинг Қорадарё ҳавзасида олиб борилган археологик дала тадқиқот натижалари бу масалага ойдинлик киритади. Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, мазкур маскан антик ва илк ўрта асрлар даврида бир неча микроҳалардан таркиб топган 11 та ирригацион районларни ташкил этган. Уларда антик даврига оид 247 та ёдгорлик (эркин деҳқон хўжалиқларининг қишлоқлари) бўлса, илк ўрта асрларга келиб, уларнинг сони 166 тага тушиб қолган. Демак, қишлоқ жамоалари ичида мулкий табақаланиш жадал кечган, мулк эгалари - кашоварларнинг бир қисми мулксиз қадиварларга, улар ҳисобига бойиб бораётган кашоварларнинг бадавлат қисми деҳқонзодалар-мулкдор феодалларга айланиб борган.

Қорадарё ҳавзаси ёдгорликларининг тарихий топографиясига кўра, воҳа ёдгорликларини уч категорияга. яъни шаҳарлар, қишлоқ ҳокимликларининг қасрлари ва қишлоқ жамоалари объектларига ажратилганда қуйидаги ҳолатни кузатиш мумкин бўлади: агар антик даврда қишлоқ жамоаси масканлари кўпчиликни ташкил этган бўлса, илк ўрта асрларда шаҳар ҳокимликларининг қасрлари кўпчиликни ташкил этади. Ҳар бир ирригацион районда, унинг иқтисодий ва сиёсий маркази сифатида шаҳар типигаги ёдгорлик қайд қилинади. Микроҳаларда эса, уларнинг бош қароргоҳи сифатида қишлоқ ҳокимликларининг қасрлари кузатилади.

Шундай қилиб, илк ўрта асрларга келганда Қорадарё ҳавзасининг ҳар бир ирригацион райони доирасида туман ҳокимликлари, микроҳалар базасида қишлоқ ҳокимликлари, умуман Қадимги Фарғонанинг йирик шаҳарлари базасида эса шаҳар-давлатлар ташкил топган кўринади. Қорадарё ҳавзасида археологик материаллар асосида кузатилган бу тарихий жараён нафақат бутун Фарғона мулкига, балки Ўрта Осиёнинг деҳқончилик маданияти ривож топган барча вилоятларига хос бўлиб, ўзбек давлатчилигининг маҳаллий илдизлари айнан ана шуларга бориб тақалади. Чоч воҳаси ва Қадимги Хоразмда ҳам илк ўрта асрларда худди шу тарихий манзара кузатилади.

Ўрта Осиё илк ўрта асрлар даври шаҳарларининг ривожланиши масаласида фанда

икки хил фикр шаклланган. Биринчиси, С.П.Толстовга тегишли бўлиб, унинг фикрича, илк ўрта аср шаҳарларида умумий инқироз ҳолати кузатилади. Дехқонзодалар қасрлари ва ҳукмдорлар маҳкамасини ҳисобга олмаганда, хунармандчилик тармоқларининг ривожини, шаҳар қурилиши ва уларни ободонлаштириш ишлари бўшашиб кетади¹.

Иккинчи қараш А.М.Белиницкийга тегишли бўлиб, у Самарқанд ва Марв каби йирик шаҳарлардан ташқари, кўпгина шаҳарларнинг майдони қисқаради, аммо бу даврда шаҳар типига аҳоли пунктлари фавқулодда кўпаяди¹, деган хулосага келади.

Хўш, бу даврда Тошкент воҳасида шаҳарлар ҳаёти билан боғлиқ нималар юз берди?

Авваламбор, Тошкент воҳаси эфталлийлар давлати таркибига қўшиб олинди. Милодий VI асрнинг 60 йилларидан Чоч Турк ҳоконлиги таркибига ўтди². Бу воқеалар дастлаб, Чочнинг жанубий-ғарбий шаҳарлари иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этмай қолмас эди. Айнан шу вақтда Илок ўзининг бой рангли металлургия саноатини интенсив ўсиши ҳисобига иқтисодий салоҳияти кўтарилиб, Чочдан ажралиб чиқади ва маълум муддатгача мустақил ривожланади³. VI аср охиридан кучайган турк аслзодаларининг ўзаро тахт учун курашлари даврида, Чоч мустақилликка интилиб кўрди. Аммо, VII аср бошларидан яна ҳоконликка тобе бўлиб, Чочни Ғарбий Турк ҳоконлигининг ноибитудуни бошқарадиган бўлди. Ҳатто тобе вилоятларни бошқариш ва солиқ йиғиш масалаларини қаттиқ назоратда тутиш мақсадида ҳоконликда иккита кичик ҳокон лавозими жорий этилиб, уларнинг бирини қароргоҳи Чоч атрофида бўлиб, у Моварауннахрнинг Сўғд ўлкаларини бошқарар эди. VIII аср бошларида араблар босқини туфайли Чоч арабларга қарши Сўғд, Фарғона ихшидлари ва турк ҳоконлигининг ҳарбий иттифоқига қўшилади. Бу иттифоқ 723-724 йилларда Сирдарё бўйида бўлган жангларда арабларга қаттиқ зарба беради. 739 йилда араблар Чоч ва унинг иттифоқчиларига қарши янги хужум уюштирадilar. Жанг давомида араб лашкарбошиси Хорис ибн Сурайж сўғдийлар томонига ўтиб кетади⁴. Турк ҳоконлиги Хитой таъсирини тушиб қолган кезларда, араблар Чочга, уни мустақиллигига путур етказмаслик шартини билан ўз ноибларини юбориб, Хитойга қарши иттифоқ тузади. Аммо, бу шартнома узоққа чўзилмайди. Чоч ва Элок VIII аср давомида арабларга қарши барча чиқишларда фаол қатнашади.

Шундай қилиб, VI—VIII асрларда Чоч тарихининг кўп вақти ташқи душманга қарши курашлар билан изоҳланади. Бу курашлар Чоч иқтисодий ҳаётига салбий таъсир этмай қолмас эди. Шу муносабат билан йирик шаҳарлар майдони дастлаб қисқарди. Қачонким, Чоч Турк ҳоконлиги таркибига ўтгач, мавжуд этносиёсий вазиятда юз берган ўзаро иқтисодий манфаатдорлик пайдо бўлиб, шаҳарлар ҳаётида жонланиш бошланди. VIII аср бошларига келганда, Чочда шаҳарлар сони кўпайиб, улар 32 тага етди. Шаҳарлар нафақат дарё ҳавзаларининг қуйи оқимларида, балки уларнинг ўрта ва юқори ҳавзаларида ҳам таркиб топди.

Масалан, Охангароннинг ўрта оқимида Элокнинг пойтахт шахри Тункат ташкил топди, унинг майдонида Элок ҳукмдорининг қасри қад кўтаради. Элок нафақат мис чақалар, балки иқтисодий жиҳатдан яхши ривожланганлигидан кумуш тангалар зарб этиш имкониятига эга эди. Ҳатто, Элок араблар қўли остига ўтиб, ўз сиёсий мустақиллигини йўқотсада, кумуш танга зарб этишни давом эттирарди. Тункат руда

эритиш ва уни қайта ишлаш устахоналарига бой металлурглр шахрига — марказига айланади. Унинг тоғ саноатини тез суръатлар билан ривожлани-шида, Тункат яқинидан топилган олтин ва кумуш конлари катта роль ўйнайди. Натижада, Тункатнинг тоғ саноати нафақат уни Элоқнинг йирик иқтисодий маркази, балки сиёсий пойтахтига айланишида муҳим роль ўйнайди. Илк ўрта асрларда Оҳангарон хаврасида Тункат (17,5 га), Қулота (15 га), Намудлик (12 га), Тепа (12 га), Ошхонатепа (11 га), Мунчоктепа (11.2га) каби қатор шахар ва бошқа аҳоли пунктлари вужудга келдики, уларнинг иқтисодий негизини асосан тоғ саноати ташкил қиларди.

Айниқса, карвон йўлларининг Элоқ шахарлари орқали ўтган тармоқлари Чоч иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга эди. Бу йўллар бўйлаб янги савдо пунктлари (Чиначкат, Навкат) қад кўтарарди.

Шундай қилиб, илк ўрта асрларда Чоч шахарларининг сон жиҳатдан ўсиши ва уларнинг иқтисодий ихтисослашуви кузатилади. Бу жараён Чочдан Элоқни маълум муддатга ажраб, мустақил иқтисодий сиёсат юритишига олиб келди. Урбанизация жараёнлари Чочнинг адирли районларига жадал кириб бориб, ҳатто Чочнинг пойтахти Сирдарё сохилларидан воҳанинг шимолий районларига, яъни ҳозирги Тошкент шахри районига - Мингуриққа кўчади. Илк ўрта асрларда Чочда юз берган урбанистик жараёнлар воҳада асосан кичик шахар пунктларининг пайдо бўлиши ҳисобига юз берди.

Илк ўрта асрларда воҳага туркий этник қатламларнинг тўхтовсиз кириб келиши, айниқса Чочнинг Турк ҳоконлиги таркибида бўлиши, унинг маданиятига катта таъсир кўрсатди ва маконда турк-сўғдий этномаданий майдоннинг шаклланишига олиб келди. Чоч эроний тилли аҳолининг турклашиш жараёни жадал кечган масканга айланди. Бу ҳолатлар айниқса, археологик материалларда яхши кузатилади ва ёзма манба материаллари эса уларни тасдиқлайди.

2-мавзу: Марказий Осиё қадимги давр халқаро маданий алоқалар тизими-га оид янги тадқиқотлар натижалари

Режа:

3. Марказий Осиёда маданий ҳудудий бирликларнинг шаклланиши.
4. Маданий алоқалар тизимининг ривожланиб бориши

Қадимги замонлардан бошлаб Марказий Осиё халқларининг тарихий тақдири бири-бирига узвий боғланган. Улар турли кўринишдаги ўзаро ва ташки алоқалар, маданиятлараро мулоқот асосида ривожланиб борган. Президент Ислам Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асаридаги қуйидаги фикрлар бу тарихий ҳақиқатнинг энг лўнда ифодасидир: «Тарихимиз каби, қадимги маданиятимизнинг яратилишида ҳам унга кўплаб этник гуруҳлар, эл-элатлар ўз улушини қушган. Бу табиий ҳол, чунки ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир»¹.

Шарқ цивилизацияси марказларидан бири ҳисобланган Марказий Осиё асрлар

мобайнида Буюк Ипак йулининг марказий буғини Шарқ ва Ғарб цивилизациялари учрашадиган, ҳамкорлик ҳудуди сифатида машҳур бўлиб, ҳалқаро иқтисодий-маданий алоқаларда муҳим ўрин тутган.

«Маданий алоқалар» тушунчаси анча кенг қамровли бўлиб, у кишилиқ жамиятлари ўртасидаги турли кўринишдаги алоқаларни ўзида акс эттиради. Маданий алоқалар савдо-сотик ва элчилик му-носабатлари, хунармандчилик, меъморчилик, хайкалтарошлиқ, тасвирий санъат, диний-фалсафий таълимотлар, ахлоқий мезонлар алмашинуви, илм-фаннинг турли соҳаларидаги ҳамкорлик, ишлаб чиқаришдаги технологик янгиликларнинг, инновацион ғояларнинг тарқалиши ва бошқа кўринишларда амалга оширилиб келинган. Ҳар қандай цивилизация ривожланишида кўшни ва узоқ ўлкалар билан иқтисодий-маданий алоқалар катта ўрин тутган бўлиб, бу жараён маданий юксалиш ва технологик тараққиётга тўртки берган. Турли сабаблар туфайли, ҳалқаро алоқалардан узилиб қолган жамиятларда турғунлик ва инқироз даври бошланиши инсоният тарихида кўп бор кузатилган. Цивилизация - жаҳон тараққиётининг омили бўлиб, цивилизациялар ўртасидаги мулоқотнинг хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари, тарихий тажриба ва замонавий муаммолар каби масалаларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу, биринчидан, Марказий Осиёнинг «юраги» ҳисобланган Ўзбекистоннинг умумжаҳон цивилизацияси ривожига кўшган ҳиссасининг ҳажми ва салмоғини тўла англашга, иккинчидан, унинг минтақанинг бутун ҳудудида барқарорлик ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлашдаги замонавий геосиёсий аҳамиятини тушуниб етишга кўмаклашади.

Маданий алоқалар тарихига назар ташласак, турли тарихий даврларда ички ва ташқи маданий алоқалар ривожига таъсир қилувчи омиллар ичида қуйидагилар асосий ўрин тутиб келганини қайд қилиш мумкин:

- мамлакатнинг географик ҳолати, табиати, ҳудудининг ҳажми;
- аҳолиси миқдори;
 - халқнинг менталитети, характери;
- ҳукумат тузилиши, бошқарув тизимида тегишли маҳкамалар мавжудлиги ва улар фаолиятининг самарадорлиги;
- сиёсий барқарорлик, ҳуқуқий мезонларнинг етакчилик қилиши;
- алоқа йўллари ва тегишли инфратузилмалар мавжудлиги.

Янги тадқиқотларга асосланиб маданий алоқаларни даврлаштиришда ўзига хос хусусиятларга эга бўлган бир неча тарихий босқичларни қайд қилиш мумкин. Мисол учун, маданий алоқаларнинг илк босқичи тош давридаёқ бошланган. Ер юзининг турли ҳудудларида олиб борилган тарихий археолог ах тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилсак, илк алоқа йиллари шакллана бошлаган қадимги даврдаёқ ер шарининг турли ҳудудлари ўртасида маданий мулоқот ва ҳамкорлик пайдо бўла бошлаган-

лигини кўрамиз. Дастлаб ўзаро қушни қабилаларнинг хўжалик юрйтиш соҳасидаги янгиликларни бир-бирларидан ўзлаштириб бориши тарзида бошланган бу жараён жамият тараққиётига мос равишда кенгайиб, маълум географик ҳудудда ишлаб чиқарувчи кучлар ва воситалар тараққиётига ёрдам берувчи технологик янгиликлар тарқалишига, ибтидоий диний тасаввурлар ва ахлоқий қарашлар, ўзаро мулоқотни таъминловчи тил бирликлари шаклланишига олиб келди¹.

Мезолит ва айниқса неолит давридан бошлаб Ўрта Осиё минтақасининг жанубий вилоятлари Олд Осиё ва Жануби-Ғарбий Осиёда бошланган иқтисодий-маданий жараёнлар доирасига тортила бошлайди. Натижада ишлаб чиқарувчи хўжалик — дехқончилик ва чорвачилик, кулолчилик, туқимачилик, кемачилик, пахса ва гуваладан уй-жойлар қурилиши пайдо бўла бошлади (Жойтун маданияти). Неолит давридан бу жараёнлар ривожда янги давр бошланди. Жойтун маданиятига оид маконларда Қадимги Шарқ цивилизациясига мансуб ёдгорликлардаги топилмаларга ўхшаш моддий буюмлар борлиги² минтақамиз жанубининг Яқин Шарқ ва Месопотамия ҳудудлари билан ўзаро иқтисодий-маданий алоқалари, турли маълумотлар ва ахборот алмашинуви мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Бу даврда Ўрта Осиёнинг Шарқий Туркистон ва Мўғулистон ҳудудлари билан ҳам ўзаро алоқалари йўлга қўйила бошлаган бўлиши мумкин. Хусусан, Муғулистоннинг Хойт Цэнкер (Хойт Цэнхер) ғоридан топилган қоятош суратларнинг умумий мазмуни ва услуги Ўрта Осиё, Помир, Тян-Шань ва Сибирдаги тош даври қоятош суратлари билан ўхшашлигидан келиб чиққан мутахассислар мазкур ҳудудлар ўртасидаги маданий алоқалар ва умуман Тинч Океанидан Қора денгизгача бўлган катта ҳудудда кўчиб юрган қабилаларнинг маданияти умумийлиги ҳақида ху- лосалар чиқармоқдалар.

Айрим маълумотлар неолит даврида Ўрта Осиё билан Хитой ўртасидаги алоқалар шакллана бошлаганлигини ҳам қайд этишга им- кон беради. Бу даврда Хитойда бир қанча экин турлари «Ғарб дунёси», яъни Хитойнинг ғарбида жойлашган ҳудудлар, жумладан Ўрта Осиё билан боғлиқ маданий алоқалар таъсирида пайдо бўлган- лиги ҳақидаги фикрлар мавжуд.

Марказий Осиёнинг маданий алоқалари милoddан аввалги IV—II минг йилликларла ҳам тараққий этиб борди. Қадимги Шарқ цивилизация марказлари пайдо бўлиб, илк цивилизациялар ва уларнинг перифериялари (чекка ҳудудлари) шакллана бошлаган бу даврда трансминтақавий алоқа йўллари бўйлаб олиб борилган мулоқотда иқтисодий омиллардан ҳам кўра ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-ғоявий таъсир етакчи ўрин тутиб келган. Бронза давридан бошлаб минтақамизнинг жанубий вилоятлари Қадимги Шарқ цивилизацияси марказларининг маданий таъсири доирасида бўлиб келди. Бу ҳудудлар билан маданий алоқалар натижасида суғорма дехқончилик маданияти, ишлаб чиқаришда муҳим технологик янгилик, яъни

кулолчилик чархи ва ғилдиракдан фойдаланиш, мис ва бронза металлургияси, илк шаҳарсозлик маданияти ва давлат бошқаруви асослари шаклланди. Бу босқичда Марказий Осиёдан қўшни ҳудудларга ҳам маданий таъсир бўлгани ва бу кейинги даврларда янада кенгайиб борганини қайд қилиш керак.

Бронза даврида Ўрта Осиёнинг жанубидаги протошаҳар маданиятлари (Олтинтепа, Намозгоҳ) Хинд дарёси водийсидаги цивилизация марказлари билан иқтисодий-маданий алоқада бўлган. Жанубий Туркменистон ва Ҳиндистондаги Хараппа маданиятига мансуб манзилгоҳларда ўхшаш сопол ҳайкалчалар учраши, Олтинтепанинг турли маданий қатламларида фил суягидан ишланган буюмлар борлиги ҳамда айрим сопол ва металл буюмларда Хараппа ва Мохенжо-Даро маданиятининг таъсири борлиги¹ бу ҳудудларнинг қизгин иқтисодий-маданий алоқалари натижасидир.

Милоддан аввалги I минг йиллик бошларидаги маданий алоқаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу даврда - Ўрта Осиёда Марғиёна, Бактрия, Сўғдиёна ва Хоразм каби тарихий-маданий вилоятлар пайдо бўлди. Шаҳарсозлик маданияти юксалиб, маҳаллий маданиятлар маркази бўлган йирик шаҳарлар барпо этилди. Цивилизациянинг муҳим кўрсаткичи бўлган маҳаллий ёзувлар пайдо бўла бошлади. Улар ичида Олмаота яқинидаги Иссиқ қурғонидан топилган ва тадқиқотчилар томонидан қадимги туркий ёзувнинг Олтой диалектида битилган деб ҳисобланаётган ёзув², Талас водийси, Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, Қашқадарё воҳаси (Узунқир, Чашмимирон) ҳудудларидан топилган ва милоддан аввалги VI—IV асрларга тегишли туркий битиклар³ минтақа маданияти ривожидан маҳаллий анъаналар устуворлигидан далолат беради. Бу даврда Ўрта Осиё ўлкалари Қадимги Шарқ цивилизация марказларидан фарқ қиладиган маҳаллий анъаналар ва тараққиётнинг ўзига хос хусусиятлари - га эга бўлган ҳолда ривожланиб борди. Бу даврда минтақамизда пайдо булган Зардуштийлик таълимоти Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг шимолий ҳудудларига ҳам тарқалди. Шу тариқа, ўзаро маданий ҳамкорлик икки томонлама бўлиб, Ўрта Осиёдан Шарқ цивилизациясининг бирламчи марказларига ғоявий таъсир юз берди.

Аҳамонийлар давридаги маданий алоқалар минтақа тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Маданий алоқаларнинг бу янги босқичида Ўрта Осиёнинг аҳамонийлар давлати таркибига кирган ҳудудлари умумсалтанат доирасидаги маданий ҳамкорликка тортилди. Марказий Осиёнинг жанубий ва ғарбий вилоятларига кириб келган оромий ёзуви асосида Сўғд, Бактрия ва Хоразм ёзувлари шаклланди. Давлат бошқарувида, маҳаллий бошқарувда янги анъаналар пайдо бўлди. Шу билан бирга, бу даврда - Ўрта Осиё маданиятида Эрон аҳамонийлари маданиятидан тубдан фарқ қилувчи асосий хусусиятлар сақлаб қолинди.

Александрнинг юришларидан кейин Марказий Осиёда юнон маданиятига хос

анъаналар пайдо бўлди. Бу жараён Салавкийлар даврида ўзининг юқори чўққисига чиқди. Ўрта Осиёнинг Салавка давлати таркибига кирган ҳудудларида маҳаллий ва юнон (эллинистик) маданиятлари синтези юзага келиб, юнон алифбосига асосланган ёзув, янги иконографик кўринишдаги тангалар, ўлчов бирликлар ва бошқалар тарқалди. Ўз навбатида юнонлар ҳам меъморчилик, ҳунармандчиликнинг айрим соҳаларида маҳаллий анъаналарни қабул қилдилар, юнон мифологияси ва диний қарашлари маҳаллий динлар билан бойитилди (масалан, юнонлар ва улардан римликларга Митра маъбудига сиғиниш кириб борди)¹.

Буюк ипак йўли шаклланиб, Хитой билан иқтисодий ва маданий алоқалар урнатилгандан кейин минтақада, биринчи галда Довон ва Кднг давлати ҳудудларидаги маконлардан қадимги Хитой маданиятига хос белгилар пайдо бўла бошлайди. Масалан, Фарғона водийси ва Тошкент воҳасидаги маконлардан Хитой тангаларига тақлид қилиб ясалган у-шу тангалари, Хитойдан келтирилган ойна буюмлар, Хитой ипагидан тайёрланган мато-лар ва кийимлар топилган. Ўз навбатида хитойликлар Марказий Осиё халқларидан йилқичиликни, узумчилик, беда экиш, пахта етиштириш, бодринг ва бошқа полиз маҳсулотларини маданийлаштиришни ўзлаштирдилар. Мураккаб гидротехник иншоотлар барпо қилиш, хусусан қоризлар тизими орқали суғориш ҳам Хитойга бизнинг минтақадан кириб борди.

Кушонлар даврида Ўрта Осиёнинг Ҳиндистон, Хитой, Рим салтанати ва бошқа мамлакатлар билан маданий алоқалари янада кенгайди. Минтақа жанубига Будда таълимоти кириб келди, бойитилди ва бу ердан Шарқий Туркистонга ҳамда Хитойга ёйилди. Кушонлар даврида тасвирий санъат ва бадий хунармандчиликда юнон-хинд ва буддизм таълимоти қушилишидан пайдо бўлган Гандхара санъат йуналиши минтақага кириб келди. Ўзбекистан жанубидаги Фаёзтепа, Қоратепа, Далварзинтепа ва Холчаён ёдгорликларида, Айритом шарафа безакларида, Будда ва Бодхисатва ҳайкалларида буни яққол кўриш мумкин².

Шу тарихи, Ўрта Осиё халқлари қадимги даврдан бошлаб ўзаро ва қўш-ни халқлар билан мустаҳкам маданий алоқада бўлиб келдилар. Бу алоқалар ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳамкорлик, турли технологик ютуқларни кенг миқёсда ўзаро алмашиш, савдо-сотиқ ва элчилик муносабатлари, бадий хунармандчилик, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат ва маданиятнинг бошқа соҳаларидаги ўзаро таъсир, диний-фалсафий қарашлар ва ахлоқий мезонларнинг алмашинуви, ёзув ва хаттотлик санъати ривожига ҳамда бошқа кўринишларда амалга ошириб келинди. Бу жиҳатдан минтақанинг қадимги йўллари, хусусан, Буюк Ипак йўли бўйлаб амалга оширилган маданий мулоқотларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Минтақанинг асосий қарвон йўлларидаги савдо қарвонлари таркибида ҳунармандлар, олимлар, шоирлар ва мусиқачилар ҳам бўлиб, улар турли халқларнинг маданиятини ёйишда катта ўрин тутганлар. Маданий алоқалар

ривожиди марказлашган давлатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг маданий алоқаларда хомийлиги катта ўрин тутди.

3-мавзу: Чигатой улуси ва Темурийлар даврига оид тадқиқотлар

Режа:

3. Чигатой улуси тарихига оид янги тадқиқотлар
4. Темурийлар даври тарихига оид янги тадқиқотлар

Маълумки, ғарбий Қорахонийлар даврида ўзбек элати шаклланди. Шаклланган халқнинг XIII-XIV асрлардаги этник тарихини бир қатор форсий, арабий ва туркий (эски чигатой тили) манбалар ёритиб беради. Хусусан, Ибн ал-Асирнинг “*Ал-комил фи-т-тарих*” асари мазкур давр Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда асосий манба бўлиб, унда дунёнинг яратилишидан 1231 йилга қадар Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар баён этилган.

Манбанинг мўғуллар истилосига бағишланган 12-жилди алоҳида қимматга эга. Унда Мовароуннаҳр, ҳамда Шарқ мамлакатларининг XIII аср биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий тарихи билан бирга этник тарихи ёритиб берилган.

Асар Хивада Муҳаммад Раҳим II (1863-1910) даврида Нурилло Муфтий, Муҳаммад Шариф охундлар томонидан эски ўзбек тилига таржима қилинган бўлиб, ҳозирда мазкур таржиманинг ўн учта қўлёзмаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

XIX-XX асрларда манбанинг матни ва қисқа таржималари бир неча бор турли тилларда нашр этилган. Айрим парчаларни рус тилига Н.А.Медников, А.Е.Крымский таржима қилган. Шунингдек, асарнинг Ўрта Осиёга тегишли қисмлари таржимасини П.Г.Булгаков амалга оширган. Мазкур таржимани ўзгартириш ва қўшимчалар билан нашр Ш.С.Камолиддин этган.

Бу давр этник тарихи Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий (ваф. 1249 й.)нинг “*Сирот ас-султон Жалолуддин Менкбурни*” (бундан кейин “*Сирот*”) номли араб тилидаги асарида ҳам акс этган. Муаллиф 1224-1231 йилларда Хоразмшоҳ Жалолиддинга (1199-1231) котиблик қилди ва асарда акс этган тарихий воқеа-ҳодисаларни бевосита иштирок этди. Манбада Ўрта Осиё, Кавказ, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг мўғул истилоси давридаги (1220-1231) ижтимоий, сиёсий аҳволи кенг ёритилган бўлиб, 1241 йил Ҳалабда тугалланган. Асар муқаддима ва 108 бобдан иборат. Манбанинг 1-4-бобларида *мўғул-татар*лар ва Чингизхон тарихи, 5-22 бобларида Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг ҳаёти ва фаолияти, 23-108-бобларида мўғул истилоси, ҳамда Жалолиддиннинг кураши ва фаолияти ҳикоя қилинади. “*Сирот*”нинг 1224-1231 йиллар воқеаларини ўз ичига олган боблари оригинал ва катта тарихий аҳамиятга эга.

“*Сирот*” XIII асрдаёқ форс тилига ўгирилган эди. Манбанинг арабча матни, французча таржимаси билан 1891-1895 йилларда Париж ва Қоҳирада чоп қилинган. Унинг қисқартирилган туркча таржимасини Юсуф Зиё ва Аҳмад Тавҳид, форсча таржимасини Муҳаммад Али Носих ва Мужтаб Миновий амалга оширган. Асарнинг

XIII асрда Туркменистон тарихини ҳикоя қилувчи қисмини С.Л.Волин нашр этган. “*Сирот*”нинг французча таржимасини Нажиб Осим туркчага ўгирган. Шунингдек, манбанинг З.М.Буниятов амалга оширган рус тилидаги мукамал таржимаси ҳам мавжуд. Мазкур таржима К.Матёкубов томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, чоп этилган.

Хоразмшоҳ Жалолиддин тарихи баён этилган яна бир тарихий асар “*Нафсат ал-масдур*” дир. Асар муаллифи ҳақида турли зиддиятлар мавжуд. З.В.Тўғоннинг ёзишича, у Нуриддин Муҳаммад Мунший қаламига мансуб. Шуниси қизиқки, у ҳам ан-Насавий каби Жалолиддиннинг котиби бўлган. И.Қофасўғли бу икки муаллиф аслида бир одам эканини ёзади. Асарнинг ёзилган вақти ҳақида аниқ маълумот келтирилмаса-да, Мирзо Муҳаммад Қазвиний у “*Сирот*”дан аввал ёзилганини айтади. Асар тузилиш ва воқеалар баёнига кўра, “*Сирот*”га ўхшайди.

Манба ҳозиргача тўла ўрганилмаган. Унинг матни 1928 йил Теҳронда тошбосма шаклида нашр этилган.

Жамол Қаршийнинг “*Мулҳақот ас-сулоҳ*” асари ҳам XIII аср иккинчи ярми-XIV аср бошларидаги Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда асосий манбалардан ҳисобланади. Асар Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммодал-Жавҳарийнинг (ваф. 1008 й.) “*Ас-саҳоҳ*” номли асарига ёзилган кўшимча бўлиб, унда Марказий Осиё халқларининг XIII асрдаги этник тарихи, маданияти, йирик шаҳарлари, мўғуллар босқини, чигатой хонлари тарихи ёритиб берилган.

“*Мулҳақот ас-сулоҳ*” ҳозиргача бирон-бир тилга тўла ўгирилмаган бўлиб, баъзи қисмларигина таржима қилинган. В.В.Бартольд асар матнининг бир қисмини 1898 йилда нашр этган. Манбанинг кўлөзмалари Англия, Франция, Германия, Россия ва Ўзбекистонда мавжуд.

Бу давр тарихи акс этган яна бир манба Саъдуддин Муҳаммад Авфий (XII аср сўнгги чораги ва XIII аср биринчи ярми)нинг “*Жавоми ал-ҳикоят*” номли асаридир. Муаррих асли бухоролик бўлиб, мўғуллар истилоси арафасида Ҳиндистонга йўл олади. Олим Мовароуннаҳр ва Хуросон бўйлаб кўп саёҳат қилиб, 1227-1236 йилларда тўрт қисмдан (ҳар бир қисм 25 бобдан) иборат “*Жавоми ал-ҳикоят*” асарини ёзади. Унда Ҳиндистон, Эрон, ҳамда Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига оид 2113 та тарихий латифа келтирилган. Биз учун асарнинг тўртинчи қисми аҳамиятли бўлиб, унда Ўрта Осиёнинг қадимий туркий халқлари ва Бухоро садрлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунини таъкидлаш жоизки, асар ҳозиргача бирон-бир тилга тўлиқ таржима қилинмаган.

Авфийнинг 1222-1223 йилларда ёзилган “*Лубоб ал-албоб*” номли тазкираси ҳам бўлиб, унда Ўрта Осиё, Хуросон, Ироқ, Озарбайжон, Ғазна ҳамда Ғарбий Ҳиндистонда X-XII асрларда яшаб ижод этган 299 шоир ва адиб ҳақида умумий маълумот берилган. Асарнинг форсий матни Э.Браун ва Мирза Муҳаммад Қазвиний томонидан нашр этилган.

“*Мўғулларнинг маҳфий тарихи*” мазкур давр турк-мўғул халқлари этник тарихини ёритишда асосий манбалардан бўлиб, 1240 йилда ёзилган. Унда мўғул истилолари кенг ёритилганига қарамай Мовароуннаҳр юришига ва минтақадаги халқлар тарихига кам эътибор қаратилган. Манба турк-мўғул халқларининг келиб чиқиши, Онон, Керулен ва Ила бўйларидаги этник аҳволни ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хусусан, унда барлослар ва Чингизхон бир илдиздан экани таъкидланиб, улар Борчегин (Бўричегин, Бўрчегин – У.С) наслидандир, дейилади.

Манбадан ўрта асрларда ҳам етакчи муаррихлар, жумладан Жувайний кенг фойдаланган. “*Мўғулларнинг махфий тарихи*” ҳозиргача бир неча бор турли тилларга таржима қилинган.

Алоуддин Отамалик Жувайний (1226-1283) қаламига мансуб “*Тарихи жаҳонкушой*” асари ҳам Мовароуннаҳрдаги этник жараёнларни ўрганишда муҳим манбалардандир. Жувайнийнинг отаси Баҳоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг Хуросондаги ноиби бўлиб, дастлаб мўғуллар истилосига қарши курашади. Мовароуннаҳр тўла эгаллангач, мўғуллар уни маълумотли эканидан хабар топиб, сарой хизматига жалб қиладилар. Унинг фарзандлари, хусусан Алоуддин Отамалик ҳам ёшлигидан мўғул ҳукмдорлари хизматига кириб, юқори давлат амалларини эгаллайди. У ўзи шоҳид бўлган ва эшитган воқеалар, шунингдек, турли манбалар (жумладан асарнинг Хоразмшоҳлар тарихига оид қисми (II қисм) бизгача етиб келмаган “*Машориб ат-тажориб ва гавориб ал-гароиб*”, Фахруддин Розийнинг (ваф. 1210 й.) “*Жавомей ал-улум*” асарига таяниб ёзилган.) асосида 1260 йилда “*Тарихи жаҳонкушой*” асарини ёзиб тамомлайди. Унда Мўғулистон, Ўрта Осиё ва Эроннинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихи акс этган ва уч қисмдан иборат: биринчи қисмда мўғуллар, уларнинг Чингизхон давридаги истилочилик юришларидан то Гуюкхон (1246-1249) давригача, шунингдек, Жўжихон, Чигатоёхон ва авлодлари тарихи; иккинчи қисмда Хоразмшоҳлар ва Хуросоннинг мўғул ҳукмдорлари давридаги (1258 йилгача) тарихи; учинчи қисмда Эроннинг 1256-1258 йиллардаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, Исмоилийларнинг диний-ҳарбий уюшмаси ва Исмоилийлар давлати (1090-1258) тарихи ёритилган.

“*Тарихи жаҳонкушой*”нинг I-II қисмлари Марказий Осиё халқлари тарихида алоҳида аҳамиятга эга. Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистон тарихи, шунингдек, Мўғулистон ҳақидаги хабарлар асосан муаллифнинг шу мамлакатларга қилган саёҳатлари вақтида тўпланган.

Кейинги даврларда Жувайний асарига бир қанча зайллар ҳам ёзилган. Хусусан, Абдуллоҳ ибн Фазлуллоҳ ал-Шерозий Вассаф (XIV аср) “*Тарихи Вассаф*” номли асарини “*Тарихи жаҳонкушой*”га илова қилган. Асарда асосан 1257-1337 йиллардаги Элхонийлар тарихи акс этган бўлса-да, мазкур давр Чигатоё улуси ва Элхонийлар ўртасидаги муносабатлар ҳам акс этган. Манба 1853 йил Бомбейда нашр этилган.

“*Тарихи жаҳонкушой*”нинг танқидий матнини Мирзо Муҳаммад Қазвиний амалга оширган. Уни Ж.Бойл инглиз тилига таржима қилган. Мазкур таржимани Д.Морган 1997 йилда сўзбоши билан қайта нашр этган. Бундан ташқари манбанинг баъзи қисмлари М.Дефремери, Ч.Шефер, М.Ҳоутсма, В.Радлов, К.Залеман, В.В.Бартольд, Д.Росс, Ж.Техроний, Ҳ.Эллиот, К.д’Оссон, Б.Шпулер, И.Березин каби олимлар томонидан таржима ёки матн ҳолида ҳам чоп қилинган. Манбани Г.Скарчия итальян тилига, М.Ўзтурк турк тилига ўгирган. Шунингдек, “*Тарихи жаҳонкушой*” устида Н.Тошев ҳам махсус тадқиқот олиб бориб, манбани Марказий Осиё тарихига тегишли қисмларини таржима қилган.

Мўғуллар даври акс этган яна бир форсий манба “*Табақоти Носирий*” бўлиб, муаллифи XIII асрда ўтган тарихчи Минҳожиддин Жузжонийдир. Олим мўғул

истилосидан сўнг Деҳли султонлигига қочиб бориб, Шамсиддин Элтутмиш (1211-1235) ва унинг ўғли Носириддин Маҳмудшоҳ (1246-1265) саройида хизмат қилади ва 1260 йилда “*Табақоти Носирий*” ни ёзиб тамомлайди. Асар 23 бобдан иборат бўлиб, 16-боби Хоразмшоҳлар тарихига, сўнгги 23-боби эса мўғуллар истилосига бағишланган. Асарнинг биз учун аҳамиятли жиҳати, унда Мовароуннаҳр ва Хоразм худудидаги этномаданий жараёнлар хусусида ҳам сўз юритилган.

Асар танқидий матни А.Ҳабибий томонидан тайёрланган. Манба матнининг ислом тарихига оид қисмларини У.Нассау Лес 1864 йилда Калкуттада нашр этган. Унинг инглизча тўла таржимасини М.Равертий амалга оширган.

Мазкур давр Марказий Осиё халқлари этник тарихини ўрганишда Рашидиддин Фазлуллоҳ ал-Ҳамадоний (1247-1318)нинг “*Жомеъ ат-таворих*” асари ҳам бирламчи манбалардан ҳисобланади.

Олимнинг ота-боболари ҳам ўз замонасининг ўқимишли кишиларидан бўлган. З.В.Тўғон Рашидиддин яҳудий табиби оиласидан бўлгани ёзади. Рашидиддин Элхоний ҳукмдорлар Абоқохон, Ғозонхон, Ўлжойту ва Абу Саидхон даврида мамлакатдаги юқори амалларда хизмат қилган.

Рашидиддин бир қанча асарлар муаллифидир. Хусусан, илоҳиёт илмининг айрим масалаларига бағишланган “*Ал-мажмуот ар-Рашидия*”, табиатга оид “*Ал-осор ва-л-ихйа*”, “*Баён ал-ҳақоик*”, қурилиш масалаларига доир “*Асила ва ажсиба*” ва умумий тарихга бағишланган “*Жомеъ ат-таворих*” асарлари шулар жумласидандир. Бир оқ, олимнинг бизгача тўла етиб келган ягона асари фақатгина “*Жомеъ ат-таворих*” бўлиб, у ўрта аср Шарқ тарихнависида янги анъанани бошлаб берган. Унда умумий тарих сифатида мусулмон мамлакатлари тарихи билан бирга, Ғарб мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистон тарихи ҳам ёритилган. Асар 1301-1311 йилларда Ғозонхоннинг топшириғи билан ёзилган. У уч қисмдан иборат: биринчи қисмда мўғуллар ва улар асос солган давлатлар, ҳамда мўғуллар асоратига тушган мамлакатлар – Шимолий Хитой, Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари халқларининг мўғул истилосигача бўлган қисқа тарихи; иккинчи қисмда Шарқ мамлакатлари халқларининг исломиятдан аввалги тарихи, Араб халифалиги, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Хитой, қадимги яҳудийлар, франклар, Рим империяси ва Ҳиндистон тарихи; учинчи қисмда Ер курраси, ҳамда етти иқлим мамлакатларининг географик ҳолати акс этган. Асарнинг учинчи қисми бизгача сақланиб қолмаган.

“*Жомеъ ат-таворих*” даги турк ва мўғул халқларининг Чингизхонга қадар кечган тарихи Элхонийлар кутубхонасида сақланаётган “*Олтин дафтар*, Маҳмуд Қошғарий ва Жувайний каби тарихчилар асарлари асосида шунингдек, турк-мўғул халқлари тарихи ва ривоятларини яхши билган кишилар, Пўлод, Чжен-сян, Ғозонхон ва бошқаларнинг оғзаки ахборотлари, Ғарб мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистон халқлари тарихига оид қисмлари ўша вақтларда Эронга келиб қолган франциялик икки католик роҳиб, икки хитойлик олим ва кашмирлик роҳибнинг иштирокида ёзилган. Тўпланган маълумотларни тартибга солиш ишларини муаллифнинг ёрдамчилари Абдуллоҳ Кошоний ва Аҳмад Бухорийлар бажарган.

Ҳофизи Аbru (ваф.1430 й.) “*Жомеъ ат-таворих*”га илова ёзган бўлиб, асар матнини Хонбобо Баёний Техронда нашр этган. Шунингдек, олим асарнинг

французча таржимасини ҳам амалга оширган. Мазкур зайлга Куртлар сулоласидан чиққан подшоҳлар, Туға Темур, Амир Вали ибн Шайх Али Ҳинду, сарбадорлар, Амир Арғуншоҳ тарихи, яъни Эронда 1306-1393 йиллар орасида бўлиб ўтган воқеалар киритилган.

“*Жомеъ ат-таворих*”нинг эски ўзбек тилига қилинган иккита таржимаси бор. Улардан бирини Муҳаммад Али ибн Дарвиш Али Бухорий Шайбоний Кучкунчихон (1510-1530) топшириғига кўра, иккинчисини 1556 йилда Солур бобо ибн Қул Али Урганч ҳокими Али Султон (ваф. 1572 й.) буйруғи билан амалга оширган.

Ўтган икки аср мобайнида манбанинг форсча матни, шунингдек, турли тиллардаги тўлиқ ва айрим қисмларининг таржималари эълон қилинган. Хусусан, асарнинг Ҳалокухон даврига оид қисми М.Катрмер, тўрт улус ва қоонлар қисми Э.Блошэ, Абакахон ва Ғозонхон даври К.Ян, форсий матни ва русча таржимаси И.Н.Березин томонидан нашр қилинган. Бундан ташқари, манбанинг А.Ализода, Б.Каримий, А.Атас, Ж.Бойл ва бошқалар амалга оширган таржималари ҳам мавжуд. Шунингдек, асар 1946-1960 йилларда рус тилига ҳам таржима қилинган.

“*Тарихи гузида*” ҳам бу давр ёритилган асосий манбалардан бўлиб, муаллифи Ҳамдуллоҳ Қазвиний (1281-1350) Рашидиддин даврида Қазвин, Абҳар ва Занжон вилоятларининг молиявий ишларини бошқарган. Рашидиддин қатл этилгандан сўнг, унинг ўғли Ғиёсуддин Муҳаммаднинг хизматида кирган. У “*Зафарнома*”, “*Тарихи гузида*” ҳамда “*Нузхат ал-қулуб*” номли асарларни яратган.

“*Зафарнома*”да турк-мўғул халқлари хусусида ҳам сўз юритилган бўлиб, 75000 байтдан иборат. Асарнинг нусхалари Британия музейи (№ 2833) ва Истанбулдаги Авкаф музейида (№ 2041, 2042) мавжуд.

“*Тарихи гузида*” умумий тарих йўналишида ёзилган бўлиб, унда қадим замонлардан 1330 йилгача Эрон ва Ўрта Осиёдаги воқеалар баён этилган. Олим вафотидан кейин асар ўғли Зайниддин томонидан давом эттирилиб, унга 1392 йилгача Эронда бўлиб ўтган воқеалар қўшилган. Асар муқаддима ва 6 бобдан иборат. Унинг 4-бобида Аббосийлар даврида Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган Саффорийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Ғурийлар, Салжукийлар, Хоразмшоҳлар, мўғуллар тарихи баён этилган.

Асар матни ва қисқартирилган инглизча таржимасини Э.Браун нашр этган. Шунингдек, асар матнини 1960 йил А.Навоий ҳам эълон қилган.

Хулоса қилиб айтганда, XIII-XIV асрларга оид манбалар асосан форсий, қисман араб тилида ёзилган. Уларда Мовароуннаҳр ҳудудидаги этник жараёнлар асосий тадқиқот объекти сифатида акс этмаган бўлса ҳам, Хоразмшоҳлар давлати, мўғулларнинг истилочилик юришлари, Чиғатой улуси тарихи билан бирга Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудлардаги этник вазият ва этномаданий жараёнлар тўғрисида ҳам сўз юритилган. Жувайний, Рашидиддин, Жамол Қарший каби тарихчиларнинг асарларида турк-мўғул халқларининг этник келиб чиқиши ва тарқалишига доир маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, мазкур давр акс этган манбаларнинг аксарияти ҳозиргача танқидий матн ёки таржима сифатида нашр этилган бўлса-да, улардан асосан, Марказий Осиёнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий тарихини ёритишда фойдаланилган. Манбалардаги этник масалаларга оид маълумотлар аниқ ва изчил

бўлмагани боис тадқиқотларга кам жалб этилган.

Маълумки, ғарбий Қорахонийлар даврида ўзбек элати шаклланди. Шаклланган халқнинг XIII-XIV асрлардаги этник тарихини бир қатор форсий, арабий ва туркий (эски чиғатой тили) манбалар ёритиб беради. Хусусан, Ибн ал-Асирнинг “Ал-комил фи-т-тарих” асари мазкур давр Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда асосий манба бўлиб, унда дунёнинг яратилишидан 1231 йилга қадар Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар баён этилган.

Манбанинг мўғуллар истилосига бағишланган 12-жилди алоҳида қимматга эга. Унда Мовароуннаҳр, ҳамда Шарқ мамлакатларининг XIII аср биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий тарихи билан бирга этник тарихи ёритиб берилган.

Асар Хивада Муҳаммад Раҳим II (1863-1910) даврида Нурилло Муфтий, Муҳаммад Шариф охундлар томонидан эски ўзбек тилига таржима қилинган бўлиб, ҳозирда мазкур таржиманинг ўн учта қўлёзмаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

XIX-XX асрларда манбанинг матни ва қисқа таржималари бир неча бор турли тилларда нашр этилган. Айрим парчаларни рус тилига Н.А.Медников, А.Е.Крымский таржима қилган. Шунингдек, асарнинг Ўрта Осиёга тегишли қисмлари таржимасини П.Г.Булгаков амалга оширган. Мазкур таржимани ўзгартириш ва қўшимчалар билан нашр Ш.С.Камолиддин этган.

Бу давр этник тарихи Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий (ваф. 1249 й.)нинг “Сирот ас-султон Жалолуддин Менкбурни” (бундан кейин “Сирот”) номли араб тилидаги асарида ҳам акс этган. Муаллиф 1224-1231 йилларда Хоразмшоҳ Жалолиддинга (1199-1231) котиблик қилди ва асарда акс этган тарихий воқеа-ҳодисаларни бевосита иштирок этди. Манбада Ўрта Осиё, Кавказ, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг мўғул истилоси давридаги (1220-1231) ижтимоий, сиёсий аҳволи кенг ёритилган бўлиб, 1241 йил Ҳалабда тугалланган. Асар муқаддима ва 108 бобдан иборат. Манбанинг 1-4-бобларида мўғул-татарлар ва Чингизхон тарихи, 5-22 бобларида Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг ҳаёти ва фаолияти, 23-108-бобларида мўғул истилоси, ҳамда Жалолиддиннинг кураши ва фаолияти ҳикоя қилинади. “Сирот”нинг 1224-1231 йиллар воқеаларини ўз ичига олган боблари оригинал ва катта тарихий аҳамиятга эга.

“Сирот” XIII асрдаёқ форс тилига ўгирилган эди. Манбанинг арабча матни, французча таржимаси билан 1891-1895 йилларда Париж ва Қоҳирада чоп қилинган. Унинг қисқартирилган туркча таржимасини Юсуф Зиё ва Аҳмад Тавҳид, форсча таржимасини Муҳаммад Али Носиҳ ва Мужтаб Миновий амалга оширган. Асарнинг XIII асрда Туркменистон тарихини ҳикоя қилувчи қисмини С.Л.Волин нашр этган. “Сирот”нинг французча таржимасини Нажиб Осим туркчага ўгирган. Шунингдек, манбанинг З.М.Бунятов амалга оширган рус тилидаги мукамал таржимаси ҳам мавжуд. Мазкур таржима К.Матёкубов томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, чоп этилган.

Хоразмшоҳ Жалолиддин тарихи баён этилган яна бир тарихий асар “Нафсат ал-масдур”дир. Асар муаллифи ҳақида турли зиддиятлар мавжуд. З.В.Тўғоннинг ёзишича, у Нуриддин Муҳаммад Мунший қаламига мансуб. Шуниси қизиқки, у ҳам ан-Насавий каби Жалолиддиннинг котиби бўлган. И.Қофасўгли бу икки муаллиф

аслида бир одам эканини ёзади . Асарнинг ёзилган вақти ҳақида аниқ маълумот келтирилмаса-да, Мирзо Муҳаммад Қазвиний у “Сирот”дан аввал ёзилганини айтади . Асар тузилиш ва воқеалар баёнига кўра, “Сирот”га ўхшайди .

Манба ҳозиргача тўла ўрганилмаган. Унинг матни 1928 йил Теҳронда тошбосма шаклида нашр этилган.

Жамол Қаршийнинг “Мулҳақот ас-суроҳ” асари ҳам XIII аср иккинчи ярми - XIV аср бошларидаги Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда асосий манбалардан ҳисобланади. Асар Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммодал-Жавҳарийнинг (ваф. 1008 й.) “Ас-саҳоҳ” номли асарига ёзилган кўшимча бўлиб, унда Марказий Осиё халқларининг XIII асрдаги этник тарихи, маданияти, йирик шаҳарлари, мўғуллар босқини, чигатой хонлари тарихи ёритиб берилган.

“Мулҳақот ас-суроҳ” ҳозиргача бирон-бир тилга тўла ўгирилмаган бўлиб, баъзи қисмларигина таржима қилинган . В.В.Бартольд асар матнининг бир қисмини 1898 йилда нашр этган . Манбанинг қўлёзмалари Англия, Франция, Германия, Россия ва Ўзбекистонда мавжуд.

Бу давр тарихи акс этган яна бир манба Саъдуддин Муҳаммад Авфий (XII аср сўнгги чораги ва XIII аср биринчи ярми)нинг “Жавоми ал-ҳикоят” номли асаридир. Муаррих асли бухоролик бўлиб, мўғуллар истилоси арафасида Ҳиндистонга йўл олади. Олим Мовароуннаҳр ва Хуросон бўйлаб кўп саёҳат қилиб, 1227-1236 йилларда тўрт қисмдан (ҳар бир қисм 25 бобдан) иборат “Жавоми ал-ҳикоят” асарини ёзади. Унда Ҳиндистон, Эрон, ҳамда Марказий Осиёнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётига оид 2113 та тарихий латифа келтирилган. Биз учун асарнинг тўртинчи қисми аҳамиятли бўлиб, унда Ўрта Осиёнинг қадимий туркий халқлари ва Бухоро садрлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунини таъкидлаш жоизки, асар ҳозиргача бирон-бир тилга тўлиқ таржима қилинмаган.

Авфийнинг 1222-1223 йилларда ёзилган “Лубоб ал-албоб” номли тазкираси ҳам бўлиб, унда Ўрта Осиё, Хуросон, Ироқ, Озарбайжон, Ғазна ҳамда Ғарбий Ҳиндистонда X-XII асрларда яшаб ижод этган 299 шоир ва адиб ҳақида умумий маълумот берилган. Асарнинг форсий матни Э.Браун ва Мирза Муҳаммад Қазвиний томонидан нашр этилган .

“Мўғулларнинг махфий тарихи” мазкур давр турк-мўғул халқлари этник тарихини ёритишда асосий манбалардан бўлиб, 1240 йилда ёзилган . Унда мўғул истилолари кенг ёритилганига қарамай Мовароуннаҳр юришига ва минтақадаги халқлар тарихига кам эътибор қаратилган. Манба турк-мўғул халқларининг келиб чиқиши, Онон, Керулен ва Ила бўйларидаги этник аҳволни ўрганишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, унда барлослар ва Чингизхон бир илдиздан экани таъкидланиб, улар Борчегин (Бўричегин, Бўрчегин – У.С) наслидандир , дейилади.

Манбадан ўрта асрларда ҳам етакчи муаррихлар, жумладан Жувайний кенг фойдаланган . “Мўғулларнинг махфий тарихи” ҳозиргача бир неча бор турли тилларга таржима қилинган .

Алоуддин Отамалик Жувайний (1226-1283) қаламига мансуб “Тарихи жаҳонкушой” асари ҳам Мовароуннаҳрдаги этник жараёнларни ўрганишда муҳим манбалардандир. Жувайнийнинг отаси Баҳоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг Хуросондаги ноиб бўлиб, дастлаб мўғуллар истилосига қарши

курашади. Мовароуннаҳр тўла эгаллангач, мўғуллар уни маълумотли эканидан хабар топиб, сарой хизматига жалб қиладилар. Унинг фарзандлари, хусусан Алоуддин Отамалик ҳам ёшлигидан мўғул ҳукмдорлари хизматига кириб, юқори давлат амалларини эгаллайди. У ўзи шоҳид бўлган ва эшитган воқеалар, шунингдек, турли манбалар (жумладан асарнинг Хоразмшоҳлар тарихига оид қисми (II қисм) бизгача етиб келмаган “Машориб ат-тажориб ва ғавориб ал-ғароиб”, Фахруддин Розийнинг (ваф. 1210 й.) “Жавомеъ ал-улум” асарига таяниб ёзилган.) асосида 1260 йилда “Тарихи жаҳонкушой” асарини ёзиб тамомлайди. Унда Мўғулистон, Ўрта Осиё ва Эроннинг XIII асрдаги ижтимоий-сиёсий тарихи акс этган ва уч қисмдан иборат: биринчи қисмда мўғуллар, уларнинг Чингизхон давридаги истилочилик юришларидан то Гуюкхон (1246-1249) давригача, шунингдек, Жўжихон, Чигатойхон ва авлодлари тарихи; иккинчи қисмда Хоразмшоҳлар ва Хуросоннинг мўғул ҳукмдорлари давридаги (1258 йилгача) тарихи; учинчи қисмда Эроннинг 1256-1258 йиллардаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, Исмоилийларнинг диний-ҳарбий уюшмаси ва Исмоилийлар давлати (1090-1258) тарихи ёритилган.

“Тарихи жаҳонкушой”нинг I-II қисмлари Марказий Осиё халқлари тарихида алоҳида аҳамиятга эга. Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистон тарихи, шунингдек, Мўғулистон ҳақидаги хабарлар асосан муаллифнинг шу мамлакатларга қилган саёҳатлари вақтида тўпланган.

Кейинги даврларда Жувайний асарига бир қанча зайллар ҳам ёзилган. Хусусан, Абдуллоҳ ибн Фазлуллоҳ ал-Шерозий Вассаф (XIV аср) “Тарихи Вассаф” номли асарини “Тарихи жаҳонкушой”га илова қилган. Асарда асосан 1257-1337 йиллардаги Элхонийлар тарихи акс этган бўлса-да, мазкур давр Чигатой улуси ва Элхонийлар ўртасидаги муносабатлар ҳам акс этган. Манба 1853 йил Бомбейда нашр этилган.

“Тарихи жаҳонкушой”нинг танқидий матнини Мирзо Муҳаммад Қазвиний амалга оширган. Уни Ж.Бойл инглиз тилига таржима қилган. Мазкур таржимани Д.Морган 1997 йилда сўзбоши билан қайта нашр этган. Бундан ташқари манбанинг баъзи қисмлари М.Дефремери, Ч.Шефер, М.Ҳоутсма, В.Радлов, К.Залеман, В.В.Бартольд, Д.Росс, Ж.Техроний, Ҳ.Эллиот, К.д’Оссон, Б.Шпулер, И.Березин каби олимлар томонидан таржима ёки матн ҳолида ҳам чоп қилинган. Манбани Г.Скарчия итальян тилига, М.Ўзтурк турк тилига ўгирган. Шунингдек, “Тарихи жаҳонкушой” устида Н.Тошев ҳам махсус тадқиқот олиб бориб, манбани Марказий Осиё тарихига тегишли қисмларини таржима қилган.

Мўғуллар даври акс этган яна бир форсий манба “Табақоти Носирий” бўлиб, муаллифи XIII асрда ўтган тарихчи Минҳожиддин Жузжонийдир. Олим мўғул истилосидан сўнг Деҳли султонлигига қочиб бориб, Шамсиддин Элтутмиш (1211-1235) ва унинг ўғли Носириддин Маҳмудшоҳ (1246-1265) саройида хизмат қилади ва 1260 йилда “Табақоти Носирий”ни ёзиб тамомлайди. Асар 23 бобдан иборат бўлиб, 16-боби Хоразмшоҳлар тарихига, сўнгги 23-боби эса мўғуллар истилосига бағишланган. Асарнинг биз учун аҳамиятли жиҳати, унда Мовароуннаҳр ва Хоразм худудидаги этномаданий жараёнлар хусусида ҳам сўз юритилган.

Асар танқидий матни А.Ҳабибий томонидан тайёрланган. Манба матнининг ислом тарихига оид қисмларини У.Нассау Лес 1864 йилда Калкуттада нашр этган. Унинг инглизча тўла таржимасини М.Равертий амалга оширган.

Мазкур давр Марказий Осиё халқлари этник тарихини ўрганишда Рашидиддин Фазлуллоҳ ал-Ҳамадоний (1247-1318)нинг “Жомеъ ат-таворих” асари ҳам бирламчи манбалардан ҳисобланади.

Олимнинг ота-боболари ҳам ўз замонасининг ўқимишли кишиларидан бўлган. З.В.Тўғон Рашидиддин яҳудий табиби оиласидан бўлгани ёзади. Рашидиддин Элхоний ҳукмдорлар Абоқохон, Ғозонхон, Ўлжойту ва Абу Саидхон даврида мамлакатдаги юқори амалларда хизмат қилган.

Рашидиддин бир қанча асарлар муаллифидир. Хусусан, илоҳиёт илмининг айрим масалаларига бағишланган “Ал-мажмуот ар-Рашидия”, табиатга оид “Ал-осор ва-л-ихйа”, “Баён ал-ҳақоик”, қурилиш масалаларига доир “Асила ва ажиба” ва умумий тарихга бағишланган “Жомеъ ат-таворих” асарлари шулар жумласидандир. Бироқ, олимнинг бизгача тўла етиб келган ягона асари фақатгина “Жомеъ ат-таворих” бўлиб, у ўрта аср Шарқ тарихнавислигида янги анъанани бошлаб берган. Унда умумий тарих сифатида мусулмон мамлакатлари тарихи билан бирга, Ғарб мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистон тарихи ҳам ёритилган. Асар 1301-1311 йилларда Ғозонхоннинг топшириғи билан ёзилган. У уч қисмдан иборат: биринчи қисмда мўғуллар ва улар асос солган давлатлар, ҳамда мўғуллар асоратига тушган мамлакатлар – Шимолий Хитой, Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатлари халқларининг мўғул истилосигача бўлган қисқа тарихи; иккинчи қисмда Шарқ мамлакатлари халқларининг исломиятдан аввалги тарихи, Араб халифалиги, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, Хитой, қадимги яҳудийлар, франклар, Рим империяси ва Ҳиндистон тарихи; учинчи қисмда Ер қурраси, ҳамда етти иқлим мамлакатларининг географик ҳолати акс этган. Асарнинг учинчи қисми бизгача сақланиб қолмаган.

“Жомеъ ат-таворих”даги турк ва мўғул халқларининг Чингизхонга қадар кечган тарихи Элхонийлар кутубхонасида сақланаётган “Олтин дафтар”, Маҳмуд Қошғарий ва Жувайний каби тарихчилар асарлари асосида шунингдек, турк-мўғул халқлари тарихи ва ривоятларини яхши билган кишилар, Пўлод, Чжен-сян, Ғозонхон ва бошқаларнинг оғзаки ахборотлари, Ғарб мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистон халқлари тарихига оид қисмлари ўша вақтларда Эронга келиб қолган франциялик икки католик роҳиб, икки хитойлик олим ва кашмирлик роҳибнинг иштирокида ёзилган. Тўпланган маълумотларни тартибга солиш ишларини муаллифнинг ёрдамчилари Абдуллоҳ Кошоний ва Аҳмад Бухорийлар бажарган.

Ҳофизи Абру (ваф. 1430 й.) “Жомеъ ат-таворих”га илова ёзган бўлиб, асар матнини Хонбобо Баёний Техронда нашр этган. Шунингдек, олим асарнинг французча таржимасини ҳам амалга оширган. Мазкур зайлга Куртлар сулоласидан чиққан подшоҳлар, Туға Темур, Амир Вали ибн Шайх Али Ҳинду, сарбадорлар, Амир Арғуншоҳ тарихи, яъни Эронда 1306-1393 йиллар орасида бўлиб ўтган воқеалар киритилган.

“Жомеъ ат-таворих”нинг эски ўзбек тилига қилинган иккита таржимаси бор. Улардан бирини Муҳаммад Али ибн Дарвиш Али Бухорий Шайбоний Кучкунчихон (1510-1530) топшириғига кўра, иккинчисини 1556 йилда Солур бобо ибн Қул Али Урганч ҳокими Али Султон (ваф. 1572 й.) буйруғи билан амалга оширган.

Ўтган икки аср мобайнида манбанинг форсча матни, шунингдек, турли тиллардаги тўлиқ ва айрим қисмларининг таржималари эълон қилинган. Хусусан, асарнинг

Ҳалокухон даврига оид қисми М.Катрмер , тўрт улус ва қоонлар қисми Э.Блошэ , Абакахон ва Ғозонхон даври К.Ян , форсий матни ва русча таржимаси И.Н.Березин томонидан нашр қилинган. Бундан ташқари, манбанинг А.Ализода , Б.Каримий , А.Атас , Ж.Бойл ва бошқалар амалга оширган таржималари ҳам мавжуд. Шунингдек, асар 1946-1960 йилларда рус тилига ҳам таржима қилинган .

“Тарихи гузида” ҳам бу давр ёритилган асосий манбалардан бўлиб, муаллифи Ҳамдуллоҳ Қазвиний (1281-1350) Рашидиддин даврида Қазвин, Абҳар ва Занжон вилоятларининг молиявий ишларини бошқарган. Рашидиддин қатл этилгандан сўнг, унинг ўғли Ғиёсуддин Муҳаммаднинг хизматига кирган. У “Зафарнома”, “Тарихи гузида” ҳамда “Нузхат ал-қулуб” номли асарларни яратган.

“Зафарнома”да турк-мўғул халқлари хусусида ҳам сўз юритилган бўлиб, 75000 байтдан иборат. Асарнинг нусхалари Британия музейи (№ 2833) ва Истанбулдаги Авкаф музейида (№ 2041, 2042) мавжуд .

“Тарихи гузида” умумий тарих йўналишида ёзилган бўлиб, унда қадим замонлардан 1330 йилгача Эрон ва Ўрта Осиёдаги воқеалар баён этилган. Олим вафотидан кейин асар ўғли Зайниддин томонидан давом этирилиб, унга 1392 йилгача Эронда бўлиб ўтган воқеалар қўшилган. Асар муқаддима ва 6 бобдан иборат. Унинг 4-бобида Аббосийлар даврида Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган Саффорийлар, Сомонийлар, Ғазнавийлар, Ғурийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар, мўғуллар тарихи баён этилган.

Асар матни ва қисқартирилган инглизча таржимасини Э.Браун нашр этган . Шунингдек, асар матнини 1960 йил А.Навоий ҳам эълон қилган.

Хулоса қилиб айтганда, XIII-XIV асрларга оид манбалар асосан форсий, қисман араб тилида ёзилган. Уларда Мовароуннаҳр ҳудудидаги этник жараёнлар асосий тадқиқот объекти сифатида акс этмаган бўлса ҳам, Хоразмшоҳлар давлати, мўғулларнинг истилочилик юришлари, Чигатой улуси тарихи билан бирга Мовароуннаҳр ва унга туташ ҳудудлардаги этник вазият ва этномаданий жараёнлар тўғрисида ҳам сўз юритилган. Жувайний, Рашидиддин, Жамол Қарший каби тарихчиларнинг асарларида турк-мўғул халқларининг этник келиб чиқиши ва тарқалишига доир маълумотлар келтирилган.

Шунингдек, мазкур давр акс этган манбаларнинг аксарияти ҳозиргача танқидий матн ёки таржима сифатида нашр этилган бўлса-да, улардан асосан, Марказий Осиёнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий тарихини ёритишда фойдаланилган. Манбалардаги этник масалаларга оид маълумотлар аниқ ва изчил бўлмагани боис тадқиқотларга кам жалб этилган.

Ватанимиз мустақиллиги йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Амир Темур номини тиклаш ва абадийлаштириш масалаларига катта эътибор қаратди. 1993 йил 31 августда Тошкентда Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимидаги нутқида И.А.Каримов: «Амир Темур мамлакат кудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди. Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Ғарб давлатларига ўрнатилган ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърят бекиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди», — деб жуда тўғри таъкидлади.

Бу йилларда мавзуни ўрганиш бўйича давлат миқёсида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Шунингдек, Парижда 1996 йил 22 апрелда «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълим равнақи» мавзусида ўтказилган конференцияда ўзбек олимларининг мавзуни асосий манбалар ёрдамида ёритиб бериши муҳим аҳамият касб этди.

Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференциялар самараси ўлароқ, Амир Темур ва Темурийлар даври тарихшунослигининг янада кенгайтишига катта имкониятлар яратилди.

Бугунги кунга келиб Амир Темур ҳақидаги ўрта асрларга оид аксарият асосий ёзма манбалар Европа тилларида босилиб чиққан.

Мустақиллик йилларида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид янги тадқиқотлар, манбалар илмий муомалага киритилди. Бу эса, ўз навбатида, Амир Темур ва унинг давлати тарихига оид илмий тадқиқотлар савиясининг ортишига олиб келди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида яратилган имкониятлардан самарали фойдаланилган ҳолда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига берилган баҳо тубдан ўзгарди ва Соҳибқироннинг фаолиятига янгича нуқтаи назар билан қаралди. Адолат нуқтаи назаридан ёндошганда Амир Темурнинг бунёдкорлик, илм-фанга эътибори В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовский асарларида ҳам маълум бир маънода ўз аксини топса-да, лекин шу билан бирга, уларнинг асарларида қатор баҳсли ўринлар ҳам мавжуд эди.

1990 йиллар бошларида Б.В.Лунин, А. Ахмедов, Б. Ахмедов каби олимлар Амир Темур тарихини қайта, ҳолис ўрганиш масаласини кўтариб чиқиб, унинг шахсига юқори баҳо бердилар.

Аммо мустақилликнинг дастлабки 1992 — 1994 йилларида чоп этилган айрим адабиётлар ҳам бор эдики, уларда ҳануз совет даврида мавжуд фикрларнинг давом этганини кўриш мумкин. Демокчимизки, оламшумул воқеа бўлган мустақилликнинг аҳамияти ва моҳиятини дафъатан илғаб ололмаган тарихчилар ҳам бўлдилар.

Мустақиллик даврида эришилган ютуқ сифатида яратилган фундаментал тадқиқотларни келтириш мумкин. Бу ўринда «Амир Темур жаҳон тарихида» номли асарни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Бу асарда Амир Темур ва Темурийлар салтанатининг иқтисодий усиши ва савдо алоқдлари, халқаро алоқалар ва дипломатия, илм-фан ва маданияти ҳар томонлама очиқ берилган. 1996 йили чоп этилган яна бир йирик асар «Темур ва Улуғбек даври тарихи»дир. Унда Амир Темур ва Темурийлар даврини ўрганишга бағишланган манбалар, бу даврни ўрганишга хизмат қилувчи адабиётлар, Темур образининг фольклорда акс этиши, Темур ва Улуғбекнинг таржимаи ҳоли, Темур ва Улуғбек давридаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт масалалари атрофлича ёритилган.

Шунингдек, Б.Ахмедов Г.А.Пугаченкова ва Р.Г.Мукминова томонидан ҳамкорликда тайёрланган «Амир Темур» номли коллектив монографияда Амир Темурнинг Европа ва Осиё тарихидаги буюк хизматлари, Буюк ипак йўлини тиклагани, бунёдкорлик фаолияти, илм-фан ва маданиятга ҳомийлиги хусусида сўз боради. Асарнинг ўзига хос илмий қиммати шундаки, унда бошқа асарлардан фарқли ўлароқ Амир Темур салтанати бошқарув тизимининг ижобий томонлари билан бирга, унинг заиф томонлари ҳам кўрсатилган.

Бу йилларда Амир Темур библиографияси тузиш ишларига катта эътибор қаратилди. Р.Алимов томонидан «Соҳибқирон Амир Темур» методик тавсияномаси, академик Э.В.Ртвеладзе ва профессор А.Х.Саидовлар томонидан «Амир Темур дунё фани кўзгусида» библиографияси, «Амир Темур библиографияси» нашр этилди.

Темуршунослик ривожига манбаларнинг ўрганилиш даражаси муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Ёзма манбаларни таржима қилиш ва изоҳлар билан нашрга тайёрлаш соҳасида А.Ўринбоев, Д.Юсупова, Кароматов, У.Уватов, О.Бўриев, Ғ.Карим каби шарқшунос олимларнинг хизмати катта бўлди. Мавзуга доир қолган манбаларнинг ҳам ўзбек тилига тўла таржималари амалга оширилиб янги тадқиқотлар учун манбавий асос кўпайди. Фикримизча, манбашунослик соҳасидаги илмий изланишларни давом эттириб, ёзма манбаларнинг танқидий ва қиёсий таҳлилига бағишланган махсус тадқиқотларни амалга ошириш асосида ўша давр воқелиги тўлароқ ёритилса, мавзунинг баҳс-мунозарали муаммолари ўзининг илмий ечимини топган бўларди. Зеро, манбаларнинг илмий муомалага киритилиши натижасида темуршуносликка ҳисса бўлиб қўшилган янги тадқиқотлар амалга оширилди. Амир Темур давлатининг дипломатик муносабатларини М.Холбеков, А.Саидов (Л.Керэн билан ҳаммуаллифликда), Б.Маннонов, С.Ғуломов, У.Уватов, А.Зиё, Н.Каримова, Ғ.Каримов ва Ҳабибуллаев, М.Абдураимов. И.Искандаров, Х.Исматуллоҳ, К.Бурхонов, Ш.Фарзалиев, хорижлик олимлардан Л.Керэн, мисрлик Фатхи ал-Гувейли, америкалик Р. Нельсон, германиялик К.Пандер, покстонлик Ф.Дурроний каби олимлар махсус ўрганганлар.

Мустақиллик йилларида мавзунинг қайта-қайта ўрганилиши боис, унинг тарихшунослиги Ш.Ўлжаева, Д.Абиджанова, Б.Усмоновларнинг диссертация ҳимоялари бўлиб ўтди.

Хулоса ўрнида қуйидагиларни умумлаштириш ўринлидир. Мазкур мақолада Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид мустақиллик йилларида амалга оширилган илмий тадқиқотлар тарихшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ ва таҳлил этилди. Таъкидлаш жоизки, мазкур йилларда Ўзбекистонда, қисқа муддат ичида, Амир Темур салтанати тарихига оид ёзма манбаларнинг бир қисм илмий муомалага киритилган ва салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган.

Мустақиллик йиллари тарихшунослигида Амир Темурнинг давлатчилик фаолиятини долзарб мавзу даражасига олиб чиқишда, биринчи навбатда Президент И.А.Каримовнинг асарлари, нутқ ва маърузалари Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ёритишда услубий асос бўлиб хизмат қилди, мавзуни янги мазмунда ёритишга имкон яратди. 1996 йили Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигининг халқаро миқёсда нишонланиши эса янги тадқиқотлар учун кенг имкониятларни яратди. Изчил муносабатнинг шаклланиши туфайли, фанда совет даврида Амир Темур шахсига нисбатан ҳукм сурган салбий хулоса барҳам топиб, мавзу янги чизгилар билан ёритилди. Ҳозирда Амир Темур тарихини ҳар томонлама ўрганиш ва тадқиқ қилиш борасидаги тарихчилар олдига қўйилган вазифаларнинг ҳал этилиб бораётганини кўрсатишимиз мумкин.

Манбашунос олимлар томонидан илмий муомалага киритилган маълумотлар Амир Темур шахси, ҳаёти ва фаолияти, фан ва маданиятга ҳомийлиги билан боғлиқ томонларга ҳаққоний баҳо бериш имконини яратиб, ноўрин баҳсларга ўрин

қолдирмади. Буларнинг натижаси ўлароқ Амир Темурнинг шахси, илмий мушоҳадаси, саркардалик ва давлатчилик фаолияти янги, ҳаққоний ва холис баҳо олди. Шунингдек, Амир Темур ҳаёти ва фаолияти тарихига оид муҳим, мавжуд мунозарали муаммоларга ойдинлик киритишга, тадқиқотларнинг манбавий асосининг кенгайтишига, илмий савияси ошишига хизмат қилди. Қайд этиш лозим, темуршунослик ривожига ижтимоий-сиёсий муҳит ва манбаларнинг ўрганилиши асосий таъсир этувчи омиллар бўлди.

Мустақиллик йилларида Амир Темур шахсига нисбатан тарихий адолатнинг қарор топишини ютуқ сифатида айтишимиз мумкин. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг тарихчи олимлар томонидан ўрганилиши ва амалга оширилган тадқиқотлар янги, аввалгига нисбатан юқори босқичга кўтарилганини кўрсатади. Уларда ҳарбий юришлардан кўзланган асосий мақсад совет тарихшунослигида қайд этилганидек, «талончилик» ва «босқинчилик» эмас, балки эзгу ният, яъни Буюк ипак йўлини, коммуникацияни тиклаш, бу орқали эса савдо—сотик, илм-фан тараққиётини ривожлантириш учун саъй-ҳаракатлар қилгани, бунёдкорлик ишларини кенг миқёсда олиб боргани исботлаб берилди.

Мустақиллик даври тарихшунослигининг ютуқли жиҳатларидан яна бири, тадқиқотларда Амир Темур салтанатининг халқаро муносабатлари тарихи ва дипломатия муносабатлари тарихининг энг ёрқин саҳифаси бўлгани, бунда дипломатия қоидаларига қатъий амал қилингани, Соҳибқироннинг мазкур соҳадаги маҳорати юқори баҳоланганлигидир. Хусусан, дипломатик муносабатлардан кўзланган асосий мақсад савдо-сотикни ривожлантириш эканлиги эътироф этилган.

Бу йилларда амалга оширилган ишларнинг яна бир муҳим жиҳати бу маданият ва санъат тараққиётида Амир Темурнинг ўрни ва ҳомийлигига алоҳида эътибор берилганлигидир. Уларда совет даврида Амир Темурга «вайронкор» деб берилган бир ёқлама, салбий фикрлар асоссиз эканлиги, аксинча, Соҳибқироннинг ўзга юртлардаги ободончиликка бўлган эътибори, унинг бунёдкорлик, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатидаги фаолиятига юқори, фактологик ва илмий асосли баҳо берилди.

Мустақиллик йиллари ўзбек тарихшунослигида муаммонинг холис ёритилгани билан бирга айрим салбий ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин. Булар, мутахассис бўлмаган тарихчилар томонидан мавзунинг енгил-елпи ёритилиши, сарлавҳага қўйилган муаммонинг мазмунда очиб берилмаслиги, аввалги тадқиқотларнинг илмий ютуқларидан фойдаланмаслик, асосий ёзма манбаларга асосланмаслик ёки ягона манбага таяниб мавзунинг талқин этилиши, такрорлаш ҳоллари, илмий тадқиқ ва таҳлилга эътибор бермаслик каби ҳолатлардир. Шунингдек, тадқиқотлар таҳлилини амалга ошириш натижасида мавзу юзасидан долзарб муаммолар борлиги билан бир қаторда, уларнинг бир текис ўрганилмаганини қайд этиш лозим. Хусусан, ёзма манбаларнинг бир қисми чоп этилганига қарамай, Амир Темурнинг сиёсий ҳокимият тепасига келишигача бўлган даврдаги фаолияти умумий характерда ўрганилган ёки масала аксарият ҳолларда четлаб ўтилганлиги ҳолатлари кузатилади. Баъзан тадқиқотларда сана, жой ва расмий маросим номлари, атамалар хусусида чалкашликлар мавжудлигини кўрсатиш жоиз.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Амир Темурни Доро I Александр

Македонский, Юлий Цезарь ва бошқа тарихий даҳоларга қиёс қилиб, улар билан бир сафга қўйиш ҳоллари тарихчиларнинг асарларида учрайди. Фикримизча, бундай қиёслаш ноўрин бўлиб, Соҳибқиронни улар билан ёнма-ён қўйиб бўлмайди. Сабаби, Амир Темур ўз «Тузуқларга» асосланган адолатли қонунчилик тизимини яратиб, умр бўйи бунёдкорлик билан шуғулланди.

Ҳанузгача жаҳонда нашр этилаётган нашрлар, турли энциклопедиялар ва интернет маълумотларида Амир Темурнинг шахси ва фаолиятига салбий баҳо бериб келинмоқда. Афсуски, ҳалигача Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати ва давлатнинг ҳарбий бошқарув тизимини тўлиқ ёритишга бағишланган фундаментал тадқиқот бажарилмаган. Асосий, манбалардаги маълумотлар турлича бўлиб бу мавзуни мураккаблигини оширади. Шунинг учун тадқиқотчининг мавзуни ёритиб беришигина кифоя қилмайди. Асосий манбаларни комплекс таҳлили асосида манбашунослик ва тарихшунослик нуқтаи назаридан объектив таҳлилинини амалга оширган тадқиқот муаммога ойдинлик киритади. Бу масалада махсус илмий тадқиқот олиб борилиши ва ҳарбий юришларнинг ҳар бирини асосий мақсадини илмий асосли очиб берилиши замонавий темуршуносликнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Соҳибқиронга таваллуд топган Ватанида энг ҳаққоний илмий ёндашув шаклланиши керак, деб ўйлаймиз. Ўзбекистон турли ёндашувдаги тенденцияларни узгартиришга амалий ёрдам берадиган темуршуносликнинг илмий марказга айланиши керак. Бунинг учун Ўзбекистонда темуршунослик мактаби ва етарли илмий салоҳият шаклланган.

4-мавзу: Шайбонийлар, Аштархонийлар ва хонликлар даврига оид тадқиқотлар

Режа:

1. Шайбонийлар ва Аштархонийлар даври тарихига оид янги тадқиқотлар
2. Хонликлар даврига оид янги тадқиқотлар

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихи ҳар томонлама холис ва илмий ёритила бошланди. Айниқса, ўзбек давлатчилиги тарихи ва унинг жаҳон цивилизацияси тараққиёти жараёнларида тутган ўрнини ёритишга катта эътибор берилмоқда. Шубҳасиз, ўзбек давлатчилиги анъаналарининг шаклланишида ва тараққий этишида муҳим ўрин тутган даврлардан бири ўзбек хонликлари даври ҳисобланади. Ғарб Каспий денгизигача, жанубда Шарқий Эрон ва Афғонистон, шимол ва шарқда Россия империяси ҳамда Шарқий Туркистон, Хитой билан савдо ва дипломатик алоқалар олиб боришда қулай геополитик афзалликларга эга бўлган хонликлар Марказий Осиё давлатлари орасида қулай геополитик мавқега эга эди.

XVI аср бошларига келиб, темурийлардан сўнг шаклланган Шайбонийлар сулоласи Мовароуннаҳр, Хуросон ва ва Хоразмда ўз ҳукмронлигини ўрнатган бўлса, қисқа вақтда у икки қисмга – Бухоро ва Хива хонликларига, XVIII асрнинг бошларига келиб эса учинчи давлатга, яъни Қўқон хонлигига ажралади. Шу тариқа аввал ягона

давлат бўлган ҳудудда уч хонлик – Бухоро (1510-1920 йй), Хива (1911-1920 йй) ва Қўқон (1709-1876 йй) юзага келади.

Хонликларнинг ўзаро ва ташқи давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқалари турли даврларда турлилик касб этиб, мурқаблашиб боради. Айниқса, XIX асрнинг ўрталарига келиб, хонликларга нисбатан ташқи хавф – Россия империясининг босқинчилик хавфи кучайиб боради. Бир томондан хонликларнинг ички низолар оқибатида сиёсий инқирозга юз тутиши, иккинчи томондан Россия империясининг хонликлар ҳудудларига ҳарбий босқинчилик юришларининг кучайтирилиши умумий аҳволнинг янада мураккаблашувига олиб келди. Бу ҳолат нафақат ўз вақтида жаҳон сиёсатчиларининг диққатини, балки кўплаб тарихчиларининг диққатини ҳам ўзига жалб этади. Хонликларнинг ички ҳаёти ва ташқи сиёсатдаги ўрни ва фаолияти юзасидан кўплаб асарлар яратилади, тадқиқотлар амалга оширилади.

Турли йилларда яратилган тарихий асарларда Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларининг ана шу даврлардаги тарихини, жумладан сиёсий ва иқтисодий, ижтимоий ҳаётини ёритиб беришга катта эътибор берилган. Бироқ бу вақтгача яратилган асарларда асосий мақсад хонликлар тарихининг у ёки бу соҳасини ёритиб беришга қаратилган бўлсада, уларда масалага ёндашувнинг ҳар-хиллиги эътиборни тортади.

Бугунги кунда тарих фанига қўйилаётган талаблар ўтмишни синчиклаб ўрганиш, уларни ҳал этишга бўлган ёндашувлар ва нуқтаи-назарларни таҳлил этиб, улардан бугунги кун учун зарур хулосаларни чиқаришни талаб этади. Тарихни ўрганишга бўлган муносабатнинг турли сиёсий тузумлар таъсирида ўзгариб туриши бугунги кун тадқиқотчилари олдида уни ҳолисона таҳлил қилиш ва объектив илмий хулосалар чиқариш каби катта ва масъулиятли вазифа қўяди. Бунда энг аввало илмий билишнинг асосий тамойиллари, умумжаҳон тарих фанининг назарий – концептуал асослари, миллий истиқлол мафқураси фалсафасига асосланиш муҳим аҳамият касб этади.

Асарлар муаллифларининг масалага ёндашувлари ва воқеаларнинг ёритилиш даражаси ҳақида ҳамда тарихшунослик масалалари ҳақида сўз юритишга ҳаракат қилинган. Бунда ўзбек хонликлари тарихининг тарихшунослиги амалдаги даврлаштириш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, даврлаштиришни янада аниқлаштириш мақсадида маълум кичик даврларга бўлиб, таҳлил этилган. Бу ўзбек хонликлари тарихининг тарихшунослик масалаларига янада ойдинлик киритади, деган умиддамиз.

Тарих ва тарихий жараёнлар, сиёсий-тарихий вазият уларнинг рўй беришидаги асосий сабаб ва хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишда ҳар томонлама таҳлил қилиш тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқишида катта омил саналади. Бугунги кунгача тадқиқотчилар томонидан ўзбек хонликлари тарихини ўрганишга кўплаб маротаба мурожаат қилинган ва хонлик тарихининг турли муаммолари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, бугунги кунгача хонликлар даври тарихининг барча масалалари тўлиғича тадқиқ қилиб бўлинган деб бўлмайди. Айниқса, турли даврларда яратилган хонликлар тарихини акс эттирувчи асарларда муаллифларнинг масалага турлича ёндашувлари фикрларнинг ва хулосаларнинг ҳам

турлича бўлишига олиб келган. Уларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш ва тарихийлик, илмийлик ва холисликка асосланган энг тўғри хулосаларни чиқариш бугунги кун тарихчи мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Ўзбек хонликлари тарихи юзасидан тадқиқот олиб борган ва уларга бағишлаб турли асарлар яратган муаллифларнинг асарларидаги айрим хусусиятлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган. Шу билан бирга ўзбек хонликлари тарихига оид асарларнинг қисқача библиографияси бериб ўтилган бўлиб, ундан турли даврларда яратилган илмий адабиётлар ва асарлар, матбуотда эълон қилинган қатор илмий мақолалар, хонлик тарихи юзасидан амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва диссертацияларда ўз аксини торган.

Шунингдек, муаллифлар томонидан ўзбек хонликлари тарихи юзасидан ёзилган асарлар ва уларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда хонликлар тарихини даврлаштириш юзасидан баъзи фикр-мулоҳазалар бериб ўтилган. Бу фикр-мулоҳазалар борасида соҳа мутахассислари томонидан айрим эътирозлар ва баҳс-мунозарали фикрлар билдирилиши табиий. Бу эса албатта, хонлик тарихини ўрганишда янада мукамалликка эришишга замин яратиш учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Қўқон хонлиги тарихини ўрганиш XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб бугунги кунгача тарихчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда. Ҳозирги кунгача хонлик тарихи бўйича амалга оширилган ва яратилган илмий асарлар ҳамда илмий тадқиқотларнинг салоҳияти жуда катта. ўтган бир ярим аср мобайнида хонлик тарихини ўрганишда турлича ёндашиш ва муносабатлар, айрим вақтларда (XX асрнинг 50-80 йилларида) тарихий жараёнлар ва тарихий воқеликни объектив баҳоламаслик ҳолатларига йўл қўйилди. Хонлик тарихини ёритишдаги бундай муносабат ушбу ҳолни тарихшунослик нуқта-назаридан чуқур таҳлил қилишни талаб этади.

Шундан келиб чиққан ҳолда XIX асрнинг 30-йилларидан бошлаб бугунги кунгача тарихчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келаётган Қўқон хонлиги тарихининг ўрганилишини мавжуд илмий тадқиқотларнинг йўналиши, давр ва бошқа хусусиятларига кўра бир неча гуруҳга бўлиб кўриб чиқиш талаб этилади.

Хонликлар тарихини тарихшунослик нуқтаи-назаридан даврлаштиришнинг куйидагича анъанаси бугунги кунда асосий ҳисобланади:

Биринчи давр - XIX асрнинг 30-йилларидан – XX асрнинг бошларигача;

Иккинчи давр - Совет даври тарихшунослиги (1917-1991 йй);

Учинчи давр - Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги йиллар (1991 йил 31 августдан бугунги кунларгача)ни ўз ичига олади.

Тарихшуносликнинг бу тарздаги даврлаштирилиши натижасида аксарият ҳолларда ҳар бир даврга умумий тарзда ёндашилган ва айни вақтда тарихий асарлар ва тарихий воқеаларнинг таҳлили амалга оширилган. Бироқ тарихий асарлар ва уларда воқеаларнинг ёритилишига бўлган муносабатнинг хусусиятларига қараб бу даврларнинг ҳар бирини алоҳида яна кичик даврларга ёки гуруҳларга ажратиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунда тарихий тадқиқотларнинг масалага концептуал –

методологик ёндашув хусусиятларига кўра қуйидаги даврларга бўлиб ўрганишни тавсия этиш мумкин:

XIX асрнинг 30-йилларидан – XX асрнинг бошларигача бўлган биринчи даврни икки қисмга ажратиш мумкин:

- Биринчи қисми XIX асрнинг 30-50 йилларигача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу вақтда Қўқон хонлиги тарихи масалаларига бағишланган ишларда асосан хонликнинг ички сиёсати, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт масалалари ёритилган маълумотларни кўриш мумкин. Бу маълумотлар хонлик ҳаётини акс эттириш билан бирга кейинчалик унинг чор Россияси томонидан босиб олинишида подшо армияси ҳарбийлари учун қўлланма-маълумотнома вазифаларини ҳам бажарган. Бу маълумотлар ва асарлар ўзининг маълум даража объективлиги билан хусусиятланади.

- Иккинчи қисми XIX асрнинг 50-йилларидан - XX аср бошларигача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу даврда яратилган асарларда хонликнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши масалаларига кенг ўрин берилган ва уларнинг аксариятида “буюк давлатчилик” шовинизми хусусиятлари яққол сезилиб туради. Шу билан бирга айрим рус тарихчилари масалани объектив ёритиш фикрларини ҳам илгари сурадилар. Ушбу хусусиятлари билан бу даврда яратилган асарлар Қўқон хонлиги тарихи ва унинг чор Россияси томонидан босиб олиниши масалаларини ўрганишда ниҳоятда катта аҳамиятга эга.

II. Иккинчи даврни Совет даври (1917-1991 йй) тарихшунослиги ташкил этади. Бу даврни тарих фанига ва тарихий тадқиқотларга бўлган ёндашув хусусиятларига асосланган ҳолда уч қисмга бўлиш мумкин:

Биринчи қисмини Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан – XX асрнинг 50-йиллари ўрталаригача бўлган давр билан белгилаш мумкин. Бу даврда яратилган илмий асарлар ва тадқиқотлар масалага қисман объектив ёндашуви билан хусусиятланади.

Совет даври тарихшунослигининг иккинчи қисми XX аср 50-йилларидан – 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади.

Иккинчи даврнинг учинчи қисми XX асрнинг 80-йиллари ўрталаридан 90-йиллари бошигача (“қайта қуриш” даври) бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу даврда асосан ўзбек олимлари томонидан эълон қилинган бир қатор илмий ишларда ва мақолаларда чор Россияси томонидан Ўрта Осиё хонликларининг босиб олиниши ва мустамлакага айлантириши жараёнларини манбалар ва архив ҳужжатлари асосида ҳаққоний ва объектив ёритишга интилиш муҳим ўрин эгаллайди.

III. Учинчи давр Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритганидан (1991 йил 31 август) кейинги йилларни ўз ичига олади. Бу даврда амалга оширилган ва бугунги кунда олиб борилаётган тадқиқотлар ўзининг холислиги, тарихийлиги, илмийлиги ва масалага объектив ёндашуви жиҳатлари билан хусусиятланади.

Мустақиллик даври тарихшунослиги икки қисмга ажратиш мумкин:

Биринчи қисми – 1991 йил 31 август - 1998 йил 28 июнь.

Иккинчи қисми – 1998 йил 28 июндан бугунги кунгача.

Қуйида ҳар бир давр тарихшунослиги ва тарихий тадқиқотларнинг хусусиятларини алоҳида – алоҳида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Биринчи асосий даврга XIX аср 30-йилларидан XX асрнинг дастлабки ўн йилликларигача, яъни Туркистоннинг мустамлака даврида яратилган асарларни киритиш мумкин. Бунда айниқса рус шарқшуносларининг меҳнати салмоқли ўрин эгаллайди. Рус шарқшунослари томонидан Қўқон хонлиги тарихини ўрганиш XIX асрнинг ўрталаридан бошланди. Бунгача хонлик ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти ҳақида асосан чор армияси ҳарбийлари ва элчилик алоқалари орқали, тур ли йўллар билан олинган маълумотлар умумий маълумотлар тарзида тўпланган. XIX асрнинг ўрталарида ва айниқса иккинчи ярмида яратилган тарих асарларида, эсдаликларда, тавсифнома ва жосуслик хизмати ҳисоботномаларида хонликнинг асосан сўнги давр тарихи ёритиб берилган. Шундан келиб чиқиб, бу давр тарихшунослигининг ўзини икки қисмга ажратиш лозимлиги юқорида қайд этиб ўтилди.

Биринчи даврнинг биринчи қисмида, яъни XIX асрнинг 50-60 - йилларигача яратилган асарлар Россия империясининг ўзбек хонликларини босиб олиш мақсадидаги ҳарбий босқинчилигини амалга ошириш вақтида фойдаланиш учун йиғилган маълумотлар бўлсада, хонликнинг шу давргача бўлган умумий аҳволи ҳақида қимматли маълумотларни бугунги кунгача етиб келишини таъминлади. Бундай асарлар қаторига Ф.Назаров, Н.И.Потанин, В.В.Вельяминов-Зернов, М.Н.Галкин, А.Макшеев ҳамда А.Нурекин бошқа шу каби муаллифларнинг асарлари ва мақолаларини киритиш мумкин.

Бу муаллифлар асарларидаги асосий хусусият шундаки, улар россиялик тарихчилар ёки тадқиқотчилар учун деярли номаълум бўлган Қўқон хонлиги ҳақида, унинг аҳолиси, урф-одатлари, ҳудудлари ва чегаралари, ҳарбий аҳволи, ер ости бойликлари ва иқтисодий имкониятлари, ички ва ташқи савдо муносабатлари ва бошқалар юзасидан асосан илк ахборотларни тўплаганлар ҳамда маълумот тарзида етказиб берганлар. Шунингдек, бу асарларда кейинги даврларда юзага келган “буюк давлатчилик” ғояларини бўрттириб кўрсатиш каби ҳолатлар сезилмайди. Муаллифлар хонликлар ҳақидаги маълумотларнинг энг майда тафсилотларигача ўзига хос равишда кўрсатиб беришга ва уни таҳлил қилишга ҳаракат қиладилар, хаттоки ўрта Осиё чўлларида қандай захарли ҳашаротлар мавжудлиги ва агарда улар чақиб олса, унинг захрини кучсизлантирувчи гиёҳлар ва воситаларни ҳам кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилганлар.

Бундай элчиликлар ва жосусликлар дастлабки вақтларда ўрта Осиё хонликларининг барчаси тўғрисида умумий маълумотларни беришга ҳаракат қилганлар ёки бирор-бир хонликка юборилган элчилар қолган хонликлар тўғрисида ҳам маълумотлар тўплашга ҳаракат қилганлар. Бу ўринда 1820 йилда амалга оширилган капитан Муравьев бошчилигидаги миссия томонидан берилган маълумотларни келтириб ўтиш мумкин. Мазкур миссия вакиллари Хива хонлигини босиб олиш Россия учун Бухоро ва Ҳиндистонга йўл очади ва бутун Ўрта Осиёни Россия таъсирида ушлаб туриш имкониятини беради деган хулосага келади. Бу хулосаларга таянган ҳамда Муравьевнинг маслаҳатларига амал қилган Оренбург генерал-губернатори, генерал адъютант граф Перовский подшо ҳукуматининг розилигини олиб, 1839 йил Хивага юриш қилади. Шу йилнинг 16 февралда тасдиқланган режага кўра Хивагача бўлган 1300 чақирим масофа уч ой ичида босиб

ўтилиши лозим эди. 5333 кишилик армия маҳаллий аҳолининг кучли қаршиликка дуч келди ва 1045 киши ўлдирилди, 609 киши ярадор бўлди. Ҳарбий юриш эса чор қўшинларининг тўла мағлубиятга учраши билан якун топади.

Хива юришида иштирок этган М.Иванин “Описание зимнего похода в Хиву (1839-1840гг)” номли асарида Хива хонлиги устидан тамомила ўлим ҳукмини чиқариш ва унга хатто керак бўлса экологик уруш эълон қилиш, яъни, Амударёни Каспий денгизига буриб юбориш таклифларини киритади.

Бундай асарлар ва улардаги маълумотлар эса шубҳасиз, кейинчалик подшо қўшинларининг Ўрта Осиё хонликларини босиб олиш учун уюштирган ҳарбий юришлари даврида қўл келган. Бўлажак босқинчилик ва ҳарбий юришлар учун бундай маълумотларнинг тўпланишида айниқса, хонликлар ҳудудларининг картографик ва ҳарбий-топографик жиҳатдан ўрганилишига XIX асрнинг бошларидан бошлаб турли йилларда Ўрта Осиё ҳудудларига келган подшо ҳукуматининг элчилари ва махфий айғоқчилари катта ҳисса қўшганлар. Россия империяси XIX аср бошлариданок Туркистонни ҳудудий – географик, ҳарбий-сиёсий, илмий ўрганишга жиддий киришди.

1803 йилда Иванов бошчилигидаги дастлабки миссия хонликлар орасида ҳарбий, сиёсий, иқтисодий жиҳатдан катта кучга эга бўлган Бухорога етиб келди ва амирлик ҳақида бир қанча маълумотларни қўлга киритди.

1820 йилда А.Ф.Негри бошчилигида ўз таркибида олимлардан Г.Мейендорф, Э.Эверсман, Будринларга эга бўлган иккинчи миссия амирлик ҳақида кўпроқ маълумот йиғиш учун келди. Г.Мейендорф келажакда рус қўшинларининг Бухорога ҳарбий босқинчилик билан келганларида фойдаланишлари учун бутун тафсилотларни ўзида мужасам этган хариталар тузиш билан шуғулланди.

1834 йилда Бухорога янги миссия юборилди. Бу миссия мутлақо жосуслик мақсадидаги топшириқларни бажарди. Бу миссияга туркий тилларни ва бу халқларнинг тарихини яхши билган Қозон университетининг Шарқшунослик факултети талабаси П.Ч.Демизон раҳбарлик қилди. Унга татар муллasi Мирза Жаъфар номи билан сохта паспорт ва дипломатлигини тасдиқловчи ҳужжат берилди. Унга юклатилган вазифа ўта муҳим бўлиб, Россия билан Хива ўртасида уруш келиб чиқса Бухоро бунга қандай муносабатда бўлишини аниқлашдан иборат эди.

1835 йилда прапоршик В.Виткевич махфий кўрсатмалар билан Бухорога жўнатилди. 1839 йил апрелда Бухорога муҳандис – геолог, капитан К.Ковалевский бошчилигидаги экспедиция юборилди ва унга Туркистондаги мавжуд олтин, нефть ва бошқа маъдан конларини хариталаштириш топширилди. Шунингдек Бухоро амирлигининг геологик тузилиши, Бухорода олтин буюмлар билан савдо қилишнинг аҳволи ва амирликнинг ташқи савдо муносабатлари ҳақида статистик маълумотлар тўплаш вазифаси юклатилган эди.

1841 йил Бухорога Н.Хаников бошчилигидаги миссия ўз таркибида Н.Залесов, Леман каби олимлар билан биргаликда келди ва ўрта Осиё флора ва фаунасини ўрганишга киришди. 1843 йилда Н.Хаников ўз сафар натижалари ҳақида ҳисобот тўплаб ташқи ишлар вазирлигига топширди ва шу йилиёқ ҳисобот тегишли идоралар учун йўлланма сифатида “Описание Бухарского ханства” номи билан китоб ҳолида нашр этилди. Бу китоб Ўрта Осиёга юриш қиладиган қўшиннинг зобит ва

аскарларига тарқатиш учун Оренбург генерал – губернаторлигига жўнатилди. Китобда Бухоро харитаси, Самарқанд шаҳри плани илк марта эълон қилинди.

1842 йилда Бухоро амирлигига юборилган К.Бутеневга янада махфий топшириқ берилди. У бу топшириқларни қойил қилиб бажарди. Подшо ҳукуматига “Бухорога қўшин тортиб бориш имкониятлари” деб аталган махфий иш топширди. Унда амирликни босиб олиш мумкинлиги аниқ тавсифлаб берилган. Ҳукуматни ва чор генералларини амирликни тезроқ босиб олишга ундади.

Чор ҳукумати асосий эътиборини Бухоро амирлигига қаратиш билан бирга худди шундай миссияларни Хива ва Қўқон хонликларига нисбатан ҳам амалга оширган.

1858 йил Ўрта Осиёга юборилган полковник Игнатъев бошчилигидаги миссия ўз ишини тугатар экан, “Ўрта Осиё хонликлари билан тенг асосдаги савдо ва бошқа алоқалар фойда бермайди. Элчиларни кутиш ва жўнатишга кетадиган барча ҳаражатларни ҳарбий юришларга сарфлаб, бу худудларни босиб олиш керак” – мазмунидаги босқинчилик руҳи яққол намоён бўлиб турган хулосаларни чиқаради.

Юқоридаги каби миссиялар ва экспедициялар, элчиликлар ёрдамида Россия империяси Ўрта Осиё хонликлари тўғрисида қўплаб қимматли маълумотларга эга бўлди. Подшо ҳукумати хонликлар орасида бирликнинг йўқлиги, улар ўртасида давом этиб турган қонли низолардан фойдаланиб тезроқ хонликларни босиб олиш режасини ишлаб чиқа бошлади ва уларни амалга оширишни энг тажрибали генералларига топширди.

Россия империяси Ўрта Осиё хонликларини босиб олиши ва унинг битмас туганмас бойликларига эгалик қилишни бир асрлар аввал ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бу мақсадни амалга ошириш учун амалий ҳаракатлар Петр I давридаёқ бошланган эди. Бир неча бор амалга оширилган элчилик ва жосуслик маълумотларига таянган ҳолда Петр I Ўрта Осиёни қўлга киритиш учун дастлаб қозоқ жузларини бўйсундириш ва улардан кейинчалик восита сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Деган фикрни илгари сурган эди. Турли йўллар билан қозоқ ерларига кириб келган руслар бирин-кетин забт этилган ерларда ҳарбий қалъалар ва истеҳкомлар кўра бошлади. 1717 йилда қурилган Омск, 1718 йилда қурилган Семипалатинск, 1720 йилда қурилган Усть-Каменогорск, 1735 йил қурилган Оренбург қалъалари каби мустаҳкам ҳарбий истеҳкомлар Россия подшосининг бу ердаги ҳарбий ҳукмронлиги ҳали узоқ давом этиши ва улар фақатгина қўлга киритган ерлар билан қаноатланиб қолмасликларни билдирарди. 1731-1740 йиллар давомида Катта ва Кичик қозоқ жузларининг Россия тобелигига ўтиши империянинг Ўрта Осиёнинг ички худудларига бостириб киришлари учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирди. Юқоридаги худудларни қўлга киритганларидан сўнг, Россия давлати чегаралари бевосита ўзбек хонликлари чегаралари билан туташиб қолган эди. Бир оқ Европада юзага келган сиёсий вазият ва ташқи давлатлари билан ҳарбий ҳаракатларнинг олиб борилиши Россиянинг Ўрта Осиё хонликларига қарши қаратилган ҳарбий ҳаракатларини яна бир аср кечиктиришга мажбур қилди. Бу давр мобайнида босиб олинган худудларда эрқарвар қозоқ султонларидан бири Кенасари Қосимов чор қўшинларига қарши озодлик курашлари олиб боради.

Бу кўзғолонларни бостириш учун минглаб қуролли кучларга эга бўлган генерал Обручев, полковник Лебедев, Душиковский, подполковник Горскийлар ҳеч қандай натижага эриша олмадилар. Бунда хулоса чиқарган чор ҳукумати бепоён қозоқ даштларида кўплаб ҳарбий қалъалар ва истеҳкомлар қуришга киришди. Натижада XIX аср ўрталарига келиб Қозоғистон ҳудудларида 60 га яқин ҳарбий ва 100 дан ортиқ кичикроқ истеҳкомлар барпо этилди. Бу ишларнинг ҳаммаси келгусида ўзбек хонликларига қарши курашга пухта тайёргарлик кўрилганлигини билдирар эди. Чор Россиясининг хонликларга қарши ҳарбий юришларидан дастлабкиларидан бири юқорида келтириб ўтилганидек, 1839 йилда Хива хонлигига қарши Оренбург генерал губернатори граф Перовский томонидан амалга оширилди. Кейинги йилларда чор ҳукумати кўшинлари хонликлар билан чегараларда кичик-кичик ҳарбий тўқнашувлар билан чекланган бўлсаларда, бу ҳудудларда ўз ҳарбий имкониятларини кенгайтириш ва даставвал Қўқон хонлигига қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлашни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Бу даврда яратилган тарихий асарлар ҳамда турли элчилик ҳужжатлари ва маълумотлари, ахборотномаларида асосан юқоридаги хусусиятлардан келиб чиқиб ёндашилганлигини кузатиш мумкин.

Мустамлака даври тарихшунослигининг иккинчи даврида, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмида яратилган асарларда Қўқон хонлигида Минглар сулоласи ҳукмронлигининг сўнгги даврларидаги ички ва ташқи сиёсати, ҳарбий аҳволи, хонликнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши ва тугатилиши воқеалари кенг маълумотлар асосида ёритиб берилган. Бу асарлардаги маълумотлар воқеаларнинг бевосита иштирокчилари ва айни замонда яшаган олимлар томонидан ёритилганлигига қарамай, уларда Россия империяси мустамлакачилиги манфаатларига мос равишда, буюк давлатчилик нуқтаи назаридан ёндашилганлигини кўриш мумкин. Масалага бундай концептуал ёндашувнинг асосий сабаби бир томондан буюк давлатчилик қарашлари бўлса, иккинчи томондан подшо тузумининг таъсири эди. Г.А.Аҳмаджоновнинг таъкидлаб ўтишича, “мустамлакага айлантириш ва унинг оқибатлари билан алоқадор ҳаққоний тарихий-сиёсий асарларни чоп этиш” “подшо цензураси таъқиқлари сабабли” мумкин эмас эди. Бироқ, бу маълумотларни танқидий равишда жиддий ўрганиш фойдадан холи эмас.

Бу даврда рус шарқшунос тарихчи олимларидан В.Бартольд, В.Пяньков, Н.Остроумов, В.Наливкин, В.Веселовский, Е.Т.Смирнов, М.А.Терентьев, К.К.Абаза, Н.Дингельштед, Н.Павлов, А.Н.Макшеев, А.Н.Куропаткин, Е.Желябужский, А.И.Добросмыслов, Д.Л.Иванов ва бошқалар Россия империяси томонидан Ўрта Осиё хонликларининг босиб олиниши ва мустамлакага айлантирилиши масалаларига доир бир қанча асарлар ёзиб қолдирганлар.

Ўрта Осиё хонликларининг чор Россияси томонидан забт этилиши бу ерда яшовчи халқлар учун “жуда фойдали бўлганлиги” ҳамда Россия Ўрта Осиёга “цивилизация олиб келганлигини” зўр бериб кўрсатишга уриниш асосан ҳарбийлар учун жуда хусусиятли бўлган. Улар орасида М.А.Терентьев томонидан ёзилган уч жилдлик “Завоевания Средней Азии” асари бошқа муаллифларнинг асарларига нисбатан воқеаларнинг кенг ва мукамал ёритилганлиги билан алоҳида ўрин ту тади. Бунда муаллиф чор Россиясининг фақатгина XIX аср иккинчи ярмидаги ҳарбий

юришларини эмас, балки XVIII аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудларига қилинган ҳарбий юришлар тарихига ҳам кенг ўрин беради. Муаллиф ўзининг “Россия и Англия” асарида ҳам икки мустамлакачи давлатнинг ташқи сиёсий муносабатларини таҳлил қилиш билан бирга Ўрта Осиё хонликларига уюштирилган ҳарбий босқинчилик жараёнларини ҳам очиб беради. Ҳар икки асарда ҳам М.А.Терентьев воқеаларни бир томонлама, асосан чор империясининг манфаатлари нуқтаи – назаридан ёритади. Бунда асосан подшо армияси аскарларининг жанг фаолиятлари воқеалар тафсилотининг марказида туради. У бошқа муаллифларга нисбатан маҳаллий тарихчилар асарларидан фойдаланиш имкониятига кўпроқ эга бўлсада, уларга масаланинг асосий манбалари сифатида қарамайди. Шунга қарамасдан, М.А.Терентьевнинг асарлари Қўқон хонлиги тарихи ва унинг чор Россияси томонидан босиб олиниши тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади ва уни танқидий жиҳатдан ўрганиш фойдадан ҳоли эмас.

Бу даврда тадқиқотлар олиб борган рус тарихчилари орасида Е.Т.Смирнов ва Н.И.Веселовскийларнинг ишлари ўзига хос ўрин тутди. Уларнинг ҳар иккиси чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларини босиб олиши тарихини маҳаллий тарихчилар асарларини ҳам ўрганган ҳолда ёритишга катта эътибор берадилар.

Е.Т.Смирнов томонидан ёзилган “Султаны Кенисары и Садик (библиографические очерки)” номли асарда Қозоғистон ҳудудларининг чор қўшинлари томонидан босиб олинишига қарши курашган Кенисари султон, Жанубий Қозоғистон ҳудудлари, Тошкент ҳимояси, Бухоро амирлиги ҳамда Хива хонлигининг чор Россияси қўшинларига қарши олиб борган курашларида саркардалик фаолияти билан машҳур бўлган Султон Содик ҳақида қимматли маълумотларни бериб ўтади. Муаллиф ҳар икки саркарда ҳақида маълумотларни маҳаллий манбалар асосида таҳлил этиб беради. Шунингдек, ушбу асардан Қўқон хонлиги ички сиёсатида алоқадор маълумотлар билан бирга 1858-1865 йилларда хонлик сиёсий ҳаётида ўзига хос из қолдирган Мулло Аликули Амирлашкар ҳаёти ва саркардалик фаолияти ҳақида ўта қимматли маълумотлар ўрин олган.

Н.И.Веселовскийнинг “Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестанском крае” номли асари маҳаллий тарихчи Мулло Ҳолибой Мамбетовнинг “Ўрус лашкарининг Туркистонда тарих 1269-1282 саналарда қилгон футухотлари” асари асосида ёзилган ва рус тилига таржима қилиб, айрим воқеалар муаллиф томонидан таҳлил этилган. Ушбу асар Қўқон хонлигининг чор Россиясига қарши 1853 йилдан 1865 йилларгача олиб борган курашлари ҳақидаги қимматли маълумотларни ўз ичига олиш билан бирга чор Россиясига қарши курашларга раҳбарлик қилган шахслар - Мулло Аликули Амирлашкар, Мингбой додхоҳ ва бошқаларнинг фаолиятига ҳам кенг тўхталиб ўтилган.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, В.В.Бартольд, Н.И.Веселовский, А.Зиминлар Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши тарихини маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган асарларни, уларда бу масалага билдирилган муносабатларини ўрганиб, холис ёндашилгандагина объектив баҳо беришга эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Шу жиҳатлари билан бу олимлар томонидан ёзилган бир қанча асарлар ўзининг маълум даражада объективлиги билан ажралиб туради, бунда улар маҳаллий тарихчилар томонидан ёзилган

асарларни бевосита ўрганиб ва таҳлил этиб, масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилганлар.

Қўқон хонлиги тарихи масалаларига бағишланган тадқиқотларнинг иккинчи асосий даврни совет даври тарихшунослиги ташкил қилади. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан XX асрнинг 40-50 - йилларигача бўлган вақт мобайнида собиқ иттифокқа бирлаштирилган мамлакатларда фаннинг барча соҳаларида социалистик тузум ва коммунистик мафкура таъсири кучайиб борди. Тарих фани соҳасида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар коммунистик мафкура тамойиллари асосида йўналтирилган бўлиб, уларда партиявий-сиёсий таъсир ва босим остида совет ижтимоий фанлари соҳасига хос бўлган методологик ноҳолисликлар устунлик қилади.

Бу давр мобайнида фан соҳасида бирмунча ютуқлар қўлга киритилган бўлсада, XX асрнинг 50-йилларига келиб марказнинг миллий масалалар борасидаги сиёсатининг кучайиши, хусусан “ягона совет халқини” шакллантириш борасидаги мафкуравий сиёсати фан соҳасига, жумладан тарих фани соҳасига ҳам катта таъсир ўтказди. Ўрта Осиё давлатлари тарихининг миллий хусусиятларини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш чеклаб қўйилди. Айниқса, чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларини босиб олиши ва мустамлакага айлантириши масаласида объективлик жиҳатлари камайди. XX асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб, собиқ иттифокда “қайта қуриш” жараёни бошланиши билан ошқоралик ва демократия тамойиллари юзага чиқа бошлади. Тарих фани соҳасида, айниқса, чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларини босиб олиши ва мустамлакага айлантириш борасида илмий жиҳатдан асосланган ва коммунистик мафкурадан ҳоли бўлган фикрларни билдириш учун кенг имкониятлар юзага келди.

Совет даври тарихшунослиги ҳақида фикр билдирар экан, Президент И.А.Каримов шундай деган эди: -“Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқитишга мутлақо қаршиман”.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, Советлар даври (1917-1991 йй.) тарихшунослигини, гарчи у умумий яхлитликни ташкил этсада, масалага бўлган ёндашув хусусиятига асосан уч қисмга бўлиш мумкин.

Биринчи қисми Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан XX асрнинг 50-йиллари ўрталаригача бўлган вақтни ўз ичига олади. Бу даврда А.Ф.Калужин, А.Баймурзин, Г.А.Пляшко, А.Попов ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда ва тарих китобларида Қўқон хонлиги тарихи ва чор Россияси томонидан унинг мустамлакага айлантирилиши масалалари қисман аввалги давр тадқиқотлари анъаналарини давом эттирган ҳолда, яъни воқеаларни манбалар ва архив ҳужжатлари асосида деярли объектив равишда ёритишга ҳаракат қилганлар.

Қўқон хонлиги тарихи масалаларини ёритишда бир томонлама, “буюк давлатчилик шовинизми” нуқтаи назаридан ёндашувни Совет даври тарихшунослигининг иккинчи қисмида яққол кўриш мумкин. Бу давр XX асрнинг 50-йилларидан 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган вақтни ўз ичига олади.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Россия империясининг Ўрта Осиёни “босиб олиши” ибораси ўрнига сунъий равишда “қўшиб олиши” ибораси ишлатила бошланди. Мазкур жараён 1955 ва 1959 йилларда Ўрта Осиёнинг 1917 йилгача бўлган

тарихига бағишланган бирлашган илмий анжуманлардан сўнг янада авж олди. Уларда расмий равишда Ўрта Осиёнинг чор Россияси “қўшиб олиниши”, маҳаллий халқларнинг империя таркибига “ихтиёрий” равишда “қўшилганлиги”нинг “прогрессив натижалари” таъкидлаб ўтилди. Айнан шу вақтдан бошлаб амалга оширилган илмий тадқиқотларда ҳамда мақола ва асарларда масалага холис, илмийлик ва тарихийлик нуқтаи назаридан объектив ёндашувга тўла амал қилиш камайди. Бу ҳолни XX асрнинг 50-80 йилларида тадқиқот олиб борган аксарият тарихчиларнинг асарларида кузатиш мумкин.

Жумладан, К.Усенбаев, С.Сагатов, С.Т.Тилеукулов, Л.Д.Дергачёва, Р.Бекназаров, А.Х.Хасанов, Х.Ш.Иноятлов, Н.Халфин, Р.Набиев, Ҳ.З.Зиёев, О.Бўриев ва А. Ўринбоев ҳамда бошқаларнинг илмий тадқиқотларида Россия империяси томонидан ўзбек хонликларининг босиб олиниши воқеалари анча батафсил, манбалар ҳамда архив ҳужжатлари асосида ёритиб берилган бўлсада, коммунистик мафкура таъйиқи ва цензураси таъсирида масаланинг асл моҳиятини очиб беришда тўсқинликка учрадилар ва айни вақтда чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олишининг “прогрессив ахамияти”га ҳам алоҳида урғу беришга мажбур бўлдилар.

Тарихшунослик масалаларининг бу босқичидаги тарихий тадқиқотлар орасида Х.З.Зияев, Х.Ш. Иноятлов, Р.Н.Набиев, А.Попов, Н.А.Халфинларнинг асарлари алоҳида ўрин тутади. Ўрганилаётган мавзу юзасидан уларнинг амалга оширган энг катта хизматлари мавзуга алоқадор маълумотларни тўплаш ва системалаштириш, янги манбаларни илмий муомалага киритиш Қўқон хонлигининг XIX аср иккинчи ярмидаги ижтимоий – сиёсий ҳаёти ҳамда хонликда содир бўлган тарихий жараёнлар ва чор Россиясининг ҳарбий босқинчилиги масалаларини чуқур илмий таҳлил қилиш билан белгиланади. Буларнинг барчаси ўрганилаётган муаммо юзасидан тарихий билимлар савиясининг ортишига хизмат қилди. Бироқ, мавжуд тоталитар тузумнинг партиявий – сиёсий мафкурасининг таъсири ва таъқиқлари туфайли мазкур олимлар ҳам ўз ишларида тарихий воқеликни асл ҳолида кўрсатиб беришда тўсқинликка учрадилар.

Р.Н.Набиевнинг “Из истории Кокандского ханства (Феодальное хозяйство Худоярхана)” номли монографияси хонлик иқтисодий ва ижтимоий, жумладан сиёсий тарихининг энг муҳим жиҳатларини ёритиб берадиган ва бу даврда маҳаллий тарихчиларнинг асарлари асосида ёзилган диққатга сазовор асар бўлишига қарамасдан, марказнинг Ўзбекистон тарихига бўлган чеклаш сиёсати таъсирида ундан фойдаланиш таъқиқлаб қўйилди. Асар совет даври тарихий тадқиқотлари доирасида амалга оширилган бўлиб, унга ҳам шу давр тарихий тадқиқотлар учун айрим умумий методологик хусусиятлар хос бўлсада, бироқ муаллиф томонидан хонлик тарихига оид бўлган кўплаб маҳаллий тарихчилар асарлари, архив ҳужжатлари асосида мукамал тадқиқотни амалга оширилади. Бироқ бундай мукамаллик подшо Россияси мафкуравий қарашларидан сақланиб қолган ҳамда совет давридаги мавжуд партиявий – сиёсий тамойилларига асосланган “чоризмнинг Ўрта Осиёга цивилизация олиб келганлиги”га зид бўлганлиги учун монография катафонга учради.

Асарда хонликнинг Худоёрхон ҳукмронлиги давридаги иқтисодий соҳаси тарихини ўрганишга асосий урғу берилиб, бу ҳақда кенг маълумотлар ва илмий

таҳлил келтирилган бўлсада, айти вақтда хонликнинг XIX аср ўрталаридаги сиёсий аҳволи ҳақида ҳам қимматли маълумотлар олиш мумкин.

Совет даври тарихшунослигида чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларини мустамлакага айлантириши масалаларига бир томонлама ёндашиш ҳолати айтиқса Н.А.Халфиннинг тадқиқотларида яққол ўз аксини топган. Н.А.Халфин ўзининг “Присоединение Средней Азии к России (60–80 годы XIX века)” асарида Россия империяси томонидан Ўрта Осиёнинг мустамлакага айлантирилиши масаласи юзасидан кўплаб қимматли маълумотларни берган бўлсада, “қўшиб олиниши” ва унинг “ижобий аҳамияти” ҳақидаги сохта қарашларга кенг ўрин беради. Маҳаллий халқларнинг “рус ҳарбийларидан ўз хонлари зулмидан озод қилишни илтимос қилганликлари”, мустамлакачилик сиёсатининг хонликлар аҳолиси учун “ижобий жараён” сифатида бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилинади.

Бироқ бу билан юқорида номлари келтирилган муаллифлар асарларининг илмий қиммати пасаймайди ва уларни тарихни ўрганишда яроқсиз деб ҳисоблаш муталоқо нотўғри бўлади. Аксинча, уларда келтирилган қимматли маълумотлар ва тарихий таҳлилларни чуқур ўрганиб, айрим ҳолларда танқидий ёндашиб илмий хулосалар чиқарилиши бугунги кун тарихшунослигида муҳим аҳамият касб этади. Совет даври, шунингдек чор Россияси мустамлакаси даври тарихшунослигини илмий жиҳатдан синчиклаб ўрганиш, ҳаққонийлик ва холислик, объективлик ва тарихийлик тамойилларига амал қилган ҳолда илмий асосланган назарий хулосалар чиқариш тарихчилар олдидаги ўта муҳим вазифадир.

Совет даври тарихшунослигининг учинчи қисми XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярми билан белгиланади. 80-йилларнинг охирларига келиб масалага объектив, тарихийлик нуқтаи-назаридан ёндашиш кучайиб борди. Тарихчи олимлардан бири З.Х.Зиёевнинг ташаббуси билан 1990 йил ўтказилган “Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши” мавзусидаги илмий анжуман масалага тубдан янгича ёндашувга асос яратди. Буни ўша йиллардаёқ олим томонидан эълон қилинган бир қанча мақолаларда ҳам кузатиш мумкин.

Ҳ.Бобобеков ҳам ўзининг бир қатор илмий мақолаларида чор Россиясининг Ўрта Осиёни босиб олиши масаласига доир долзарб масалаларни кўтариб чиқади. “Қайта куриш” сиёсати давом этиб турган 1989 йилдаёқ у ўзининг “Россия ўрта Осиёни босиб олганми?” ҳамда “Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганми?” номли икки мақоласида архив ҳужжатлари ва айрим маҳаллий тарихчилар асарлари асосида Ўрта Осиё хонликларининг чор Россияси томонидан ҳарбий зўравонлик ва босқинчилик юришлари орқали босиб олганлигини кўрсатиб берди. Ҳ.Бобобеков ўзининг бу илмий қарашларини “Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономические предпосылки” номли монографиясида ҳам давом эттирди.

Ушбу олимларнинг бу йилларда яратган илмий хулосалари ҳақли равишда шу вақтгача Ўзбекистон тарихига нисбатан ҳукм сурган мафкуравий тазйикни рўйи-рост очиб ташлади ва тарихни объектив ва холислик нуқтаи назаридан ўрганишга бўлган муносабатнинг юзага келишига туртки бўлди.

Қўқон хонлиги тарихи тарихшунослигининг учинчи асосий даври Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритганидан (1991 йил 31 август) кейинги йилларни ўз ичига олади. Бу даврда амалга оширилган ва бугунги кунда олиб

борилаётган тадқиқотлар ўзининг холислиги, тарихийлиги, илмийлиги ва тарихий муаммолар ечимига объектив ёндашуви жиҳатлари билан хусусиятланади.

Мустақиллик йилларида Ҳ.З.Зиёев, Ҳ.Н.Бобобеков, Ш.Ҳ.Воҳидов, Ғ.Аҳмаджонов, Н.А.Абдурахимова ва бошқалар томонидан Қўқон хонлиги ва Россия империяси мустамлакачилиги тарихига бағишланган бир қанча илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди ва асарлар яратилди. Ҳ.З.Зиёевнинг “Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш” асари кейинги йилларда нашр этилган ишлар орасида ўзининг мукамаллиги билан алоҳида ўрин тутди. Асарда Россия империясининг Ўрта Осиё хонликларига ҳарбий юришлари, мустамлакачиликнинг ўрнатилиши ва унинг моҳияти, миллий истиқлол учун курашган ватанпарварлар, жумладан Алиқули Амирлашкар фаолиятига ҳам кенг ўрин ажратади.

Ҳ.Бобобеков ўз илмий тадқиқот ишларида XIX аср иккинчи ярмида Қўқон хонлигида юз берган миллий озодлик ҳаракатлари ва уларнинг сабаблари ва натижаларини ёритишга ҳаракат қилган.

Ш.Ҳ.Воҳидов ўз илмий тадқиқот ишида Қўқон хонлиги тарихшунослик мактабининг шаклланиши ва хусусиятлари ҳамда манбалар таҳлилига бошқа тадқиқотчиларга нисбатан кенгроқ тўхталиб ўтади.

Ғ.Аҳмаджоновнинг “Российская империя в Центральной Азии” номли монографияси чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларини мустамлакага айлантириши ва империянинг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати тарихининг тарихшунослигига бағишланган бўлиб, бу соҳада тадқиқот олиб борган бир қатор олимларнинг илмий хулосалари тарихшунослик нуқтаи-назаридан таҳлил этилган.

Н.А.Абдурахимова ва Г.Рустамовалар томонидан чоп этилган “Колониальная система власти в Туркестане во второй половине XIX – I четверть XX века” номли монографиясида чор Россиясининг Туркистон ўлкасида олиб борган мустамлака сиёсати ва бошқарув тизимининг асосий хусусиятлари ёритиб берилган.

Ж.Ҳ.Исмоилова эса XIX аср охири - XX аср бошларида миллий–озодлик ҳаракатларининг янги босқичга кўтарилганлиги масалалари юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борди.

В.Т.Ишқувватов ўзининг “XX асрнинг II ярми тарихшунослигида Қўқон-Россия дипломатик муносабатлари” номли диссертациясида XIX асрнинг бошларидан ўрталаригача бўлган давр мобайнидаги Қўқон-Россия дипломатик муносабатларининг тарихшунослигини ёритиб бериш билан бирга бу соҳада бир қатор янги фикрлар ва маълумотларни ҳам ёритиб бера олган.

Мазкур рисола муаллифи З.Илҳомов ўзининг “Алиқули Амирлашкар ва унинг Қўқон хонлиги сиёсий тарихида тутган ўрни” номли диссертацияси ҳамда бир қатор илмий мақолаларида XIX асрнинг 50-60 йилларида хонликдаги ҳарбий ишларнинг ахволи ва ҳарбий соҳа тарихи, хонликдаги ички сиёсий жараёнлар ва ташқи дипломатик алоқалар, чор Россиясининг мустамлакачилик босқинчилигига қарши курашлар тарихини маҳаллий тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган бирламчи манбалар ҳамда архив манбаларига асосланган ҳолда ёритиб берган.

Келтириб ўтилган асарлар билан бир қаторда ҳорижлик тарихчи олимлар ҳам XIX аср иккинчи ярми Қўқон хонлиги ва Россия империяси ўртасидаги ўзаро

муносабатлар масаласига тўхталиб ўтганлар. Хориж олимлари томонидан чор Россиясининг Ўрта Осиё хонликларига қарши олиб борган ҳарбий сиёсати ва уларни мустамлакага айлантириши тарихи масаласида олиб борган тадқиқот ишлари ҳам ўрганилаётган мавзунинг таҳлилини чуқурроқ ва кенгроқ амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Тоталитар тузум даврида мурожаат қилиш ва ўрганилиши таъқиқланган хориж тадқиқотчиларининг асарларида совет тадқиқотчилари учун мумкин бўлмаган тарихий таҳлилга кенг ўрин берилган ҳамда тарихий жараёнларнинг асл моҳияти очиқ ойдин ёритиб берилган. Бундай тадқиқотчилар ва уларнинг асарлари орасида Д.Бергхорн, Э.Бэкон, Р.Коннуэст, Э.Оллворт, Т.Рановски–Хармстоун, Л.Тиллет, Д.Уилер, Д.Хусон ва бошқаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Улар ҳақли равишда совет тарихшунослик фани ва унда йўл қўйилаётган ҳаддан ташқари мафкуравий ёндашишни каттик танқид қилган эдилар.

Ўзида Қўқон хонлиги тарихи, айниқса хонликнинг элчилик масалалари билан боғлиқ сиёсати ҳақида қимматли маълумотларни жамлаган М.Сарай ва Иналчикларнинг асарлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган хориж тадқиқотлари саналади. Бу асарлар Қўқон хонлигининг Туркия султонлиги билан дипломатик алоқаларини ёритиб беришда катта аҳамият касб этади. Унда келтирилган Алиқулининг Турк султониға юборган элчилик масалалари тафсилотлари бошқа адабиётларда ёритиб берилмаган. Бироқ бу маълумотлар Қўқон хонлиги тарихини ёритиб берувчи манбаларнинг айримларида, масалан Муҳаммад Юнус Тоибнинг “Тарихи Алиқули Амирлашкар” асарида келтирилган маълумотларни тасдиқлаши билан аҳамиятлидир. Шунингдек бу асарлардан Ўрта Осиё масаласида Россия ва Туркия муносабатлари, Туркиянинг Бухоро ва Хива хонликлари билан муносабатлари тарихига оид бир қатор маълумотларни ҳам олиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган асарларда Қўқон хонлиги тарихи билан боғлиқ айрим маълумотларда учрайдиган тафовутларни умумий камчилик сифатида эътироф этиш мумкин. Шу каби камчиликлардан бири XIX асрнинг 60-йилларида Қўқон хонлигининг сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган Алиқули Амирлашкар шахси билан боғлиқ маълумотларнинг чалкашлиги ва ушбу шахс исмининг нотўғри ифодаланишидир. Бундай ҳолни бошқа нашрларда, хусусан “Ўзбекистоннинг янги тарихи” мажмуасининг биринчи китобида, мактаб дарсликларида, бадиий адабиётларда ҳам кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида яратилган асарлар орасида алоҳида муҳим ўринга эга бўлган “Ўзбекистоннинг янги тарихи” китобининг “Туркистон чор Россияси мустамлакаси даврида” номли биринчи қисми кейинги йилларда яратилган илмий адабиётлар орасида анча салмоқли ўрин тутди. Асардаги кўплаб қимматли маълумотларнинг архив манбалари ҳамда қўлёзма манбаларга асосланганлиги унинг илмий қимматини янада оширади. Бироқ айрим ҳолларда аниқлик талаб этиладиган маълумотлар ҳам учрайди. Масалан, муаллифлар Алиқули Амирлашкарнинг М.Черняев билан сулҳ борасида олиб борган алоқалари хусусида сўз юритар эканлар, унинг айрим мулоҳазаларини Муҳаммад Юнус Тоиб асариға асосланган ҳолда, “... бул тараф Урунбурх, ул тараф Симфулод (Симферопол) ва Шомғача олур эрдук...”, - тарзида келтириб ўтадилар. Бундан “Симферополдан Шомғача” сўз борганлиги ҳақида маъно келиб чиқади. Бироқ бу сўзни қўлёзмада Шом (Сурия – З.И.) тарзида

эмас, балки Шамай ((Семипалатинск, хозирда Семей (Қозоғистон Республикаси) – З.И.)) тарзида ўқиш лозим. Бундан келиб чиқадики, Алиқули Амирлашкар бу ерда Симферополдан Суриягача эмас, балки Россия империясининг жанубий ҳудудлари, Симферополдан Семипалатинсккача бўлган ҳудудларни кўзда тутган.

Юқоридагилардан кўринадикки, келтириб ўтилган асарларда муаллифлар Қўқон хонлигининг сиёсий, иқтисодий ҳамда ҳарбий ҳолатини ёритиб беришга асосий эътиборларини қаратганлар. Уларда гарчи Қўқон хонлиги тарихи яхлит тарзда тадқиқот объекти сифатида тўлақонли маълумотларни ўзида қамраб ололмаган бўлсада, айрим асарлардаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳвол ҳамда маданий ҳаёт билан боғлиқ маълумотлар ҳам хонлик тарихини мукаммал ўрганиш ва тегишли хулосалар чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИДАН ИННОВАЦИЯЛАРНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ТАТБИҚ ЭТИШ” ФАНИ БЎЙИЧА СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАТНИ

1-мавзу: Қадимги Бактрия Қавийлиги ҳақида айрим мулоҳазалар

Режа:

1. Қадимги Бактрия қавийлиги ҳақида айрим мулоҳазалар
2. Илк ёзувлар тарихи ва уларнинг ўрганилиши

Сўнгги йилларда Бактрия тарихи янада ёрқинроқ ўрганилмоқда илгари номаълум бўлган қадимги маданиятлар фанга жорий этилмоқда. Улардан энг машхурибулган Сополли маданияти ариу бронза даврида Қадимги Шарқ халқлари билан яқиндан маданий алоқада бўлиб, Марказий Осиёда энг қадимги цивилизацияга асос солганлар. Шу маданиятнинг тадрижий ривожланиши натижасида мил. авв. IX аср охири ва VIII аср бошларида Қадимги Бактрия маданиятига, қолаверса, Қадимги Бактрия давлатига асос солинган.

Юнонлар босқини давригача ҳукм сурган бу давлатнинг Қадимги Шарқ дунёсида ўз ўрни бўлган, Марказий Осиё халқларининг этник шаклланишида, маданий тараққиётида бешик ролини бажарган. Бу фикрни ҳеч бир тарихчи инкор этмайди.

Гарчи маҳаллий ва хорижлик тадқиқотчилар томонидан қадимги Бактрия тарихига доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлсада, бу борада ҳали ўз ечимини қутаётган муаммолар талайгина. Шундай масалалардан бири илк Қавийлар давлати масаласидир.

Ўрта Осиё ва Шарқий Эрон ҳудудларида ташкил топган энг қадимги давлатлардан бири бўлган Қавийлар тўғрисидаги ёзма маълумотлар «Авесто» ва Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида сақланган.

«Авесто»нинг Чихрдод наскида илк Қавийлар Ушудау тоғидан оқиб келадиган Хайтуманд дарёси ва Кансавья кўли бўйида жойлашган. Авестошунос Г. Ноли ушбу маълумотларда келтирилган Кансавья кўлини Хамун, Хайтуманд дарёсини Хилменд. Ушудау тоғини Кўхи Хваджа билан боғлайди ва ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига тўғри келади деб ҳисоблайди.

«Қавий» сўзининг маъноси келиб чиқиш тарихи ниҳоятда мунозарали бўлиб, И.В. Пьянков бу сўзнинг пайдо бўлишиш тараққиёт босқичларини қуйидагича талкин қилади: темирчи (сеҳргар) — илоҳий шоир (олим, устоз) — ҳукмдор. Фикримизча олимнинг сўнгги, яъни ҳукмдор босқичи тарихий манбалар асосида келтирилган, аммо темирчи сеҳргар олим каби босқичлари исботланмаган ва олимнинг фикр лаш доирасидан келиб чиққан. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, И.В. Пьянков жуда ҳам ишонарли таклиф киритган. У таклиф этган Қавий сўзининг эволюцион тараққиёт йўлини бемалол қабул қилса бўлади, негаки, Қавийлар қуйланаётган замон Ўрта Осиёда темирнинг пайдо болиш даври ҳисобланади. Ўша замонда темирдан фойдаланиш сир тутилиб, ундан буюмлар яшаш фақат «сеҳргар»ларнинг кўлидан келиши мумкин бўлган. Иккинчи таклифи, яъни илоҳий шоир, олим одам ёки

устозларгина халқни ўз таълимоти асосида бошқариши ва ҳукмдор даражасига етишиши мумкии бўлган деб ҳисоблаймиз.

Қавийлар ҳақидаги маълумотлар қадимги замонлардан иккига бўлинган. Биринчисида, Сам уруғидан бўлган Қавийларнинг мардлиги ва қаҳрамонликлари куйланган бўлса, иккинчисида Қавий Виштаспанинг диний қаҳрамонликлари куйланган. Манбаларда Сам уруғининг кейинги ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар учрамада, уруғ бошлиғи Крсасп кейинги давр манбаларида Гершасп шаклида кенг тарқалган.

Қавий ҳукмдорлар ўртасида ўзаро низолар пайдо бўлганлиги, бунинг натижасида Қавийларнинг бўлиниб кетиш воқеалари ҳам манбаларда сақланган. Сам уруғи ҳукмдорларидан бири бўлган Съяваршанинг (Сиявуш) ўғли Хаусравнинг (Шишрав) Турон юрти - Қанга кетиб қолганлиги, у ерда ўз сулоласини, уруғ жамоасини ташкил этганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам сақланган.

Турон юртига Шишравнинг келиши тарихий ҳақиқатга жуда яқин, биринчидан, Тошкент воҳасида милоддан аввалги IX—VIII асрдан бошлаб янги, археологик маданият - Бургулюк (Бурғулуқ, Бурканлик) маданияти тарқалади. Ушбу маданиятнинг пайдо бўлиши муаммоси археологик жиҳатдан ҳал этилган масала эмас. Ўрта Осиёда шу типдаги маданиятларнинг пайдо бўлишини (Ёз, Кучук, Тилла, Қизил) тадқиқотчилар асосан кўчманчиларнинг ўтроқлашиши, шимолӣ ёки жанубий минтақалардан халқларнинг кўчиб келиши билан боғлайдилар. В. И. Сариянининг фикри бўйича шу типдаги маданиятлар Эрон, яъни, Сейстондан Афғонистон орқали Сурхон, Зарафшон, Тошкент ва Фарғона водийсига тарқалган. В. И. Сариянининг бу фикрини таҳлил қиладиган бўлсак, биринчидан, бу ҳудудлардан олинган археологик маълумотлар, ёзма манбалар маълумотларини тасдиқлайди. Иккинчидан, Қанга кўҳна шахрининг Тошкент воҳасида мавжудлиги ва бу шаҳарнинг воҳа маркази даражасигача етганлигидир. Учинчидан, Тошкент воҳасида «Шишрав» тарихий топонимининг мавжудлиги ва бу этнотопонимнинг бугунги кунгача эъзозланиб, халқнинг ёдидан кўтарилмай келаётганлиги тарихий ҳақиқатдир.

И. В. Пьянковнинг таъкидлашича, илк Қавийларнинг асосчиси Қавий Кавата бўлиб, унинг меросхўри Қавий Апиваху ҳисобланади. Унинг туртта угли бўлиб, Қавийларнинг худуди шу туртта угиллар Уртасида тақсимланган. Қавий Усан (Усадан) туртта ўғил орасида ажралиб турган. Усаннинг набираем Хаусрав даврида Қавийлар янада ривожланишда бўлган. Илк Қавийлар Кансавья (Хамун), Хайтумант (Хельманд) дарёси бўйларида, яъни тарихий жиҳатдан Сейстонда - Дрангианада яшашган.

Маълумотларга кўра, Хаусрав замонида ҳам мамлакат кичик Қавийликларга бўлиб бошқарилган, бошлиқлари ҳам Қавий унвонида бўлишган. Шундай ҳукмдорлардан бири Қавий Виштаспа бўлиб, у Бактрия ҳукмдори бўлган. Унинг саройидан Заратуштранинг паноҳ топганлиги воқеаси ҳаммага маълум.

И. В. Пьянковнинг фикрича шу даврдан бошлаб Қавийлар авлоди ҳукмронлигининг иккинчи даври бошланади. Шу даврдан бошлаб диний қарашлар, таълимотлар жангги бошланган десак муболаға бўлмайди. Қавий Виштаспанинг қўллаб-қувватлаши, ҳомийлиги натижасида Заратуштра таълимоти бутун Бактрия бўйлаб тарқала бошлайди. Шу даврдан бошлаб Қадимги Бактриянинг Қадимги Шарқ

дунёсида ўз ўрнига эга бўла бошлаганлиги кузатилади.

Қавий Виштаспанинг ҳукмронлиги ва пайғамбар Заратуштранинг яшаш даври милoddан аввалги VII асрнинг иккинчи ярми деб қаралса хронологик жиҳатдан тўғри бўлади ва ҳозирги замон шарқшунос ва қадимшунос олимлари ҳам шу даврни эътироф этишади.

Маълумки, «Авесто» асосида Қавийлар тарихи билан биринчилардан бўлиб шуғулланган, шарқшунос олим А.Кристенсен ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида илк Қавийларнинг яшаган даврини милoddан аввалги 900-775 йиллар билан белгилаган.

Илк Қавийларнинг ҳукмронлиги, мамлакатнинг жойлашган ўрни Сейистон худудига мос келишини ҳам тарихий ва археологик манбалар асосида кузатилган. Г. Нолининг Кансавья кўлини Хамун, Хайтуманд дарёсини Хилменд, Ушудау тоғини Кухи Хваджа билан боғлаганлигига адабиётларда ҳеч ким қарши фикр билдиргани йўқ. Бильакс шу фикрга қўшимча илмий маълумотлар тўпланган. Жумладан, Р. Гиршман Надиали қишлоғи ёнидан топган, мил.ав. VIII асрга оид Сурхдаг ёдгорлигини И.М. Дьяконов Қавийлар мамлакатининг пойтахти бўлган деб ҳисоблайди.

Қадимги Бактрия ҳам илк Қавийларнинг меросхўрлари ҳисобланади. Бактрияда маҳаллий Наутар уруғидан бўлган қабила ҳукмронлик қилган. Шу уруғ намояндаларидан бири бўлган Виштасп (Гоптасп, Гистасп) Қавий унвонини қабул қилган ва Виштасп Бактрияда Қавийлар сулоласи ва шажарасига асос солган. Яна шу нарса аёнки, Виштаспнинг қўллаб-қувватлаши натижасида Заратуштранинг зардуштийлик таълимоти кенг ёйилиб, бу таълимот бутун Шарқий Эрон ва Ўрта Осиёда ҳукмрон мафкура даражасига кўтарилишига хизмат қилган бўлса, зардуштийлик эса эслаб ўтилган худудлардан ҳам кенгайиб, Кавказ худудларигача ёйилиб жаҳон динлари қаторига кирди.

Демак, келтирилган маълумотлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, Қавийларнинг илк Ватани Хамун кўли, Хилменд дарёси бўйлари, Кухи Хваджа тоғлари этакларини, Қадимги Бактрия худудларини ўз ичига олган ва милoddан аввалги IX—VIII асрда ҳукм сурган.

«Авесто»да қавий сўзи қоҳин-шоҳларга, ҳукмдорларга нисбатан ишлатилган. Ҳукмдорларнинг кўпчилиги аввал Зардушт таълимотига қарши бўлишган. Шу боис «Авесто»да девпараст, каззоб қаби сўзлар билан таърифланган. Авестошунос олимларнинг аксарияти, жумладан М. Исҳоқовнинг фикрича, «Қавийлар» сўзи орқали берилган бу тушунча Зардуштга қадар ҳукмдор ҳамда қоҳин вазифасини ўзида бирлаштирган ижтимоий қатламни ифодалаган. Қавий — қоҳинлар аввал Зардушт таълимотига душман бўлишган. Кейинроқ, Виштасп Зардушт таълимотини қабул қилгач, муносабат ўзгариши керак эди. Лекин «Авесто» га кириб қолган эски анъана - Қавийлар душман деган қараш сақланиб қолаверган. Бу ҳол «Авесто» китобининг турли қатламлари Зардуштдан аввалги даврлар маҳсули булган, деган фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Маълумки, Қавийлар ичида биринчи бўлиб бактриялик Виштаспа зардуштийликни қабул қилган. Шунинг учун «Авесто» да Виштасп тўғрисида фақат ижобий иборалар ишлатилган. Жумладан: «Қудратли Виштасп». «Кўп билимдон

Виштасп», «Пахлавон Виштасп» каби. Уни таърифлаганда пайғамбар Зардушт бисотидаги барча яхши сўзларни ишлатган.

Ушбу таърифдан кўринадика Виштасп Зардуштийликни қабул қилмасидан олдин ҳам Қавий унвонида бўлган. «Авесто»да салтанат, бахт куши хварно деб аталган. Кимгаки, хварно (фар) кун май туриб шоҳликни, хукмдорликни даъво қилса, ноқонуний ҳисобланган, Қавийликни Ахура Мазда ато қилади деган тушунча хукмрон бўлган. Манбада Қавийлар кучли кудратга эгалиги, уларга хварно насиб этганлиги, нафақат уларга балки уларнинг авлод-аждодларига, ворисларига ҳам бу кудрат мерос эканлиги куйланган.

Демак, Қавийлик унвони наслдан-наслга, авлоддан-авлодга ўтиши, Ахура Мазда томонидан тасдиқлаб қўйилган ва Аҳамонийлар империясига қадар Бактрияда ва Дрангианада мавжуд бўлган.

Қавий унвонидан ташқари «Авесто»нинг энг қадимги Гаг ва Яшт қисмларида бошқарув тизимини ифодалаган бир қатор унвонлар сақланиб қолганки, уларни археологик маълумотлар билан таққослаб, ижтимоий муносабатлар тарихини тиклаш имконияти туғилмоқда. Шундай терминлардан бири «састар» бўлиб, Авестошунос олим В.А. Лившицнинг фикрига қараганда бу унвон эгаси ужа (оазис) ва унинг маркази хукмдори маисабида бўлган. Худди шу фикрни академик Э.В. Ртвеладзе ҳам қўллаган, ва «Авесто»даги састар тушунчасини археологик манбалар билан, яъни Бандихон ўлкасини састар сифатида эътироф этади ва ўлканинг маркази сифатида Бандихон I ёдгорлигини кўрсатиб ўтади. Олимнинг фикрича, ўлкани бошқарган хукмдор Харбин бошлиқ вазифасини ҳам бажарган.

Қадимги Бактрияда шундай ўлкаларнинг нечтаси аниқланган, умуман оазис-ўлканинг қандай тарихий маъноси, аҳамияти бор? Фикримизча, ўзбекча ифодалаганда «деҳқончилик ўлкаси» деб аталсагина мақсадга мувофиқ бўлар эди. Масалан, Бандихон деҳқончилик ўлкаси деб аталса, шу ўлкани сув манбаси билан таъминлайдиган дарё ёки канал, деҳқончилик қилинадиган, суғориладиган ер майдони, ёдгорликлар мажмуаси, кенг чорва яйловлари майдонлари тушунилади. Шу деҳқончилик ўлкани бошқарган хукмдорни «Авесто»да састар деб аталган бўлиши мумкин.

«Дахьюпати» термини эса «вилоят хукмдори» маъносини англатади. Э.В. Ртвеладзе бу вилоятларни Юнон манбаларида эсланадиган Габаза, Паретака ва Бубакена мамлакатларига таққослайди. Археологик жиҳатдан бир неча деҳқончилик ўлкалари бирикиб вилоятни ташкил этган. Дахьюлар дахьюпатиси эса вилоятлар бирикмасини - Бактрияни ташкил этган.

Бактрия Ватанимиз тарихига «подшоҳлик» сифатида кириб келган. Аммо уни подшоҳлар эмас, юқорида таҳлил қилганимиздек Қавийлар, Аҳамонийлар империяси даврида эса сатраплар бошқарган. Ўрта Осиё халқлари тарихида Бактриянинг подшоҳлик сифатида қўлланишининг асосий сабаби рус адабиётларидан таржима натижасида кириб келганлигидадир, яъни «Древнебактрийское царство» ибораси «Қадимги Бактрия подшоҳлиги» деб таржима қилинган¹. Европа халқлари тарихига хос бўлган «царь» сўзини «подшо» деб таржима қилганмиз ва ишлатганмиз (царство-подшоҳлик). Бу ибора нафақат Бактрия, балки Хоразмга ҳам тегишлидир, яъни «Древнехорезмское царство» «Қадимги Хоразм подшоҳлиги» сифатида қўлланиб келинмоқда. Тарихимиз рус тилида ёзилган таҳдирда ҳам «царь» сўзини ишлатиш

тўғри эмас, негаки ўзбек давлатчилиги тарихида «царь» бошқаруви бўлмаган.

Шунга асосланиб «Бактрия подшоҳлиги» ибораси Принта «Бактрия Кавийлиги» иборасини куллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Кавий титули қандай унутилганлиги тўғрисида гапирадиган бўлсак, Шоҳлар шоҳи Доро I Ахамонийлар давлатчилигида янги ислоҳотларни амалга оширган. У бошқарув ва молия ишларини янги поғонага кўтарган, бутун империя ҳудудини сатрапликларга бўлиб бошқариш усулини жорий этди. Сатраплик ҳудудлари собик маҳаллий давлатлар ва аҳолининг этник гуруҳлар яшайдиган чегаралари асосида бўлиб чиқилган. Кир II ёки Камбиз даврида босиб олинган ерлар маҳаллий ҳукмдорлар томонидан бошқарилган бўлса, янги ислоҳотга биноан, сатраплик бошлиқлари форсийлардан тайинланадиган бўлган.

Сатраплар ва ундаги ҳарбий бошлиқлар шоҳлар шоҳи ва марказий давлат бошқарувининг доимий назоратида бўлган. Сатраплик бошқаруви ва текширувлар Хазарпат томонидан амалга оширилган. У бир вақтнинг ўзида шоҳлар шоҳининг шахсий гвардиясини ҳам бошқарган.

Жойлардаги сатрапликларни бошқариш усули ва девонхона таркиби Сузадаги бош девонхона тузилишини айнан такрорлаган, яъни девонхона бошлиғи, хазинабон, ташаббусни бўғувчилар, ҳисобчилар, судьялар, ҳаттотлар ва бошқалар.

Ахамонийлар Ўрта Осиёнинг бошқа кўпгина ҳудудлари сингари Бактрияни ҳам босиб олгандан кейин, Қавийлар мустақилликни қўлдан берганлиги табиий ҳол, албатта. Кир II босқини даврида Бактрия ҳукмдори Таниоксарк (Оксиарт) бўлган. Бу ҳақда ишончли ёзма маълумотлар сақланиб қолган.

Энди Қадимги Бактриянинг Ахамонийлар давридаги сатраплари тўғрисидаги маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз. Бу борада Е.А. Мончадскаянинг тадқиқотлари диққатга моликдир.

Келтирилган жадвалдан маълум бўладики, Ахамонийлар даврида Бактрияда Қавий унвони қўлланилмаган, империянинг барча ҳудудида бўлгани сингари бу ерда ҳам сатраплик жорий этилган ва икки юз йил давом этган Ахамонийлар империяси даврида Қавийлик бошқаруви билан бирга Қавийлик ибораси ҳам унутилган. Ахамонийлар ҳукмронлигидан кейинги даврларда, хусусан, А.Македонский, Салавкийлар, Юнон Бактрия, Кушонлар салтанати даврида зарб қилинган тангаларда ҳам Қавий титули қўлланилмаган.

Келтирилган маълумотлар асосида Қавийлар тўғрисида шундай хулоса қилишимиз мумкинки, улар милоддан аввалги IX асрлар охирида Шарқий Эрон ва Бактрия ҳудудларида пайдо бўлган ва Эрон Ахамонийлари босқини давригача ҳукм сурган.

Уларнинг фаолияти икки, яъни илк ва сўнгги Қавийлар даврига бўлинади. Бу бирлашма гоҳида тарқалиб, гоҳида кучли сиёсий кучга айланиб турган. Унинг илк даврида Зардуштийлик дин сифатида шаклланмаган. Иккинчи даври Заратуштра фаолияти билан боғлиқ. Шу даврдан бошлаб пайғамбар Зардушт таълимоти Қавий Виштаспа томонидан қўллаб-қувватланган, «Авесто» бунёд этилган. Шунингдек, шу даврдан бошлаб диний қарашлар, таълимотлар жангги бошланган. Қавий Виштаспанинг қўллаб-қувватлаши, ҳомийлиги натижасида Заратуштра таълимоти бутун Бактрия бўйлаб тарқала бошлайди. Шу даврдан бошлаб Бактриянинг Қадимги

Шарқ дунёсида ўз ўрнига эга бўла бошланганлиги кузатилади.

Қадимги Бақтрияни юқорида таҳлил қилганимиздек Қавийлар, Аҳамонийлар империяси даврида эса сатраплар бошқарган. Қавийлик титули наслдан-наслга, авлоддан-авлодга ўтиши Ахура Мазда томонидан тасдиқлаб қўйилган ва Аҳамонийлар империясига қадар Бақтрияда ва Дрангианада ҳукмронлик қилган. Ўрта Осиё халқлари тарихида Бақтриянинг подшоҳлик сифатида қўлланишининг асосий сабаби рус ва инглиз тиллардаги адабиётлардан таржима натижасида кириб келганлигидир.

Аҳамонийлар даврида Бақтрияда Қавий унвони қўлланилмаган, империянинг барча ҳудудида бўлгани сингари бу ерда ҳам сатраплик жорий этилган ва икки юз йил давом этган Аҳамонийлар империяси даврида Қавийлик бошқаруви билан бирга Қавийлик ибораси ҳам унутилган. Аҳамонийлар ҳукмронлигидан кейинги даврларда, хусусан, Буюк Александр, Салавкийлар, Юнон Бақтрия, Кушонлар салтанати даврида зарб қилинган тангаларда ҳам Қавий титули қўлланилмаган.

Келтирилган маълумотлар ва мулоҳазаларга таяниб таклиф қилмоқчимизки, ёзилаётган тарихларимизда Қадимги Бақтрия подшоҳлиги ўрнига Қадимги Бақтрия қавийлиги атамасини қўлласак тарихимиз тўғри ёритилган бўлади.

Кишилик жамияти тараққиёти ўз ўтмиш илдизи — тарихидан озик олади. Ўтмиш келажак учун замин ҳозирлайди. Шу сабаб ҳам ҳар бир даврда ўтмишга, тарихга эътибор кучаяди. Уни ҳаққоний, объектив ёритиш куннинг долзарб масаласига айланади. У авлодларнинг маънавий руҳиятини мустаҳкамлашда энг муҳим омил саналади. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳақиқий тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади».

Тарихни объектив ёритишда моддий ва ёзма манбалардан кенг фойдаланилади. Айниқса, ёзма манбалар тарих учун энг муҳим объектдир. У инсониятнинг авлодлари учун қолдирган номаси бўлиб, ёзув узоқ ва тадрижий ривожланиш жараёнини бошдан кечирган. Ёзувлар тарихини ўрганиш орқали ҳам инсониятнинг қанчалик мураккаб ҳаёт жараёнларини ўтаганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ёзув инсоният тафаккури тараққиётининг энг олий маҳсулидир. Келажак авлод билан мулоқот воситаси, шунингдек, ўзаро алоқаларини, қўшни мамлакатлар билан муносабатни ривожлантиришнинг асосий омилидир. Ёзувлар тарихи олимлар томонидан кенг ўрганилиб келинган. Тадқиқотчилар ёзувлар тарихини ўрганишда унинг ривожланиш жараёнини бир нечта турларга ажратишган.

Инсоният тарихида вужудга келган илк ёзув - бу пиктографик ёзув ҳисобланади. У лотинча пикче — тасвирий, графо-ёзаман деган сўзлардан иборат. Бу ёзув тури барча халқларда мавжуд бўлиб, уни ҳар бир халқнинг ўзи яратган. Шу сабаб ҳам унинг турлари ниҳоятда хилма-хилдир. Илк пиктографик белгилар милоддан аввалги IV минг йилликда шумерликлар томонидан яратилган. Мисрликларнинг пиктографик ёзувлари милоддан аввалги III минг йилликларга, Ўзбекистон ҳудудидан милоддан аввалги II—I минг йилликларга оид пиктографик белгилар топилган³. Бундай ёзув турлари Хитой ва Ҳиндистондан ҳам топилган. Америкадаги ҳинду кабилаларининг баъзилари пиктографик ёзувлардан милодий XIX

асргача фойдаланган.

Пигтографик белгилар ор қали умумий маълумотлар берилган. Ҳар бир белги сўз ёки ҳаракатни, баъзида бир гап ифодаланган. Уларни тушуниш осон, ёзиш эса мураккаб бўлган. Жумладан, «одам» тасвири одам сўзини, «куш» расми куш сўзини англатган, «кўз» расми кўз сўзини ёки кўз ва сув тасвири «йиғламоқ» сўзи маъносини берган.

Жамият ривожланиши билан инсон тафаккури ҳам тараққий этган. Муомаладаги ғояларнинг барчасини пигтография асосида ифодалаш имкони бўлмай қолган. Бу эса ёзувларни янада такомиллаштириш зарурлигини тақозо этган. Бу даврда идеография ёзув тури вужудга келган. Идеография бу грекча сўз бўлиб, идея-ғоя, графо - ёзаман деган маънони англатади. Бу ёзув турида тасвир ор қали ифода эта олмаган ғоялар ифодаланган. Масалан, пигтографик ёзувда кўз тасвири билан фақат «кўз» сўзини англатса, идеографияда эса, бу ўткир кўз маъносида қўлланилган. Бу даврда пигтографик белгилар икки маънода ишлатилган, биттаси тўғри маънони англатса, иккинчиси рамзий маънода ишлатилган.

Жамият ривожланиши билан пигтографик белгилар, яъни тасвирлар рамзий равишда ёзила бошланган. Бу ёзув тарихда миҳхат деб номланган. Миҳхат ёзуви расмларнинг секин-аста соддалашиб бориши билан ифодаланади. Кейинчалик уларнинг умумий хусусиятигина сақланиб, рамзий белгиларга айланган. Бу расм чизганга нисбатан анча осон ва қулай бўлган, чунки у вертикал, горизонтал ва эгри чизик кўринишида бўлган. Бундай ёзув турлари Месопотомиянинг Ларса, Ур, Эреду, Аккад давлатларида кенг тарқалган. Шумерликлар ёзувни лой тахталарга ёзганлар. Унда ёзилган чизиқларнинг учи миҳга ўхшаб қолган, ёзувнинг номи ҳам шундан келиб чиққан. Миҳхат ёзуви милоддан аввадги III—I минг йилликларда кенг қўлланилган. Бу ёзув тури Оссурия, Бобил ва қадимги Эрон давлатларида кенг тарқалган. Машҳур Беҳистун ёзуви, Персеполь ва Сузадаги ёзувлар ҳам миҳхат ёзувида ёзилган.

Миҳхат ёзуви дастлаб ўнгдан чапга, устун тарзида, кейинчалик чапдан ўнгга ёзила бошланган. Унинг 300 дан 900 гача белгиси бўлган. Миҳхат ёзувида топилган энг қадимий ёдгорлик Шумер давлатининг хужжати ҳисобланади.

Ёзув шаклланишидаги кейинги жараён иероглиф ёзувининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. «Иероглиф» грекча сўз бўлиб, «муқаддас кесма хат» деган маънони англатади. Бу ёзувдаги белгилар айрим товушларни, бўғимларни, сўзларни ва тушунчаларни ифодалаган. Турли тилларда гаплашувчи халқлар ҳам ундан бемалол фойдалана олганлар.

Миср иероглифлари мил.авв. III минг йилликда вужудга келган. У 600 белгидан иборат бўлган. Уларда буюм, одам ва ҳайвонлар тўлиқ ифодаланган. Бирор-бир тушунча рамзий белгилар орқали ифодаланган. Масалан, «совуқ-сув» тўкаётган ваза белгиси, «қарилик» қайғуга ботган инсон тасвири билан берилган.

Бугунги кунгача Хитой, Япония, Кореяда иероглиф ёзувидан фойдаланилаяпти. Хитой иероглифи Япония ёзувига асос бўлган. Хитой иероглифида 60 минг белги бор. Унинг бир неча минггини ўрганган хитойликлар бемалол газета ва журналларни ўқий оладилар.

Алфавитли ёзувнинг вужудга келиши билан иероглиф ва миҳхат ёзувларидан

фойдаланилмай қўйилди. Бу эса кўп ёзувларнинг муомаладан чиқиб кетишига олиб келди. Илк алфавитли ёзув мил.авв. 1100 йилда Фаластинда ғарбий семит қабилаларидан бири орамийларда пайдо бўлган. Орамий ёзуви қabila номи билан аталган ва уларнинг тили қадимги яхудий ва финикия тилига яқин бўлган. Орамий ёзувида финикия ҳарфлари қўлланилган. У 22 та ундош ва ярим ундош белгилардан иборат бўлган. Финикия алфавити Кирилл, лотин ва грек алфавитига асос солган. Финикия алфавитида миср иероглифларида бўлмаган товуш белгилари ҳам бўлган. Ҳар бир финикия ҳарфининг номи бўлган: алеф, бет, гимел, далет, зайин ва бошқ. Алфавитда ҳарфлар кетма-кетлиги қатъий тартибда бўлган. Ҳозирги алфавитлар унга ниҳоятда кам ўзгартиришлар киритган. Греклар бу алфавитга унли товушларни киритдилар ва уни янада такомиллаштирдилар. Лотин, Кирилл ва руний алфавитлари шу алфавитларнинг ғоялари остида яратилган.

Ҳарfli алфавитни дастлаб греклар ихтиро қилганлар. Греклар алфавити осон ва аниқ бўлгани учун уни дарров бошқа халқлар лидияликлар, фракиялар, этруслар қабул қилдилар. Лотин алфавити ҳам грек ёзуви асосида шаклланган.

Ўзбекистон ҳудудида ҳам ёзувларнинг ривожланиш жараёнларини кузатишимиз мумкин. Бу ердан пигтографик ёзувлар, орамий ёзувлари, унинг асосида хоразм, бохтарий, суғд ёзувлари шаклланган. Пигтографик ёзувлар Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларидан топилган Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари мавжуд эканлиги аниқланган.

Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари XX асрнинг 60-70 йилларида А.Асқаров томонидан ўрганилган. Сополлитепада олиб борилган тадқиқот ишлари жараёнида сопол идишларга ёзилган 29 та белги топилган. Улар шаклларига қараб 8 та гуруҳга ажратилган: ярим ой шаклига ўхшаш, тортилган камон шаклида бўлиб, ўртасидан тўғри чизик ўтказилган, иккита тўғри чизик хоч шаклида, иккита айланани бирлаштирувчи тўғри чизик «А» ҳарфини эслатувчи ва илон шаклидаги белгилар бўлган. Бу белгилар дастлаб топилганда Сополлитепалик кулолларнинг тамғалари бўлса керак деган фикр ҳукмрон эди. Лекин худди шунга ўхшаш белгилар Жанубий Туркманистон, Шимолий Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистон ҳудудларидан топилгани уларнинг илк ёзув эканлигини кўрсатмоқда. Бу белгиларнинг ривожланишининг кейинги босқичини тадқиқотчилар Жарқўтондан топдилар. Жарқўтонда ҳам бу белгилар фақат сопол идишларда, хумлар, кўзалар ва қасқонларда учрайди. Бу ердан 46 та белги топилган. Уларнинг кўпчилиги бир мартагина сопол идишларда ёзилган. Такроран ишлатилмаган. Шу сабаб улар гуруҳларга ажратилмаган. Сополлитепа ёзувида белгилар алоҳида ишлатилса, Жарқўтонда бир неча белги бирга ёзилган. Тадқиқотчилар фикрича бу ёзувнинг тараққиёти билан боғлиқ. Жарқўтондан топилган белгилар орасида энг кўп учрагани хоч белги саналади. Бу белги туморларда ва муҳрларда ҳам учрайди. Баъзида хоч билан бирга ярим ой, айлана шаклидаги белгилар бирга чизилган. Бу далиллар хоч белгисининг кенг тарқалган белги эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотчилар Жарқўтондан топилган баъзи белгиларни уларнинг турмуш тарзи билан боғлайдилар. Омоч шаклидаги ва арава ғилдираги белгиси шундан далолатдир. Жарқўтон қабрларидан нарвонга ўхшаш белги топилган. Тадқиқотчилар буни нариги дунёга ўтиш тушунчаси билан ифодалайдилар. Шундай белгилар

Эрондаги Шахдод ёдгорлигидан ҳам топилган.

Пигтографик белгилар Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги Ғоз қишлоғидан ҳам топилган. Бу ёдгорлик илк темир даврига оид бўлиб, бу ердаги топилма пигтографик ёзувнинг ривожланганлигини кўрсатади. Бу ёзув юмшоқ таркибли монолит тошдан ясалган кели (угир) да ўйиб ишланган. Унда 13 та белги аниқланган. Улар орасида мураккаб белгилар борлиги билан ажралиб туради. Тадқиқотчилар фикрича бу кели зардуштийларнинг оташкадасида муҳим буюм саналган. Олимлар келининг сиртига ҳам зардуштийларнинг муқаддас сўзлари ёзилган бўлса керак деган фикрларни берадилар.

Ўзбекистон ҳудудида қадимги даврларда орамий ёзуви асосланган ёзувлар топилган. Уларнинг энг қадимийси Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган Ойбуйиққалъа ёдгорлигидан топилган. Бу ёдгорлик милоддан аввалги V-IV асрларга оид бўлиб, у ердан хум сиртига ёзилган ёзув топилган. Бу ёзувни М. М. Мамбетуллаев ва В. А. Лившицлар ўрганганлар. Хумдаги ёзувни В.А.Лившиц таҳлил қилган. Олим уни орамий ёзуви асосланган хоразм ёзуви деб айтган. Ёзув латин ёзувида қуйидаги кшринишга эга бўлган: mrys (mry) XI h III III III, яъни 11 мари 9-х. Бу хумнинг сифимини билдирган. Ҳажм ўлчови **mari** Эрон, Парфия, Миср ва олд Осиёда кенг қўлланилган. Лекин улар турлича белгиланган. Хоразмда 1 мари 16,5 ёки 17 литр бўлган. Хумга 200 литрга яқин суюқлик сифган. Бу топилма Хоразмда қўлланилган ҳажм ўлчови ҳақида маълумот берди.

Қадимги Ўзбекистон ҳудудида орамий ёзуви асосида Хоразм, Бақтрия, Сўғд ёзувлари вужудга келган. Уларнинг тадқиқотчилар томонидан ўқилиши тарихимизнинг кўпгина жиҳатларини ёритишга имкон берди. Аждодларимиз томонидан яратилган юксак маданият излари бугунги кунда дунё олимлари томонидан тан олинмоқда. Айнан шунинг учун ҳам янги авлод адабиётларини яратишда ёзувлар тарихига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

2-мавзу: Турк хоқонлиги давлатининг Ўзбекистон давлатчилигида тутган ўрни масаласи

Режа:

1. Илк ўрта асрлар тарихига оид тадқиқотлар
2. Турк хоқонлиги тарихшунослиги

Туркийлар – жаҳондаги энг қадимги ва энг йирик этнослардан бири бўлиб, улар Осиёнинг шарқий ҳудудларида қадим-қадим даврлардан буён яшаб, ўзларидан муносиб из қолдириб келганлар. Хитой манбалари, машҳур “Ўғизнома”, Ўрхун-Енисей руний ёзувлари, Култегин битиклари бунга ишончли далилдир. Олтой, Тува ҳамда уларга туташ ҳудудларда турли туркий қабилалар, чунончи, ашин, арғун, ўғиз, тўққиз ўғиз, ўттиз татар, қарлук, китан, турк уйғур, тоҳарлар, дуба (туба-тува), ва бошқалар яшаганлар. Сўнгги даврда шарқшунос олимлар, жумладан ўзбек олимларининг тадқиқотлари натижасида ҳамда қадимги Хитой манбаларидаги маълумотларга кўра турк атамаси бундан 3,5-4 минг йил муқаддам расмсимон иероглифлар билан ёзилган битикларда “Тиек” ва “Тиаук” шаклида учрайди. Турк

сўзи бақувват, баркамол, одиллик каби маъноларни англатади, деган фикр мажуд.

Турон давлатчилиги тарихида Турк хоқонлиги даври муҳим ўрин эгаллайди. Турк хоқонлик хусусида маълумотлар етарли бўлсада, лекин уларнинг кўпчилиги бир-бирига қарама-қарши ва аниқ маълумотлар бермайди. Биринчи навбатда VI-VIII асрларда тўпланган манбалар анча қимматлидир. Булар эпиграфик ёдгорликлар – Ўрхун-Енисей, Турк-Рун ёзувлари, Хитойнинг “Тан хонадони тарихи” (VII-IX асрлар) тарихий манбаси, VI асрнинг биринчи яшаган византиялик тарихчилар Менандр, Феофан Византийский, суриялик ёзувчи Иоан Эфесскийларнинг тарихий асарларидир. Шунингдек Турк хоқонлиги тўғрисидаги маълумотлар ўрта аср муаллифлари ат-Табарий, Деноварий, Абу Райхон Беруний, Наршахийлар асарларида ҳам учрайди. Хусусан, Абу Исҳоқ Нишопурий (VIII аср) ўзининг “Қиссаи ал-анбиё” асарида туркларнинг келиб чиқишини Нуҳ пайғамбар ўғли Ёфаснинг тўнғич ўғли Турк билан боғлайди. Бошқа афсонага кўра, улар ўн яшар бола ва она бўридан тарқалганлиги таъкидланади. Бу маълумотлар Бей-ши ва Хитой йилномаларида берилган бўлиб, туркларнинг ота-боболари катта ботқоқлик чеккасида (“Ғарбий денгиз”нинг ўнг қирғоқларида) яшаган. Бироқ улар кўшни қабилалар томонидан кириб ташланади. Аммо улардан ўн яшар бола тирик қолган. У Турфон тоғларига кетиб, у ерда урғочи бўридан ўнта бола кўрган. Бўри болалари Турфондаги аёлларга уйланадилар. Хар бир боладан бир уруғ келиб чиқади. Ўғиллардан бирининг исми Ашин эди. Унинг номи ҳамма қабиланинг номини англатадиган бўлади. Афсонага кўра, “турк” сўзи Олтой тоғининг энг қадимги номидир. Яна бир бошқа афсонага кўра, турк қабиласининг аجدодлари Олтойнинг шимолий ёнбағирларидаги вилоятдан келиб чиққан бўлиб, бу ердаги қабилани бошлиғи Абанби уларнинг илк йўлбошчиси бўлган.

VI асрнинг бошларида Олтойдаги туркий қавмлар орасида Ашин уруғининг мавқеи кўтарилади. У Асан Шад номи билан уруғ бошлиғи бўлади. Унинг ўлимидан кейин эса ўғли Туу тахтга ўтиради. Туунинг ўғли Тумин-Бумин 551-йилда турк хоқонлигига асос солади. Бумин Или дарёси бўйида ҳукмдор деб эълон қилиниб, “Или қаған” деган унвонни олади. Олтой хоқонлигининг маркази бўлиб қолади. Олтойдаги Ўтуқан шаҳри хоқонлигининг пойтахти қилиб белгиланади. (ушбу хоқонлик 551-744-йилларда фаолият кўрсатди) Қадимги турк манбаларида бу иттифоқ “тюрк”, “тюрк эл”, “турк бўдун” каби номлар билан тилга олинади. 552-йилда Бумин бошлиқ бу иттифоқ Марказий Осиёдаги энг кучли Жўжан хоқонлигига зарба беради. Бумин укаси Истамига (Истеми-туркча, Себими-хитойча, Синжиби-арабча, Стамби-хагаҳ юнонча) биринчи саркарда, давлатнинг биринчи амалдорига тўғри келувчи “Ябғу”(баҳодир) унвонини бериб, у билан бирга давлатни кенгайтириш пайига тушади. Хоқонлик тез орада кучайиб, унинг довуғи ортиб боради. 552-йилда Бумин вафот этади. Тахтга унинг ўғли Қора Иссиқхон, 553-йилда унинг укаси Муғанхон ўтиради ва 20 йил хонлик қилади. Турклар томонидан қисқа вақт ичида Енисей (Энасой) дарёси бўйида яшовчи қирғизлар, шимолий Хитой вилоятлари босиб олиниб, Хитой императори турклар билан сулҳ тузишга мажбур бўлади. Истеми бошчилигида турклар 555-йилда Тошкент ва унинг атрофлари, Қозоғистон, Хоразм худудлари Еттисув туташган юртларда яшовчи нушибу, дулу ва туркаш қабилаларини бўйсундирадilar. Шу йили турклар Шарқий Туркистоннинг

обод деҳқончилик вилоятларининг бир қисмини ҳамда Сирдарё ва Орол денгизи бўйидаги даштликларни бутунлай босиб оладилар. 558 йилга келиб Ёйиқ (Урал) ва Итил (Волга) бўйлари забт этилиб, турклар аварлар билан тўқнашадилар. 563-567-йилларда Истами Ябғу қўшинлари эфталитларга кетма-кет зарбалар бериб унинг ҳудудларини, яъни ҳозирги Ўрта Осиё ва Каспий денгизигача бўлган ерларни эгаллайдилар. Бунинг оқибатида эфталитлар ҳокимияти қулайди. Шундай қилиб, жанубдан Эрон сосонийлардан, шимолдан эса Турк хоқонлигидан қаттиқ зарбага учраган Эфталитлар давлати бир асрдан ошиқроқ ҳукмронликдан сўнг, батамом барбод бўлади.

Турк хоқонлиги Ўрта Осиё ҳудудларини ишғол этгач, хоқонлик Эрон билан чегарадош бўлиб қолади. Натижада икки давлат ўртасида муносабатлари кескинлашади. Турк хоқони Истамининг 567-йилда икки марта юборган элчилари фаолияти муваффақиятсиз чиқади. Эрон билан муносабатларни ўрнатишга интилишлар натижа бермайди. Бироқ, Эрон билан ўзаро муносабатларни яхшилаш имкони бўлмагач хоқонлик сосонийлар билан бир неча бор уруш олиб боради. Истеми қўшинлари Эрон шоҳи Хусрав I ни енгади.

Муғанхон ва унинг авлодлари Ғарбда Қора денгизгача бўлган ҳудудларни забт этиб, ўзларига бўйсундирадилар. Турк хоқонлиги 568-569-йилларда ўша даврнинг кудратли давлати – Византия билан иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатишга интилиб, Суғд савдогари Маниах бошчилигидаги элчиларни у ерга юборади. Шундан сўнг Византиянинг Земарх бошлиқ элчилари хоқонлик давлатига келади. Бироқ кўп вақт ўтмай Византия билан муносабат кескинлашади. 575-576-йилларда турклар Киммерий Босфорини эгаллаб, Қрим ярим оролигача кириб борадилар. Кейинчалик Византия ва хазарлар ёрдамида турклар бирнеча бор Эронга қарши қўшин тортадилар. 588-йилда Хирот яқинида Эроннинг машҳур саркардаси Баҳром Чубиндан енгиландилар. Турк хоқони жангда ҳалок бўлади.

Шундай қилиб, VI асрнинг 70-80-йилларида Енисейнинг юқори оқимидан то Амударё бўйларигача, Манжуриядан то Киммерий Босфоригача чўзилган улкан майдонда кўчманчи чорвадорлар давлати – Буюк Турк хоқонлиги ташкил топади.

Турк хоқонлиги қанчалик буюк бўлмасин, лекин у чинакам марказлашган давлат эмас эди. Унинг асоси туркий қабилалар иттифоқидан иборат бўлган. Бу иттифоқни хоқон бошқарар эди. Турк хоқонлари Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилсаларда, бироқ ўзлари бу ҳудудларга кўчиб келмадилар. Улар Еттисув ва бошқа ҳудудлардаги марказий қароргоҳларида қолиб, бўйсундирилган ҳудудларни маҳаллий ҳукмдорлар орқали бошқариб, улардан олинадиган солиқ ва ўлпонлар билан кифояланганлар. Турк хоқонлиги даврида Ўрта Осиёдаги 15 дан ортиқ маҳаллий давлат тузилмалари, уларнинг бошқарув тизимлари сақланиб, ички сиёсат бобидаги мустақил фаолиятлари давом этган. V-VII асрларда бу маҳаллий давлатчалар, аввало эфталийлар, сўнгра Турк хоқонлигига бўйсундирилган бўлса-да, аммо эфталийлар ҳам, турклар ҳам уларнинг ички ҳаётига аралашмайдилар. Уларнинг иқтисодий ва сиёсий бошқаруви ерли сулола ҳукмдорлари қўлида қолдирилиб, турклар улардан божу ясоқ ундириб олиш билан чекланадилар. Бироқ мамлакат бошқарувида уруғ-аймоқчилик удумлари кучлик бўлиб, зодагонларнинг бошбошдоқлик ҳаракати зўрайиб бормоқда эди.

Ўзаро қабилавий урушлар, сулолавий курашлар оқибатида Турк хоқонлиги VI асрнинг 80-йилларига келиб (бу сана баъзи манбаларда 603-йил билан белгиланади) икки мустақил давлатга ажралиб кетади. Улардан бири Мўғулистонда ташкил топган, маркази Олтой бўлган Шарқий турк хоқонлиги, иккинчиси эса Ўрта Осиё, Жунгария ва Шарқий Туркистоннинг бир қисмини ўз тасарруфига олган маркази Еттисув бўлган Ғарбий турк хоқонлиги эди. Ғарбий хоқонлик ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан Шарқий хоқонликдан ажралиб турарди. Аҳолининг каттагина қисми ўтроқ деҳқончилик ва савдо-сотик билан машғул эди. Ер ва сув муносабатлари ривож топиб бораётган ғарбий хоқонликдаги туркларнинг бир қисми ўтроқлашади, қолганлари ерли чорвадорлар билан қоришиб кетади.

VII асрнинг биринчи чорагида Ғарбий хоқонлик ниҳоятда кучаяди. Унинг шарқий чегараси Олтойгача, жануби эса Ҳинд дарёсига бориб тақалиб, маркази Еттисув эди. Хоқоннинг ёзги қароргоҳи Исфижоб яқинидаги Мингбулоқда, қишқиси Суёб шаҳрида эди. Хоқон Тўнябғу (618-630) ҳукмронлиги даврида бошқарув тартиблари ислоҳ этилади. Вилоят ҳокимларига “ябғу” унвони берилиб, улар хоқоннинг ноибларига айлантирилади. Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Тоҳаристоннинг деярли мустақил ҳокимликлари устидан сиёсий назорат кучайтирилиб, улар ҳузурига хоқонликнинг вакиллари юборилади. Бундай вакиллар “тудун” деб юритилади. Бироқ хоқон марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш бобида амалга оширган ишлари яхши натижа бермади, ўзаро кураш давом этди. Хоқонликнинг ҳарбий-маъмурий таянчи ҳисобланган дулу ва нушибу қабила иттифоқи зодагонлари ўртасида ҳокимият учун кучайиб борган кураш оқибатида Ғарбий турк хоқонлиги заифлашиб, бўлиниб кетади. 667-679-йилларда вазиятдан фойдаланган Хитойнинг Тан империяси хоқонлик маркази Еттисувни босиб олади. Бироқ Ғарбий туркларнинг муттасил олиб борган курашлари натижасида, VII аср охирига келиб Ғарбий хоқонлик ўз мустақиллигини тиклайди. Хитой гумаштаси Хусрав Бўритош Еттисувдан ҳайдаб чиқарилади. Чочдан то Бешбалиқ ва Турфонгача бўлган вилоятларда дулу қабила иттифоқидаги туркашлар ҳукмронлиги ўрнатилади ва Туркаш хоқонлиги ташкил топади.

Турк хоқонлигида салтанат устидан олий ҳукмронликни “хоқон” олиб борган. Бу лавозим меросий бўлган. Хоқондан кейинги шахс “Ябғу” давлатдаги биринчи амалдор вазифасида бўлган. Тахт меросхўри “тегин” деб аталган. “Тудун” унвони юқорида таъкидлангандек ҳукмдорнинг жойлардаги ноибларига берилган. Туркий кўчманчиларнинг асосий қисми камбағал чорвадор ва овчилардан иборат бўлиб, бундай халқ оммаси “будун” ёки “қора будун” деб аталган. Мамлакат “будунлар” яшайдиган элларга бўлинган. Уруғ-қабиланинг номдор вакиллари “беклар” деб юритилган. Жамоани хоқон бошчилигидаги зодагонлар кенгаши – “курултой” бошқарган. Аҳолининг ижтимоий ҳамда хўжалик ҳаёти турлича бўлиб, кўчманчи туркларда уруғ жаоаси анъаналари ҳали кучли эди. Кўчманчиларнинг асосий қисми камбағал чорвадорлар эдилар. Улар ўз уруғи ва қабиласи доирасида оқсуяк табақага тобе ҳолда яйловма-яйлов кўчиб юрар эдилар. Катта худудларни эгаллаган хоқонлик бўдунлар яшайдиган элларга бўлинган эди. Элларни ҳарбий зодагонларнинг вакили “беклар” бошқарган. Кўчманчиларнинг асосий машғулоти чорвачилик ва йилқичилик эди.

Ғарбий Турк хоқонлиги аҳолисининг ҳаммаси ҳам кўчманчилардан иборат бўлмай, Етгисув ва унинг теварак атрофидаги ҳудудларда ўтроқ зироаткорлар истиқомат қиларди. Ушбу воҳаларда шаҳарлар ва қишлоқлар кўп бўлиб, аҳоли асосан деҳқончилик ҳунармандчилик ҳамда савдо-сотик ишлари билан шуғулланган. Мамлакатда деҳқончилик анча ривожланган. Асосан дон ва полиз экинлари экилган. Пахтачилик соҳасида ҳам юқори ҳосил етиштирилган. Турк ҳунармандлари ясаган зеб-зийнатлар, қурол-яроғлар хилма-хиллиги ва пухталиги билан машҳур эди. Фарғона, Чоч, Элоқда, Усрушонада, Суғдда олтин, мис, темир ва бошқа маданлар казиб олинарди. Турк хоқонлиги ҳудудларида транзит карвон савдо йўлининг ўтиши ички ва ташқи савдага таъсири кучли эди. Суғд садогарларининг мавқеи баланд, бўлиб, улар халқаро савдода асосий воситачи эдилар. VII асрнинг биринчи ярмида Бухоро ҳудуди савдонинг марказларидан бўлган. Пойкент “савдогарлар шаҳри” деб ном чиқарган. Ташқи савдода Хитой билан алоқа етакчилик қилган. Тарихий манбаларда бу даврда кўплаб савдо карвонлари юборилганлиги қайд қилинган. Биргина 627-647 йилларда Бухоро, Самарқанд, Иштихон таркибида элчилар бўлган бирлашган тўққизта савдо карвони Хитойга етиб борган.

Шундай қилиб, Ғарбий турк хоқонлигига бирлашган аҳолининг деҳқончилик ва савдо-сотик билан шуғулланган ўтроқ қисми маданий жиҳатдан илғор бўлиб, хоқонликнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида етакчи ўринни эгаллаган. Бироқ аҳолининг бу қисми ҳаётида мулкий табақаланиш кучайиб, ер майдонлари ва сув манбаларининг катта қисми мулкдор зодагон деҳқонлар қўлида тўпланмоқда эди. Зироатчи аҳолининг каттагина қисми зодагон деҳқонларга қарам кадиварларга айланиб бормоқда эди.

Турк хоқонлиги даврида юз берган мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият мамлакат ободончилиги, хўжаликнинг равнақи, шаҳарларнинг қиёфаси ва аҳолисининг турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатди. Ер эгаллиги муносабатларнинг жадаллашуви, кўчманчи чорвадор қабилалар ўтроқлашувининг кучайиши экин ерларга бўлган эҳтиёжни оширди. Шаҳарлар гавжумлашди. Қишлоқларда “кўшк”, “қаср”, “қўрғон” ва “қўрғончалар” номли истехкомли турар жойлар ташкил топди. Улар асосан марказий шаҳарларнинг теварак атрофида жойлашган эди.

Суғорма деҳқончиликнинг равнақи, ҳунармандчилик ва асбоб –ускуналарга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши, савдо-сотқининг авж олиши дастлабки шаҳарлар шаклланиши ва равнақига, айниқса ҳунармандчилик маҳаллаларининг кенгайишига таъсир қилди. Моваруннаҳр шаҳарларининг майдони унчалик катта бўлмаган. Масалан, Афрасиёб харобалари 216 гектар атрофида эди. Усрушона пойтахти Бунжикат 10 гектардан ошмаган, Эски Пойкент шаҳри девоирининг умумий узунлиги 2 км атрофида, Чочнинг асосий шаҳри Бинкент чегараси 5, Термизнинг умумий доираси 7-10 км атрофида, Жиззахнинг майдони ундан ҳам кичик бўлган.

Хитой манбаларида таъкидланишича Хоразм, Фарғона, Суғд, Чу водийсида Тупроққалъа, Бухоро, Самарқанд, Иштихон, Тошкент, Исфара, Қубо, Косон, Ахсикент каби ҳунармандчилик ва савдо-сотик тармоқлари гуркираб ривожланган шаҳарлари бўлган. Уларнинг кўпчилиги ташқи томондан деворлар билан ўраб олинган. Бу даврда, бир томондан, шаҳар аҳолисининг ортиб, унинг гавжумлашуви юз беради, иккинчи томондан, шаҳарлар атрофи ўзлаштирилиб, обод этилади.

Марказий шаҳарларнинг ташқи деворларига туташган жойларда ҳунармандчилик мавзелари – работлар пайдо бўлади. Уларда ҳунармандчилик маҳаллаларидан ташқари, карвонсаройлар, бозор, ибодатхона ва даҳмалар қад кўтарган. Карвонсаройлар Маворуннахрнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларида, балки транзит савдонинг юксалишида муҳим роль ўйнаган. Уларда савдо карвонлари қабул қилиниб, савдо кўргазмалари ташкил қилинган, савдо-сотик ва мол айирбошлаш амалга оширилган. Кўп ҳолларда улар қалъа, харбий турар жой, омборхона ҳамда маънавий-маданий марказ вазифасини ҳам бажарганлар. Илк ўрта асрларда шаҳарлар уч қисмдан, арк (подшо қасри жойлашган), шаҳристон (ички шаҳар) ва работлардан иборат бўлиб қолади. Шаҳарларнинг уччала қисми кўп ҳолларда ало ҳида деворлар билан ўраб олинади.

Шундай қилиб, илк ўрта асрлар даврида Ўрта Осиёда ерга эгалик қилиш муносабатлари шаклланиб, мустақамланиб борди. Сиёсий ҳаётда Эфталийлар давлати ва Турк хоқонлиги ҳукмронлиги ўрнатилди. Ҳунармандчилик суғорма деҳқончилик ва чорвачилик ривож топиб. Буюк ипак йўли орқали ташқи савдо ривожланди.

Илк ўрта асрларда Буюк ипак йўли равнақи туфайли Ўрта Осиё халқлари жаҳон тарихи жараёнига тортилиб, ўтроқ деҳқончилик воҳалари билан дашт халқлари маданиятлари ўзаро таъсири кучайди, бу диёрда илк ўрта асрнинг ўзига хос сирқирра ва ниҳоятда бой маданияти шаклланди ва ривожланди.

Бу юксак маданиятнинг сержило қирралари, айниқса, VI-VIII асрларнинг моддий маданият обидалари, диний эътиқодлар ва тасвирий санъат намуналарида ўз ифодасини топди. Бундай ўзгаришлар, айниқса, бинокорлик меъморчилик ва тасвирий санъатнинг айрим жабҳаларида кўринди. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Нахшаб, Тошкент каби деҳқончилик воҳаларида кўплаб истеҳкомли қасрлар ва зодагон деҳқон кўрғонлари қад кўтарди. Нахшаб воҳасидаги Заҳоки Марон, Бухородаги Шаҳри Вайрон, Хоразмдаги Алфир қалъалари, Суғд, Тоҳаристон, Фарғона ва Чочнинг шаҳар ва қалъалари шулар жумласидандир. Ушбу шаҳар ва қалъаларда деворлари турли тасвирлар билан безалган сарой ва ибодатхоналар қурилган. Бу давр бинокорлиги ва меъморчилигида, айниқса қасрлар алоҳида ўрин тутган. Уларнинг айримлар, ҳатто икки қаватли бўлиб, юқорисига махсус кўтарма – пандус орқали чиқилган. V аср охиридан бошлаб бинокорликда анъанавий хом ғишт ва пахса билан бир қаторда пишиқ ғишт ҳам ишлатила бошланган. Илк ўрта асрлар меъморчилигининг қурилиш ғоялари, муҳандислик ечимлари ва меъморий услублари Хоразм, Суғд, Фарғона, Чоч ва Тоҳаристоннинг шаҳар ва қалъалари мулкдор деҳқонларнинг кўрғонлари, ибодатхоналар, уларнинг ички нақшлари ҳамда тасвирий санъатда яққол намоён бўлади.

Илк ўрта асрларда қўшни мамлакатлар, айниқса Хитой, Ҳиндистон ва Эрон билан иқтисодий ва маданий алоқалар кенгайиб борди. Бу даврда Ўрта Осиёлик шишагарлар Хитой ҳунармандларига рангли шиша ва шиша буюмлар ясашни ўргатдилар. Хитой императорлари саройларини безашда Ўрта Осиёдан келтирилган рангли шишадан фойдаланганлар.

Бу даврда географик жиҳатдан бир-биридан узоқда жойлашган вилоятларнинг аҳолиси турли тилларда сўзлашган. Туркий халқлар қадимий ёзма маданиятга эга

бўлган халқлардан биридир. Турк хоқонлиги даврида суғд ёзуви, хоразм ёзуви оромий ёзуви билан бир қаторда қадимий туркий халқларнинг ёзуви, Ўрхун-Енесей ёзуви, Турк-Рун ёзуви, Кўк Турк ёзуви, Белга хоқон ёдномаси ва шу хилдаги ноёб топилмалар кенг ишлатилган. Яқинларга қадар туркий ёзув VI-VII асрларда шаклланган деб келинган эди. 1970-йил Алмати яқинидаги Иссиқ деган қадимги кўрғон-қабрдан милоддан аввалги биринчи минг йилликларнинг ўрталарига оид кўплаб буюмлар қатори кўмуш косача ҳам топилиб, унинг сиртида чизма шакллари қадимги туркий ёзувига ўхшаш битик борлиги аниқланди. Уни таниқли олим А.С.Омонжўлов томонидан ўқиб, талқин қилинди ва ушбу битик фанда “Иссиқ” ёзуви номини олди. Ушбу туркий қавмлар ёзуви тарихга оид қарашларимизни янада бойитди. Эндиликда топиб таҳлил қилинган ноёб ашёвий далиллар асосида туркий ёзувнинг тарихи милоддан аввалги II-I асрларга бориб туташи маълум бўлди.

Қадимги Туронзаминда чорвадор аҳоли ўртасида туркий тил муҳити ҳукмрон бўлса, ўтроқ аҳолининг катта қисми суғд тилида сўзлашуви ва суғд тилининг кенг муомалада бўлиши кузатилган. Бу даврда суғд тили ва ёзуви халқаро савдо тили сифатида Шарқий Туркистон ва Хитой ҳудудларигача кириб боради. Бизгача сақланиб қолган Суғд ёзувлари орасида Панжакент яқинида Қалъаи Муғдан, Шарқий Туркистонда Турфан шаҳри яқинида топиб ўрганилган ҳужжатлар, Самарқанднинг қадимий харобаси Афросиёбда қайд этилган деворий ёзувлар бетакрордир.

Шаҳарларда суғд ва туркий тилдан иборат икки тиллили расмий одат бўлганлиги Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарида таъкидланган. Бу ёзувларда буюк аждодларимиз ижод қилганлар, ўзларидан қимматли маданий, маънавий, мерос қолдирганлар. Суғдда саводхонликка интилиш жуда ҳам кучли бўлган. Хитой манбаларининг гувоҳлик беришича, бу ерда беш ёшга тўлгач ўғил бола ёзув ва ҳисобга ўргатилар, сўнгра улар йигирма ёшга кирганларида савдо ишларини ўрганиш учун ўзга мамлакатларга жўнатилар эди. Суғд ёзуви асосида уйғур ва турк ёзувлари шаклланган. Уйғур ёзувидан эса ўз навбатида кейинчалик мўғул ва манжур хатлари пайдо бўлади. Шубҳасиз бу табиий воқелик эди. Чунки, V-VIII асрларда Ўрта Осиё, Етгисув ва Шарқий Туркистон вилоятларида суғд тилининг амалий қатлами жуда кенг эди. Аҳоли суғд ва турк тилларида бемалол сўзлашган.

Турк хоқонлиги сиёсий жиҳатдан кўп халқларни бирлаштиргани сабабли турли диний эътиқоддаги аҳоли ёнма-ён яшаган. V-VIII асрларда Ўрта Осиёда зардуштий, будда, насроний (христианлик), моний ва қам (шомон) каби бир неча динлар мавжуд бўлган. Аммо аҳолининг катта қисми оловга топинувчи маъжусий эди. Оташпарастлик Хоразм, Суғд ва Чоч вилоятларида, айниқса, кенг тарқалган эди. Шаҳарларда маъжусийларнинг “вағн” деб аталган ибодатхоналари бўлган. Коҳинлар “вағнпат” деб юритилган. Муқаддас оташ “азархурра” деб аталган. У махсус оловхона – “оташкада”ларда кечаю-кундуз муттасил ёниб турарди. Оташкада мутаваллилари ўта зоҳид диндорлардан бўлиб, улар “атрабон” деб юритилган.. Зардуштийлик динида яратувчилик қудратига эга тангри – Ахурамазда бўлиб, у олам ва одамзоднинг, табиат ва жамиятдаги барча ходисаларнинг яратувчиси сифатида тарғиб қилинган. У зулмат, очлик ўлим, уруш, ёмон (гуноҳ) ишлар, разил ниятлар ва қабоҳатликларнинг ҳомийси Ахриман билан доим узлуксиз кураш олиб борган.

Илк ўрта асрларда аҳоли ўртасида будда динининг ҳам эътиқодий мавқеи паст

эмас эди, Гарчи у Суғдда деярли тарқалмаган бўлса-да, аммо Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида, хусусан, Тоҳаристонда, Фарғона ва Етгисувда ҳамда Шарқий Туркистонда кенг тарқалган эди. VI аср охири – VII аср бошларида айрим Фарбий турк хоқонлари будда динини қабул қилган, улар бутхоналар қурилишида ҳомийлик қиладилар. Тарихий манбалар маълумотларига қараганда VII асрда Балх шаҳрида юзта, Термизда ўнтача ва Кабодиёнда учта будда монастирлари бўлган. Уларнинг ҳар бирида биттадан то 50 нафаргача роҳиб (монах)лари бўлган. Илк ўрта асрга мансуб ибодатхоналарнинг қолдиқлари Фарғона водийсидаги қадимги Қува шаҳри харобаларида қазиб ўрганилди. Хитой Сайёҳи Сюан Цзаннинг маълумотларига қараганда, биргина Қошғарда бир неча юз будда ибодатхоналари бўлган. Уларда ўн мингдан ортиқроқ буддавий роҳиблар зоҳидлик билан ўз динлари йўлида хизмат қилганлар. Бу даврда Ўрта Осиёда насоро (христиан) динининг несториан таълимотига эътиқод қилувчи жамоаларнинг сони ҳам оз эмас эди. Самарқанднинг Ургут тумани Суғддагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда насороний тарғиботларнинг марказларидан ҳисобланарди. Афтидан, насоро дини Суғдга V-VI асрларда кириб келган, VI аср бошларида Самарқандда епископ, VIII асрда эса митрополит каби насоро динининг олий унвонидаги руҳонийлар насороний жамоаларига раҳномолик қилганлар.

Ўрта Осиё халқларининг ҳаётида зардуштий, насороний ва будда динлари асосида юзага келган моний дини ҳам анча чуқур илдиз отган эди. Бу диннинг асосчиси Бобиллик Моний деган тарихий шахс бўлиб, ўз тарғиботини Мидия ва Форсда бошлаган, VI-VIII асрларда бу мазҳаб тарафдорлари Ўрта Осиёда, Тоҳаристон, Суғд, Шарқий Туркистон ва Хитойда ҳам ёйилган. Тарихий манба маълумотларига қараганда ушбу дин Мурғоб воҳаси орқали Тоҳаристон, Суғд, Шарқий Туркистон ва Хитойга ёйилади. VIII асрда Хитой императори томонида моний дини “Фарбий мулк”ларнинг маҳаллий дини, Уйғур хоқонлигининг давлат дини деб эълон қилинади. Турк хоқонлигининг чорвадор аҳолиси қадимдан шомон динига сиғиниб келган. Қадимда турклар ўз динини “қам” деб юритганлар. VI-VIII асрларда Фарбий турк хоқонлигининг чорвадор аҳолиси ўртасида буддавий ва насороний жамоалари пайдо бўлиб, айрим Турк хоқонлари бу янги динларга ҳомийлик қилсалар-да, аммо чорвадор аҳолининг аксарияти ҳали “шомон” динига эътиқод қиларди. Бу дин коинотни йўқликдан бор қилган “кўк тангрига” эътиқод қилувчи тавҳид (якка худолик) дини ҳисобланарди.

V-VIII асрларда Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва меъморчилик билан бир қаторда тасвирий санъатнинг рассомлик ва ҳайкалтарошлик каби тармоқлари раванқ топган. Уларнинг айрим намуналари илк ўрта асрларда бино қилинган қаср ва саройларни беаган сиймо ва рамзий белгиларда намоён бўлади. Уларда илк ўрта асрлар даврида содир бўлган ижтимоий силжишлар ва сиёсий муносабатлар маълум даражада ўз аксини топган. Болаликтепа ва Қоратепа, Панжакент, Варахша, Афросиёб, Қува харобаларидан ҳамда бошқа ёдгорликлардан топиб ўрганилган деворий суратлар, ҳайкаллар ва ганчкори нақшлар ўша замон юксак санъатининг нодир асарларидандир. Уларда илк ўрта асрлар даврининг ўта мураккаб сиёсий муносабатлари тазйиқи остида юзага келган маънавий ва маиший ҳаётнинг омуҳталашиб кетган сермазмун ва беқиёс манзаралари тасвирланади.

Масалан, Болаликтепа деворий суратларида қўлларида қадах тутиб, ҳашаматли заррин либосларда жуфт-жуфт бўлиб пурвиқор ўтирган эркаклар ва аёлларнинг базми жамшиди тасвир этилган бўлса, Варахша саройида оқ фил устига минган филбон ва паҳлавонларнинг олд ва орқадан човут солаётган арслон ва қанотли грифонлар билан олишуви ёки суянчиқлари қанотли туя шаклида ишланган олтин тахт устида ўтирган ҳукмдор ҳамда оташдонда алангаланиб турган муқаддас оловни тиз чўкиб тавоб қилаётган зиёратчилар намойиш қилинган. Бундай мисолларни Панжакент шаҳар ҳаробалари ва Афрасиёб деворий суратлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Илк ўрта асрларда ҳайкалтарошлик ҳам ривожланган бўлиб, будда ва унинг қоҳинларининг ҳайкаллари кўплаб ясалган. Термиз яқинидаги Қоратепа, Фаёзтепа, Далварзинтепа, Фарғона водийсидаги Қува ва Кўрғонтепадан будданинг баҳайбат ҳайкаллари топилиб ўрганилган.

Муҳтасар қилиб айтганда илк ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Ерга эгалик қилиш муносабатлари шаклланиб, мустаҳкаланиб борди. Сиёсий ҳаётда Эфталийлар ва Турк хоқонлиги ҳукмронлиги ўрнатилди. Мамлакатда ҳунармандчилик суғорма деҳқончилик ва ирригация ишлари амалга оширилди, чорвачилик ривожланди, транзит савдо йўлларининг бу ҳудуддан ўтиши ички ва ташқи савдога ижобий таъсир қилди. Халқлар маданий ҳаётида қурилиш, меъморчилик хат-савод, диний эътиқодлар, тасвирий санъат ва мусиқа раванқ топиб, маданий алоқалар жонланди. Натижада илк ўрта асрларнинг маданий ҳаётини ўзида мужассамлаштирган ўзига хос сержило маданият яратилди ва ривожланди.

3-мавзу: Марказий Осиёга араб халифалиги босқини

Режа:

3. Араб халифалиги тарихига оид янги тадқиқотлар
4. Марказий Осиёда араб халифалиги масаласи

Араб халифалиги ўрта асрлар дунёсида жуда катта из қолдирган давлатлардан бири бўлиб, Ўрта Осиё, Яқин Шарқ, Шимолий Ҳиндистон, Шимолий Африканинг кўплаб давлатларини ўзига бўйсундириб, қудратли салтанат даражасига кўтарилган. Халифалик ўзининг ижтимоий-тадрижий тараққиёти давомида мураккаб зидиятли тарихий жараёнларни босиб ўтган. Арабларнинг кўпчилиги саҳро ва даштларда яшовчи кўчманчи туякаш чорвадор эди. Кўчманчилар бадавийлар деб аталарди. Воҳалардаги аҳоли деҳқончилик билан шуғулланган. Денгиз бўйлари, воҳаларда шаҳарлар қад рослаган бўлиб, уларда асосан савдо-сотик ва ҳунармандчилик билан шуғулланадиган аҳоли яшар эди. VI асрнинг ўрталарига қадар Арабистон ярим оролида яшаган қабила, уруғларнинг ҳаёт тарзи қолоқ бўлиб, уларнинг кўпчилигида ибтидоий-патриархал тузум ҳукм сурган. Арабистон ярим оролининг Қизил денгизига туташ воҳаси ва жанубий Яманда араб қабилалари асосан ўтроқ ҳаёт кечирган, савдо-сотик, ҳунармандчилик анча ривожланган. Арабистон ярим оролининг ғарбий қисмида Қизил денгиз соҳилларида қулоқ географик ҳудудда жойлашган иқтисодий ҳаётда бир мунча илгарилаб кетган эди.

Ҳижоз воҳасининг бош шаҳри – Макка халқаро қарвон савдосининг маркази

ҳисобланган. Табарийнинг маълумотларига қараганда Маккада доимий равишда катта-катта савдо карвонлари ташкил қилиниб, улар Миср, Византия Эронга томонга ҳаракат қилган. Савдо карвонлари йўлида жойлашган Маккадан ташқари Ясриб (кейинчалик Мадина), Тоиф, Хайбар каби шаҳарлар ҳам ривожланиб бориб, гавжум савдо марказларига айланган эди. Макка араб тарқоқ қабилаларини бирлаштиришда марказий ўрин тута борди. Негаки уруғ, қабилаларда кўпхудолик оташпарастилик ҳукмрон бўлиб, шу асосда тез-тез урушлар бўлиб турарди. Маккалик курайш қабиласи савдогарларининг турли минтақалар билан боғланганлиги бу ҳудудни ҳар жиҳатдан мавқеини кўтарибгина қолмай, шу билан бирга унинг тарқоқ қabila, уруғларни бирлаштириш, марказлашган кучли давлат тузишдаги етакчилик ўрнини ҳам тайин қилиб берган.

Шундай вазиятда Ислом тўғри ва ҳақ йўлни кўрсатувчи дин сифатида юзага келди. Бу диннинг асосчиси курайш қабиласининг нуфузли ҳошимийлар уруғидан чиққан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (570-632) дир. Муҳаммад алайҳиссаломнинг боболари Маккадаги Каъба ибодатхонаси калитининг нигоҳдори бўлган. Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарлик 40 ёшда насиб этган. Муҳаммад пайғамбарнинг таълимотига эргашганларни “муслим”, яъни ислом динига содиқ “итоаткорлар”, деб юритганлар. Ўз пайғамбарлик фаолиятини Муҳаммад Маккадан бошлаган. Бу ерда Каъба жойлашган эди. Каъбани Одам Ато барпо қилган бўлиб, уни Иброҳим пайғамбар ўғли Исмоил билан қайта куриб, биринчи ҳаж сафарини уюштирган. Каъбанинг ичида муқаддас тош “ҳажар – ул-асвод” ўрнатилган. Ислом таълимоти аҳолининг барча қатламлари манфаатларига мос бўлиб, тез орада тарқала бошлайди. Лекин янги дин тарафдорларининг аҳволи уларнинг эътиқодларига кўра оғирлашиб боргач, Муҳаммад 622-йил 16-июлда (баъзи адабиётларда 12-июлда дейилади) сафдоши Абу Бакр билан Маккадан Ясрибга кўчиб боради. Хижрат(арабча кўчиш) натижасида Маккадан Ясрибга кўчиб борганлар ислом тарихида “муҳожирлар” (кўчиб келганлар), исломни қабул қилган ясрибликлар эса “ансорлар” (ёрдамчилар) деб ном оладилар. Ясриб шаҳри Мадина (пайғамбарнинг шаҳри) номи билан аталадиган бўлади. Бу араб тилида “хижрат” деб аталиб, шу кундан бошлаб мусулмон оламида қабул қилинган хижрий йил бошланади.

Муҳаммад пайғамбар умрининг охирларига келиб кўп сонли араб қабилаларини ислом байроғи остида бирлашуви негизида Араб халифалигига асос солинди. Муҳаммад пайғамбар насроний йил ҳисобида 632-йил (хижрий йил ҳисобида 10-йили) 25-майда вафот этади. Пайғамбар вафотидан сўнг пайғамбарнинг ишончли ноиблари ёки ўринбосарлари (арабча – халифалар) Абу Бакр Сиддиқ (632-634), Ҳазрати Умар (634-644), Ҳазрати Усмон (644-656) ва Ҳазрати Али ибн Толиб (656-661) лар давлатни бошқарадилар. Шу тариқа тарихаа “араб халифалиги” пайдо бўлди. Халифалар ислом тарихшунослигида “Ал-Хулафо аррошидун”, яъни ҳақ йўлдан борган “саҳиҳ халифалар” деган ном билан шухрат топадилар. Улар ҳукмронлик қилган даврда Арабистонда ислом дини тўла ғалаба қозониб, тарихаа илк ўта марказлашган мусулмон давлати – Араб халифалиги ташкил топади (632-1258). Сўнг халифаликни 661-750-йилларда уммавийлар сулоласи қўлига ўтган. Ушбу сулолага Муовия бин Абу Суфён асос солган. Уммавийлардан сўнг халифалик тахти Аббосийлар (750-1258) қўлига ўтди. Сулоланинг асосчиси пайғамбарнинг амакиси

авлодидан бўлган Абул Аббос ал-Саффоҳ эди. Халифалик томонидан Миср, Сурия, Фаластин, Ироқ, Византия ва Ироқ, Эрон бўйсундирилиб, ислом жаҳон динларидан бирига айланади. Уммавийлар даврида Араб халифалиги ҳукмронлиги шу қадар катта ҳудудларга ёйилдики, унинг таркибига Фарбда Миср, шимолий Африка ерлари, Андалузия (ҳозирги Испания), шимоли-шарқда Кичик Осиёнинг катта қисми, Эрон ва Ўрта Осиё, шимоли-ғарбий Ҳинд сарҳадлари кирар эди. VII асрнинг иккинчи ярмида исломда рўй берган ихтилофлар натижасида иккита йўналиш-суннийлар ва шиалар пайдо бўлди.

Араб халифалигининг истилочилик юришларида Ўрта Осиё ерларини босиб олиш ва унинг халқларини итоатга келтириш, бу ҳудудда ислом динини ёйиш алоҳида ўрин тутди. VII аср ўрталарига келиб Эрон ҳудудлари эгаллангач, эндиликда халифалик эътибори Хуросон ва Ўрта Осиё ерларини босиб олишга қаратилади. Уларнинг Ўрта Осиёга ҳарбий юришларини ўз мақсад ва режалари билан икки даврга бўлинади. Биринчи давр 650/651-йиллардан бошланиб, 705-йилгача давом этади. Иккинчи давр 705-715-йилларни ўз ичига олади.

Арабларнинг Ўрта Осиёга ҳарбий юришлари 651 йилда Марвни фатх этиш билан бошланади. Сўнгра ҳозирги Афғонистоннинг шимоли, Эроннинг шимоли-шарқий қисми ва жануи Туркманистондан то Амударёгача бўлган ҳудудларни истило этадилар. Улар бу ҳудудларни Хуросон деб атайдилар. Араблар бу ерларда ўрнашиб олгач, Амударёдан шимолдаги бой вилоятларни “Мовароуннахр” яъни “дарёнинг нариги томони” деб атайдилар ва ушбу ҳудудларни босиб олишга тайёргарлик кўрадилар.

Бу даврда Мовароуннахрда феодал тарқоқлик ҳукмрон бўлиб, 15 дан ортик кичик –кичик давлатлар мавжуд бўлиб ўзаро урушлар бўлиб турарди. Араблар Амударё атрофидаги ҳудудларга бир неча бор ҳужумлар уюштириб, бу ерларнинг бойликларини талаб, ўлжаларни қўлга киритгач, ортга қайтадилар. Арабларнинг Мовароуннахрга дастлабки ҳужумлари натижасида 654-йилда Суғддаги Маймурғ, 667-йилда Чағониённи босиб олишдан бошланади. 673-йилда халифаликнинг Хуросон ноиб Убайдуллоҳ ибн Зиёд Амударёдан кечиб ўтиб, Бухоро вилоятига бостириб киради, Ромитон ва Пойкентни эгаллайди. Бухоро қамал қилинади. Бир неча кунлик қамалдан кейин шаҳар таслим бўлади. Араблар сулҳ имзолаб, юз минг дирҳам ҳажмида бож ундириб, шаҳарни талаб орқага қайтадилар. 675-676-йилларда Хуросон ноиб Саид ибн Усмон бошлиқ араблар Бухоро ва Самарқанд томон янгитдан юриш бошлаб Бухорони эгаллайдилар. Аммо суғдликлар бир ой давомида қамалга олинган Самарқандни ҳимоя қиладилар. Араблар суғдликлар билан сулҳ тузишга мажбур бўладилар, 3 минг кишини асрга олиб орқага қайтадилар. Булар Ўрта Осиё ерларини эгаллаш борасидаги дастлабки уринишлар эди.

Араблар томонидан Ўрта Осиёни босиб олишнинг иккинчи даври VIII асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Халифа Абдулмалик ибн Марвон 704-йилда Қутайба ибн Муслимни Хуросонга ноиб этиб тайинлайди. Унга Мовароуннахрдан то Хитой ҳудудларигача бўлган вилоятларни халифаликка бўйсундириш вазифаси юкланади. Ҳарбий юришни Қутайба 705-йилда Балх ва Чағониён вилоятлари атрофларини забт этишдан бошлайди. Қутайба катта тайёргарликдан кейин 707-йили Амударёдан ўтиб Пойкандни эгаллаш сари ҳаракатланади. 50 кунлик қамалдан кейин араблар шаҳарни

эгаллайдилар, кўлида қурол тутишга қодир эркаклар қириб ташланади, унинг бойликлари таланади. Қутайба ибн Муслим маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзаро келишуви ва иттифоқига изн бермай, Мовароуннаҳр ҳудудларини бирин-кетин эгаллайди. 708-709-йилларда у Бухоро ва унинг атрофидаги кўплаб қалъалар ва обод ерларни босиб олади. 710-йилда Қутайба Шуман, Нахшаб ва Кешни, 711-йили Хоразмни эгаллайди. Суғднинг бош шаҳри - Самарқанд 712-йилда эгаллангач, шаҳар вайрон қилинади, шаҳар ҳокими Тархун қатл этилади Самарқанднинг янги ҳокими Ғўрак (710-737) билан Қутайба ўртасида сулҳ битими имзоланади. Битимга кўра арабларга йилига 200 минг дирҳам товон тўлаш ҳамда 30 минг эркакни уларга бериш мажбурияти олинади. Жуда катта миқдордаги бойликлар ташиб кетилади. Шартномага биноан шаҳар маркази арабларга бўшатиб берилиб, у ерда улар масжид курадилар. Қутайба кейинги Смардарё бўйлаб юришларда 715-йилга қадар бўлган даврда Тошкент, Хўжанд, Фарғона, Шарқий Туркистон воҳаларини босиб олиб, Қашқаргача бўлган ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Бироқ унинг унинг фаолият узокқа бормайди. У халифа Сулаймон ибн Абдулмаликка қарши исён кўтаради. Исён мағлубиятга учрагач, 715-йилда у Фарғонада ўз аскарлари томонида ўлдирилади.

Шундай қилиб, ўн йил давомида олиб борилган қонли уруш оқибатида араблар дунёнинг энг қадимий ва маданий ўлкаларидан бири Мовароуннаҳрни ўз мустамлакаларига айлантирадилар. Араблар томонидан ўлкани забт этиш жар аёнида унинг деярли барча обод деҳқончилик воҳалари оёқ ости қилиниб, кўп шаҳар ва қишлоқларга ўт қўйиб, вайрон этилди. Марв, Пойканд, Бухоро ва Самарқанд каби шаҳарларнинг шахристонни, деҳқончилик воҳалардаги энг унумдор ерларнинг ва сув иншоотлари катта қисми арабларга ихтиёрига ўтди. Маҳаллий аҳоли турли хил жамоа ишларига мажбуран жалб қилинди.

Мовароуннаҳрни эгаллаган араб ҳукмдорлари халққа зулмни кучайтириш мақсадида бу ерда сосонийларнинг солиқ тартибини жорий этдилар. Араб халифалиги ҳазинасига тўланиши мажбурий бўлган марказлаштирилган солиқ турлари қуйидагича бўлган: Хирож – арабча – “чиқим, харажат, сарф-солиқ”; ер солиғи – даромаднинг учдан бир қисми миқдорида ундирилган; Ушр – арабча “ўндан бир” – давлат идора ишлари учун даромаднинг ўндан бир ҳажми ҳисобида олинган; Жузья (жон солиғи) – , аҳолидан озиқ- овқат, хомашё ёки пул ҳисобида йиғилган; Закот – арабча – “тозаланиш” – мол-мулкнинг 2,5 фоизи миқдорида олинган.

Булардан ташқари аҳолига кўплаб маҳаллий ва мавсумий солиқ ва мажбуриятлар ҳам юкланган.

IX аср яшаб ўтган араб тарихчиси Хўрдодбехнинг кўрсатишича, халифаликка фақат хирож солиғи ҳисобига Суғд вилояти 326 минг, Фарғона 280 минг, Уструшона 50 минг, Шош 607 минг дирҳам солиқ тўлаган. Бухорога белгиланган хирож солиғи миқдори бундан ҳам кўп бўлган. Маҳаллий аҳоли бу солиқларни мунтазам тўлаб боришга мажбур этилган. Араблар дастлаб жузья солиғини мусулмон динига кирмаган одамларга жорий этганлар. Бироқ кейинчалик ҳамма ислом динига кира бошлагач, бу солиқ барча ерли аҳолига баб-баробар солина берган.

Мовароуннаҳр босиб олингач араблар ўз ҳукмронликларининг сиёсий негизини мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлашда ислом динини кенг ёйишга ва тарғиб қилишга катта эътибор бердилар. Маҳаллий аҳоли эътиқод қилаётган

зардуштийлик монийлик буддизм, насроний ва бошқа динлар сохта деб эълон қилинди. Ислом дини ва унинг рукнларининг маҳаллий халқ орасида ёйилиши ниҳоятда қийин, мураккаб кечган Араб маъмурлари бу соҳада кўп ҳолларда зўрлик зўравонлик ва куч ишлатиш йўли билан маҳаллий аҳолини исломни қабул қилишга ундаганлар. Араб истилочилари забт этилган Ўрта Осиё ҳудудларида қаттиқ қўллик билан араблаштириш сиёсатини олиб бордилар. Ушбу мақсад йўлида улар кўп минглаб араб қабила, уруғларни Ўрта Осиёга кўчириб келтириб, энг яхши ерларни уларга зўрлик билан олиб берганлар. Мовароуннахр ҳудудларида араблар эгаллаб олган ерлар ҳозиргача ҳам “араб қишлоқ”лари номи билан сақланиб қолган. Зиёд ибн Абу Суфиён давридаёқ ўлкага 50 мингдан ортиқ араб аҳолиси Басра, Куфа атрофларидан кўчириб келтирилган. Жумладан, дастлабли пайтлардаёқ қурайш қабиласининг 5 мингдан ортиқроқ аҳолиси Самарқанд атрофидаги деҳқончилик учун қулай бўлган ҳудудларга жойлаштирилган.

Араб халифалигининг Ўрта Осиёда юритган мустамлакачилик сиёсати, ерли аҳолининг барча ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум этилиши, зулм ва ислом дини, халифалик қонун-қоидаларининг зўрлик билан жорий этилиши, шубҳасиз маҳаллий халқ орасида норозиликнинг кучайишига олиб келди. Бу ҳолат ўлканинг турли ҳудудларида араблар зулмига қарши қўзғолонлар кўтарилишига сабаб бўлди.

720-722 йилларда Суғдиёнада юз берган Самарқанд ҳукмдори Ғўрак ва Панжикент ҳокими Диваштич бошчилигидаги қўзғолонлар араблар босқинига қарши дастлабки шиддатли халқ ҳаракатларидан бири бўлган. Суғдликларнинг озодлик курашини турклар қўллаб-қувватлаганлар. Еттисувдан Туркаш ҳокон шахзода Курсул бошчилигида катта қўшинни ёрдамга юборган. Суғдликларнинг бирлашган кучлари арабларга қарши муваффақиятли жанглар қилиб, бир қатор зарбалар берганлар. 721-йилда Хуросонга ноиб этиб тайинланган Саид ибн Амр Ал-Хороший қўзғолончиларга қарши кескин чоралар кўрган. Суғдликлар Фарғона томонга кўчишга мажбур бўлганлар. Бироқ суғдликларнинг Хўжанд атрофига етиб келган гуруҳи Саид ал-Хорошийнинг мунтазам қўшинлари томонидан шафқатсизликларча қириб ташланган. Баъзи маълумотларга қараганда уч минг, яна бошқаларида эса етти минг одам ҳалок бўлганлиги таъкидланади. Саиб Ал-Хороший Панжакент ҳокими Диваштич бошчилигида Зарафшон бўйлаб тоғлар ошиб Обгар (Обаргар) қалъаси олдига етиб келган суғдларни тугатиш учун Сулаймон ибн Абуссари бошчилигида катта қўшин жўнатади. Араблар қалъани эгаллайдилар. Қўзғолон бостирилгач омон қолиш шарти билан қўлга олинган Диваштич ҳам Арбинжонга олиб бориб қатл этилади, унинг боши Ироқ ҳокимига юборилиб танаси зардуштийларнинг хилхонаси – новус деворига қоқиб қўйилади.

Халифаликнинг оғир солиқ сиёсатига қарши Самарқанд, Бухоро, Хутталон вилоятларида 725-729 йиллар давомида қўзғолонлар кўтарилган. Хуросон ноиб бу қўзғолонларни бостира олмайди. Халқ ҳаракатлари кенг авж олиб, бутун Мовароуннахр, Хуросонга ва Хутталонга ёйилади. Қўзғолончилар турклар ёрдами билан арабларни мамлакатдан ҳайдаб чиқара бошлайдилар. Мовароуннахрда араблар ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Хуросон ноиб Ашрос ибн Абдуллоҳ исломни қабул қилганлардан хирож ва жизья солиқларини олмасликка қарор қилди. Зодагон деҳқонларнинг кўпи ўз чокар ва кадиварлари билан бирга исломни қабул қилиб,

араблар томонига ўтадилар. Шу тариқа Суғдда халифалик ўз мақеини бир мунча мустаҳкамлаб олишга муваффақ бўлади. Бироқ халифаликнинг шарқда вазият кескинлигича қолади. Тоҳаристон ва Суғдда 736-737-йилларда янгитдан кучли кўзғолон кўтарилиб, ўз сафига аҳолининг турли ижтимоий қатламларини жалб этди. Кўзғолон ўз сафига аҳолининг турли ижтимоий қатламларини жалб этди. Хуросон ва Мовароуннахрнинг янги ноиб Наср ибн Сайёр (738-748) кўзғолонни бостириш учун Суғд, Фарғона, Чоч ва Фарғонага харбий юришлар қилади. Унинг олиб борган уддабурон сиёсати туфайли кўзғолон ҳаракатлари бартараф этилади. Мамлакатда ўз мақеини мустаҳкамлаш учун молия ислоҳотини ўтказди, исломни қабул қилганларни жазъя солиғидан озод этади, ер эгаларининг эътиқодидан қатъий назар, хирож тўлаш шарт қилиб қўйилади, халифалик томонига ўтган йирик деҳқонларнинг аввалги имтиёзларини тиклайди.

Муҳтасар қилиб айтганда VIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннахрда арабларга қарши кўтарилган халқ кўзғолонлари истилочиларга қарши курашнинг биринчи босқичи эди. Кўзғолончиларнинг ижтимоий таркиби ҳам, уларнинг олдига қўйган мақсад ва талаблари ҳам турлича эди. Озодлик курашининг бу босқичида турли табақа вакиллари ўз эътиқоди ва динини сақлаб қолишдек мақсад бирлаштирган эди.

Мамлакатда араблар ҳукмронлигига қарши халқ кўтарилиши авж олаётган бир даврда халифаликнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида ҳам кескин ўзгаришлар пайдо бўлиб, уммавийлар хонодонига нисбатан норозилик кучайиб кетди. Мамлакатдаги сиёсий вазият Уммавийлар сулоласи халифаликни бошқаришга ярамай қолганлигидан, бу сулола умрининг тугаб бораётганидан далолат берар эди. Оқибатда уммавийларга қарши рақиб гуруҳлар пайдо бўлган эди. Улар уммавийларни расулуллоҳ авлодини қириб ташлашда айблаб, халифаликни аббосийларга топшириш керак деган даъвони илгари сурадилар. Ана шундай гуруҳлардан бири аббосийлар эди. Шу муносабат билан Муҳаммад авлодидан бўлган аббосийларнинг ҳокимият тепасига келиши эътиқоди мустаҳкам ислом йўлининг тикланишидир, деб талқин қилинди. Уммавийларга қарши умумий норозилик айниқса, VIII асрнинг 40-йилларида халифа Марвон II (744-750) ҳукмронлиги даврида ниҳоятда кучаяди. Уммавийларга қарши ҳаракатга аббосийларнинг нуфузли вакиллари Имом Иброҳим ибн Муҳаммад бошчилик қилади. Аббосийлар ғояси ҳаракатини тарғибот ва ташвиқот қилиш учун, бу гуруҳнинг энг ишончли ва содиқ вакиллари халифаликнинг барча ҳудудларига юборилади. 746-йилда аббосийлар ҳаракатига бошчилик қилиш учун Абумуслим (асли исми Абдурахмон ибн Асад) Хуросонга юборилади. Унга “Пайғамбар хонодонининг ишончли вакили” деган унвон берилади. У Марв шаҳри яқинидаги Сафизанж қишлоғини кейинчалик Мохувон қалъсини ўзига қароргоҳ қилиб олади. Тимқора ранг аббосийлар ҳаракатининг тимсоли сифатида эътироф этилади. Дастлаб араб зодагонлари, сўнгра маҳаллий деҳқонлар, ҳунармандлар Абу муслимни қўллаб қувватлайдилар. Бу ҳаракат Хуросон, Мовароуннахр ва Тоҳаристон вилоятларида кенг тарқалади. Абумуслимнинг қора тусдаги байроғи остида тўпланган кўзғолончилар сони кун сайин ортиб боради. 744-йилнинг ёзида Абу Муслим уммавийларга қарши аҳолини очик курашга даъват этади. Хуросон ноиб Наср ибн Сайёр Абу Муслим кўшинлари билан жанг қилишга журъат этмай 748-йилнинг бошида пойтахт Марвни

қўзғолончиларга жангсиз топширади. 749-йилда Абумуслим бошчилик қўзғолончилар халифаликнинг бош шаҳри Дамашқни эгаллайдилар. Натижада уммавий Марвон II тахтдан ағдарилади. Унинг ўрнига аббосийлар хонадонидан бўлган Абдулаббос Саффоҳ (749-754) халифалик тахтига ўтиради. Аббосийларнинг ҳокимиятга келишида, шубҳасиз, ўз даврининг йирик сиёсий арбоби ва саркардаси Абумуслимнинг хизматлари ниҳоятда буюк эди. Мамлакатни идора этишда араблар мулкдор зодагон табақа вакиллари таяндилар. Аввалобор улар аббосийларни ҳокимият тепасига олиб чиққан ҳаракатнинг йўлбошчиси Абумуслим ва уммавийларга қарши курашда жонбозлик қилган Холид ибн Бармоқ каби ҳарбий ва сиёсий арбобларни халифаликнинг турли лавозимларига тайинлайдилар. Юқори лавозимларга тайинланган Абумуслимнинг халифаликда шуҳрати ва обрўси баланд эди. Кейинчалик Абумуслим пойтахтдан узоқлаштирилиб, Хуросон ва Мовароуннаҳрга ноиб қилиб юборилади. 755-йили Абумуслим халифа Абужаъфар Давонақий (754-775) томонидан пойтахтга чақирилиб, хиёнаткорона ўлдирилади. Унинг ўлдирилиши Хуросон ва Мовароуннаҳрда аббосийларга қарши халқ ҳаракатларининг авж олишига туртки бўлди.

Араб истилочилари зулмига қарши Мовароуннаҳрдаги энг катта қўзғолон 769-йилда бошланди. Бу қўзғолон тарихаа “оқ кийимлилар” ёки қўзғолон раҳбарининг номи билан Муқанна қўзғолони деб юритилиб, бутун Ўрта Осиё ҳудудларига тарқалади. Муқанна “ниқобдор”, “пардали” маъноларни англатади Муқаннанинг асл исми Хошим ибн Хақим бўлиб, унинг исми ва шахси тўғрисида ёзма манбаларда турлича маълумотлар келтирилади. Жумладан, Якубийнинг таъкидлашича уни Хошим ул Аъвар (бир кўзли), яъни бир кўзли Хошим деб атаганлар. Наршахий “Бухоро тарихи” Муқаннани жуда хунук боши кал, бир кўзи кўр бўлганлиги сабабли ҳамиша боши ва юзини кўк парда тутиб юрарди деб таърифлайди. У саводли, ақли ва тадбиркор бўлган. Хуросон ноиблигида кичик лашкарбошилиқдан вазирликка қадар кўтарилган. Муқанна Маздак ғояларининг илҳомчиси сифатида фаолият кўрсатиб, ижтимоий тенглик ва эркин ҳаётга даъват этувчи таълимотни тарғиб қилиб, ўзини пайғамбар деб эълон қилган. У арабларни Ўрта Осиё ҳудудларидан ҳайдаб чиқариш ғояларини тарғиб этгани учун халифа Ал-Мансур томонидан у Боғдод зиндонига ташланган. 769-йилда зиндондан кутулиб, Марвга келган Муқанна халқ ҳаракатига бошчилик қилади. Ўрта Осиёнинг турли вилоятларига ўз тағиботчиларини юборади. Муқанна ғояларига ихлосманд ва тарафдор кучлар, айниқса, Суғдда кўпчиликни ташкил қиларди. Муқанна 36 мухлиси билан Амударёнинг ўнг қирғоғига ўтиб, Кеш яқинидаги Сом қалаъсини ўз қароргоҳига айлантиради. Тез орада оқ кийимлилар ҳаркати кенгайиб катта қўзғолонга айланади. Уни доврўғи Хуросонга қадар бориб етади.

Оқ кийимлилар қўзғолонидан даҳшатга тушган халифа Абу Жаъфар 775-йилда Жаброил ибн Яхё бошлиқ катта ҳарбий кучни Мовароуннаҳрга юборади. Аммо қўзғолончилар Самарқанд остоналарида бу кўшинни енгадилар. Натижада Нахшаб, ва Чағониён водийлари қўзғолончилар қўлига ўтади. Қўзғолон 776-йилдан Бухоро воҳасида кучайиб кетади. Бу Бухоро учун катта ҳавф эканлигини яхши билган Араблар 776-апрелида Самарқанд ноибни араб қўмондони Жаброил ва Бухоро амири Хусайн ибн Маознинг бирлашган кучлари оқ кийимлилар қўрғони Наршахни эгаллайдилар.

Қўзғолончилардан 7000 киши ўлдирилади. Қўзғолон йўлбошчиларидан Ҳаким ибн Аҳмад ва Хишрийлар қатл қилинади. Натижада Кеш ва Самарқанд қўзғолоннинг асосий марказларига айланади. 777-йилда оқ кийимлиларга зарба бериш учун халифа Маҳайй Нишопурга келади ва Хуросон ноиб Маоз ибн Муслим ва Хирот амир и Саид Хороший кўмондолигида катта кўшин тўпланиб, Самарқандга юборилади. 777-778-йиллар мобайнидаги оғир жанглардан кейингина Самарқанд араблар томонидан ишғол қилинади. Оқ кийимлилар Наршах ва Самарқандда мағлубиятга учрагач, сотқинлик йўлига ўтиб, арабларга ёрдам берадилар. Улар араблар томонида туриб Муқаннага қарши Кешга томон ҳарбий юриша қатнашадилар. Муқаннанинг қароргоҳи Сом қалъасини қамал қиладилар. Узоқ давом этган қамалдан сўнг холдан тойган оқ кийимлилар таслим бўлишга мажбур бўладилар. Шу тариқа қўзғолон енгилади ва Муқанна ҳалокатга учрайди. Тарихчи Табарийнинг ёзишича, Муқанна ўз ҳалокатининг муқаррлигига кўзи етгач, заҳар ичган. Шундай қилиб, ўн йилдан ошиқроқ давом этган ва Араб халифалигин ларзага келтирган Мовароуннахр халқининг Муқанна бошчилигидаги озодлик учун араб босқинчиларига қарши қўзғолони шу тариқа тугайди.

Аммо бу билан араб истилочиларига қарши кураш тўхтаб қолмайди. Муқанна қўзғолонидан 20 йил ўтар-ўтмас, 806-йилда Суғдда Рофе ибн Лайс бошчилигида халифаликка қарши қўзғолон кўтарилади. Самарқандда бошланган қўзғолон Мовароуннахрнинг қатор вилоятларига ёйилади. Уни бостириш учун халифалик томонида кўрилган чора-тадбирлар натижа бермагач, Хуросон ноиб Маъмун маҳаллий зодагонлардан ёрдам сўрайди. Сомонхудо, унинг набиралари Нўх, Аҳмад Илёс ва Яхёларнинг ёрдами билан қўзғолон бостирилади.

Хуллас, VIII аср бошларида Араб халифалиги томонидан Мовароуннахр истило қилинди. Босиб олинган ерларда ислом дини ёйилиб, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти халифаликнинг тартиб-қоидаларига итоат этдирилди. Араблар босқинига қарши халқ қўзғолонлари бешафқат бостирилди.

4-мавзу: IX-XII аср Ўзбекистон ҳудудида сулолалар бошқаруви **Режа**

1. Сиёсий тарихга оид тадқиқотлар
2. Иқтисодий ва маданий тарих масалаларинг ёритилиши

Истиқлол йилларида мамлакатимиз тарихчилари томонидан ўтмиш воқелиги, унда кечган турли жараёнларни ҳолис равишда ўрганиш, таҳлил этиш натижасида кўплаб аҳамиятга молик тадқиқотлар амалга оширилди, тарихнинг очилмаган саҳифалари ўрганилди, бир ёқлама талқин этилган масалаларга тегишли ойдинлик ва аниқликлар киритилди. Шу билан бир қаторда ҳали тарихчи олимлар олдида Ватан тарихининг кўплаб тадқиқ этилиши лозим бўлган масалалари ҳам борки, улар орасида ўрта асрлар, хусусан IX—XII асрларда ҳукмронлик қилган сулолалар тарихи ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатимиз давлатчилиги тарихида бу ҳолни Ғазнавийлар сулоласи мисолида ҳам келтириш мумкин.

Собиқ совет даври тарихшунослигида Ғазнавийлар, хусусан мазкур давлатнинг энг ёрқин намояндаси Маҳмуд Ғазнавий туғрисида умумий ҳамда бир ёқлама салбий қараш устунлик қилган. Дарслик ва адабиётларда Маҳмуд Ғазнавийни асосан «та-

лончи», «зўравон ҳукмдор» деб кўрсатиш одат тусига кирган.¹

Мустақиллик йилларига келиб ушбу масала моҳиятини илмий жиҳатдан замонавий талқин этиш бошланди. Бу борада илмий-публицистик характердаги Маҳкам Андижонийнинг мақоласини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу мақола гарчи шу йўналишдаги илк чиқиш бўлса-да, лекин унда кўпроқ публицистик характер устунлик қилган ҳамда масала моҳиятининг тарихи илиқ, холислик жиҳатлари анча суст акс этганлигини таъкидлаш лозим.¹ Мазкур жиҳатлар илмий асосда, тарихий манбаларга тўлақонли таянган ҳолда ёзилган Азамат Зиёнинг монографиясида ўз аксини топган бўлиб, масаланинг долзарблик жиҳатларига катта эътибор берилган.²

Мавзунинг манбашунослигига тўхталганда Маҳмуд Ғазнавий Ғазнавийлар тарихи аксарият Абулфазл Байҳақийнинг «Тарихи Маъсудий» асаригагина ўз аксини кўпроқ топганлигини таъкидлаш жоиз.

Шу билан биргаликда Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чахор мақола» ва бошқаларда Маҳмуд Ғазнавий ва у барпо этган давлат хусусида тегишли маълумотлар учрайди.

Маҳмуднинг отаси Сабуктегин асли Сир дарё бўйларида яшаган барсхон туркий қабиласига мансуб бўлиб, ёшлигида асир олиниб, сўнгра қул қилиб сотилган эди. Сомонийлар давлатидаги туркий аскарлар қўшинида хизмат қилган Сабуктегин 977 йилдан бошлаб Ғазна ва унинг атрофларини Сомонийлар ноиби сифатида бошқаради. Бу вақтга келиб Сомонийлар сулоласи инқирозга юз тутган бўлиб, Сабуктегин расман ноиб бўлса-да, ўзини мустақил ҳокимлардек тутарди. Шижоаткор саркарда Сабуктегин айнан Сомонийлар амири Нух II (976-997 й.)нинг душманларига қарши курашда ёрдам бериб, «Носириддин ад-давла» (Давлат ва дин химоячиси) ўғли Маҳмуд эса «Сайф ад-Давла» (Давлат шамшири) деган шарафли номларга сазовор бўлишади.

Сабуктегиннинг таъсири мамлакат ичида тез орада шу қадар кучайиб кетдики, унинг қаршисида Нух II тахтда расман ўтирган, аслида заиф ҳукмдорга айланиб қолди.

Нух II нинг вафотидан сўнг Сомонийлар ҳокимият тепасига унинг ўғли Мансур II ибн Нух (997-999) келди. Тарихчи Абулфазл Байҳақий «Тарихи Маъсудий» асарида бу хусусда шундай ёзади: «Абул Хорис Мансур ибн Нух гўзал чеҳрали, сўзамол, жасур, аммо сержаҳл йигит эди. Ҳамма ундан кўрқиб-қакшаб турарди. У давлат ишини моҳирона бошқара бошлади». Тез орада, Нишопур ҳокими Бегтузун билан Балх ноиби Маҳмуд Ғазнавий орасида Нишопурга эгалик хусусида низо чиқди. Маҳмуд катта ўғил сифатида Ғазнага қонуний ворис ҳисобланишига қарамасдан, қариган Сабуктегин ўлими олдидан кичик ўғли Исмоилни ўз ўрнига тайинлайди. 997 йили отаси вафот этгач, Исмоил ҳокимлик лавозимида етти ойгина ўтирди. Зодагон ва ҳарбийларнинг қуллаб-қувватлаши билан 998 йили Маҳмуд Ғазнавий ҳокимиятни эгаллади. Натижада, унинг 30 йилдан зиёд (998-1030) давом этган узоқ ва барқарор ҳукмронлик даври бошланди.

Сомонийларга хизмати синган, Мансурнинг душманларига қарши анча куч сарфлаган Маҳмуд учун бу ўзига хос адолатсизлик эди. Чунки Нишопурга эгалик қилишни Маҳмуд айнан ўзига тегишли деб ҳисобларди. Мансур иккала ҳокимни яраштириш мақсадида Марвга йўл олади. Мансур билан Маҳмуднинг учрашишидан

хайикқан Бегтузун ва амир Фоик хиёнаткорона тарзда Мансурнинг кўзини кўр қилиб, Бухорога жўнатишди. Шундан сўнг Бухоро тахтига 999 йили Мансурнинг укаси Абдулмалик II эгалик қилади. Бундан ғазабланган Маҳмуд Хуросонга кўшин тортади ва уни буткул Сомонийлар давлатидан ажратиб олди. Орадан кўп ўтмай Сомонийлар давлати Қорахонийлар сулоласи қўлига ўтиб, охириги амир ҳам зиндонбанд қилинади. Шундай воқеаларга бой 999 йили Бағдод халифаси ал-Қодирбиллох Маҳмуд Ғазнавийга «Яминуд-давла ва аминул-милла» (Мусулмон давлатининг ўнг қўли ва миллатнинг омонлиги) деган фахрий унвон ва Хуросон ҳокимлигига ёрлик, байроқ ва ноғора юборади. Ўз навбатида, Маҳмуд Ғазнавий ҳам Аббосийлар халифасини расман тан олиб, уни пайғамбар авлоди сифатида қадрлайди. Бу эса Маҳмуд Ғазнавий давлатининг тўлиқ мустақиллигидан дарак берар эди. 1001 йилдаги Қорахонийлар хони Наср Элокхон билан ўзаро келишувига биноан Амударё чегара сарҳад қилиб белгиланди. 1002 йили эса Маҳмуд Эроннинг Сейистон вилоятини қўлга киритади. Таъкидлаш жоизки, Сейистон мусулмон оламининг бошқариши мураккаб бўлган турли хавфли оқим ва йўналишлар макони эди.

Айни пайтда, сунний мусулмонлар ҳамда Бағдод халифасига хавф туғдирадиган маскан эди, десак ҳам муболаға бўлмайди. Сейистоннинг собиқ ҳукмдори Халиф ибн Аҳмад тахтга даъвогар ўғли Тохирни ўз қўли билан ўлдирилишини Маҳмуд Ғазнавий катта жиноят, мусулмонликка хилоф ҳаракат, деб баҳолайди. 1006-1008 йилларда Қорахоний Қодирхон Маҳмуд Ғазнавий йўқлигидан фойдаланиб, Хуросонга юриш қилади. Бундай ҳол икки бор такрорланиб, Маҳмуд ҳар иккала ҳолатда ҳам Қодирхон кўшинларини тор-мор келтиради ва Хуросондан ҳайдаб чиқаради. 1010-1011 йилларда Ғур вилоятига юриш қилиб, унинг ҳокими ибн Сурийни асир олади. Кейин Ғарчистонни (Марв ва Хирот оралиғидаги ҳудуд) эгаллаб, подшоҳ Шаррни ҳам банди қилади. 1015 йилда эса ҳозирги Афғонистоннинг чекка тоғли ҳудуди Ҳамовандни босиб олади. 1002-1026 йиллар мобайнида Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга 17 маротаба юриш қилади. Шубҳасиз, бу юришларда султон кўплаб бойликларни қўлга киритади, ўнлаб шаҳар-кишлоқларни вайрон қилади. Биргина 1019 йилги юришда 350 та фил, 57 мингта асир, беҳисоб бойликларни ўлжа сифатида қўлга киритган.

Маҳмуд Ғазнавий Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмунни (1009-1017 й.) ўзига куёв қилиб олиб, тез орада таъсирини Хоразмга ҳам ўтказиш тараддудига тушади. Бу вақтга келиб, Хоразм юксак дехқончилик маданиятига эришган, мусулмон дунёсида илм-фан маркази, юксак салоҳиятли олимлар юрти сифатида ҳам донг таратган эди. Хоразм Маъмун академиясида эса, ўнлаб улуғ олимлар, жумладан, Абу Райхон Беруний ва Абу Али ибн Сино каби алломалар самарали ижод қилишган.

Аввалига Ғазнавий элчиси, кейин Султон Маҳмуднинг ўзи Маъмунни сиқувга олиб, ундан қарамликни талаб қила бошлайди. Бир тарафдан Маҳмуд Ғазнавий, бошқа тарафдан атрофдаги аъёнлари ҳамда зодагонлар томонидан қаттиқ қистовга олинган Хоразмшоҳ, 1017 йил баҳорида сарой фитнаси қурбонига айланади. Натижада, Маҳмудбу воқеаликни баҳона қилиб катта кўшин билан келиб, Ҳазорасп ёнидаги жангда Хоразм кўшинини мағлубиятга учратади. Хоразмдан кўплаб бойликлар билан бирга, фан ва маданият арбоблари ҳам Ғазнага кўчириб келтирилади. Улар орасида улуғ олим Абу Райхон Беруний ҳам бор эди. Хоразмга эса султоннинг собиқ бош ҳожиби Олтинтош ноиб этиб тайинланди.

Қорахонийларнинг ўзаро тафовутларидан фойдаланган Маҳмуд Ғазнавий 1024 йили Амударё бўйларига юриш қилиб Қободиён, Хутталон ва бошқа чегарадош вилоятларни ўз давлати таркибига киритади. XI аср тарихчиси Гардизий «Зайнул ахбор» асарида Маҳмуд Ғазнавий билан Тамғачхон Қодир Қорахонийнинг юзма-юз учрашуви ҳақида ҳикоя қилади. Учрашув 1025 йили Самарқанд жанубидаги бир жойда бўлиб ўтади. Шундан сўнг Султон Мовароуннаҳр ишларига янада кўпроқ аралаша бошлади.

Шиа мазҳабидаги Буваҳийлар сулоласи ҳукмронлигига чек қўйган султон Маҳмуд Ғазнавий 1029 йили Рай ва Жилобни ҳам ўз мулкига қўшиб олади. Натижада, Маҳмуд Ғазнавий мусулмон шарқидаги энг йирик ва қудратли давлат соҳибига айланади. Ал-батта. Маҳмуд Ғазнавий ўз даврининг фарзанди бўлиб, мураккаб ва зиддиятли вазиятлар, қарама-қаршиликларга бой бўлмиш ўрта асрларда ҳукмдорлик қилган. Бу ҳол унинг барча саъй-ҳаракатлари, ички ва ташқи сиёсатида яққол намоён бўлган.

Ғазнавийларнинг машҳур султони X аср охирлари, XI аср бошларида Ўрта Шарқда юзага келган сиёсий, ижтимоий, маънавий-диний аҳволни таҳлил этишга ҳаракат қилади. Шу даврда мусулмон оламида турли диний оқим ва мазҳаблар, ҳар хил йўналишлар ҳаракати кучайиб кетди. Улар орасида ихтилофлар, диний айирмачилик кайфиятидаги карматлар ва айниқса, шиаликнинг ўта сўл оқими исмоилийлик кўринишида хавfli эди. Мазкур оқимлар тинч ҳаётга раҳна солар, ўзаро кўрқув ва ваҳимани кучайтириб, кўплаб бегунох кишиларга зарар етказар эди.

Анъанавий сунний оқимига қарши турли диний гуруҳлар кўпроқ Ҳиндистон билан чегарадош чекка вилоятларда ўз фаолиятларини кучайтириб юборадилар. Жумладан, Мўлтон (ҳозирги Покистон ҳудуди) ҳокими Абул Футуҳ Довуд ибн Наср янги мазҳабга асос солиб, ўз аҳолисини унга даъват эта бошлайди. Пайғамбар йўли суннийликнинг ханафия мазҳабига содиқ бўлган Султон Маҳмуд Ғазнавий шу оқимларга қарши аёвсиз кураш олиб боради. Шубҳасиз, унинг Ҳиндистонни талон-тароҷ қилишини бу билан оқлаб бўлмайди, албатта. Аммо, сабабларни ҳам кўздан қочирмаслик керак. Ўз даври фарзанди бўлмиш султон диний фитналарга қарши курашда Бағдод халифаси фармонлари. Имом Аъзам Абу Ханифа кўрсатган йўл, шариат қонун-қоидаларига таянар эди.

Мисол учун, айнан карматлар 929 йили Маккада талончилик уюштириб, Каъбадаги муқаддас тош «Ҳажар ул Асвад»ни олиб кетишади. Тош фақат 20 йилдан кейингина жойига қайтариладн. Абу Райҳон Беруний «Осор ул Боқия» асарида карматлар бошчиси Абу Тохир Сулаймон томонидан Маккада амалга оширилган ғайриинсоний ҳаракатларни надомат билан таъкидлаб ўтади.

Эроннинг Дайлам вилоятида кўним топган исмоилийлар эса ўзларича, номақбул деб ҳисобланган шахсларни жисмонан йўқ қилишар, ўз фаолиятларида ислом дини қонун-қоидаларини тафтиш қилиб, анъанавийликка қарши чиқишар, террор ва даҳшат уйғотишни асосий қуролларига айлантириб олган эдилар. Кўрқиб савдо қарвонлари бу ерларни четлаб ўтар, кўзга кўринган арбоблар, уламо ва бошқа шахслар ўз жонлари учун қаттиқ қайғуришар эди. Чунки, исмоилий жосуслари қутилмаган фитналар билан уларни «овлаш»ни кенг йўлга қўйишган эди. Бағдодда юз йилдан зиёд сиёсий ҳукмронликни қўлга олган Буваҳийлар (945-1055) халифаликнинг диний-

маънавий ҳаётига катта талофат етказганлар. Бағдод шаҳрини забт этган Буваҳийлар ҳукмдори Муиззиддавла (945-967) масжид деворларига чорёрларни ҳақоратловчи шиорлар ёздиришга буйруқ бериб, турли мазҳабларни бир-бирига қарши қўяди. Бу фикр-мулоҳазаларга кўра шуни айтиш мумкинки, мусулмон халқлари ҳаёт ва фаолиятида маънавият ва тинч-тотув ҳаёт кечиришига карматчилик, исмоилийлик ва бошқалар катта хавф туғдирар, шу боис ҳам Султон Маҳмуд Ғазнавий уларга қарши курашишни ўзининг бош ғоясига айлантирган эди. Райнинг буваҳий ҳукмдори Маждуд-давла Рустам (997-1029) ёшлиги сабабли давлат ишларини унинг онаси малика Сайида олиб борган. У билан бўлган ёзишмалардан сўнг Маҳмуд аёл ҳукмдор устига юриш қилишни ўзига эп кўрмади. Сайида ҳаётлик чоғида бирон маротаба ҳам Райга тазйиқ ўтказилмаган. Тарихчи ибн ал-Асир берган маълумотига кўра, онаси вафот этган, Рустам исмоилийлардан кўп азият чекади. Натижада, ўзи *Султон Маҳмуддан ёрдам сўраб, мурожаат қилди. 1029 йил Рай эгаллангач. Султон* қўлга киритилган улжанинг катта қисмини Бағдод халифасига жўнатади ва бу бойлик асосан қурилиш - ободончилик ишларига йўналтирилади. Бу хусусда машҳур тарихчи Абулфазл Байҳақий, ибн ал-Асир, Гардизий ва бошқалар турли маълумотларни ёзиб қолдиришган. Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистон ва бошқа юртлардан олиб келинган ўлжаларни кўп ҳолларда ободончилик ҳамда қурилиш ишларига сарфлаган. Жумладан, у Ғазнада илк давлат мадрасаси, машҳур жомъе масжиди, улкан сув 'гугони ва яна неча-неча иншоотлар барпо эттиради. Ғазна тез орада Шарқнинг энг гўзал ва обод шаҳарларидан бирига айланади. Беруний Ғазна ҳақида гапирганда, бу шаҳарда ҳашаматли саройлар. Мадраса ва бозорлар кўплигини қайд этади.

Султон Балх ва Нишопурда ҳам бир қанча қурилишларни амалга оширган. Шунингдек, Султон илм-фан маданият арбобларига ҳам ҳомийлик қилган. Берунийнинг энг сара асарлари Ғазнада дунёга келган. У Султон билан кўпгина юришларда иштирок этган. XI аср муаллифи Арузий Самаркандий «Чаҳор мақола» асарида Беруний билан Султон ўртасида анча илиқ муносабат бўлганлигини таъкидлайди. Абулфазл Байҳақийнинг машҳур «Тарихий Маъсудий»сида, гарчи Султон билан Берунийнинг муносабатлари ҳамиша ҳам силлиқ кечмаганлиги қайд этилса-да, лекин Султоннинг буюк олимга хайрихоҳлик билан қараганини эътироф этади. Беруний Маҳмуд Ғазнавий вафотидан (1030) кейин ҳам Ғазнада то умрининг охиригача, 1048 йилга қадар яшаб қолади. У Ғазнада расадхона очиб, шо гирдларига дарс, беради, унумли ижод қилади. Маҳмуд Ғазнавий отаси Сабуктегин ёзиб қолдирган, «Маънавий улуғворлик бамисоли аланга ва шамол. Буларнинг ҳаракат ва парвоз хусусияти бор. Маишат эса, қия ердаги қум уюмига ўхшаш унинг тубанликка сурилиш хосияти бор», деган насихатига кўра, илм-фан соҳасига ҳам катта эътибор билан қараган.

Шуниси диққатга сазоворки, Султон 1019 йили мусулмон оламида илк давлат мадрасасини очиб, унга ноёб қўлғиналарни тўплатган.

Аслида Абул Қосим исмли форс шоирига Фирдавсий тахаллусини берган ҳам Маҳмуд Ғазнавий ҳисобланади. Султон аввал Фирдавсийга ижобий муносабатда бўлган. Лекин, шоир ижоди учун муносиб ҳақ олмаганлигини рукач қилиб, берилган 60 000 кумуш дирхамни бир неча кишига бўлиб тарқатиши орқали ҳурматсизлик кўрсатгач, Султон бундан қаттиқ ғазабланади ва уни ўлимга ҳукм қилади. Аммо

Фирдавсийнинг тавба-таззарусидан кейин кўнгли юмшаб, ҳукми бекор қилади ва шаҳардан чиқиб кетишни буюради. Шоир Тусга йўл олади. Салдан кейин Султонни ҳажв тиғига олган байтлар ёза бошлайди. Бу эса, Маҳмуд Ғазнавий номининг кейинчалик ҳам Фирдавсий ижодида салбий оҳангда тилга олинишига замин ҳозирлайди. Умуман олганда, бошқа форсийзабон шоирлар масалан, Абулхасан Фаррухий, Абдулмажид Санойи ва бошқалар Султон саройида самарали ижод қилганлар.

Маҳмуд Ғазнавий буюк олим Абу Али ибн Синонинг ҳам ўз саройида хизмат қилишини ҳохлаган. Ўз вақтида Хоразмшоҳ Маъмундан эса бошқа олимлар қаторида уни Ғазнага юборишини талаб қилган. Шу боис, Гурганжга Ибн Али Микол бошлик элчиларни ҳам махсус жўнатган эди. Лекин, Масихий ва Ибн Сино Султон Маҳмуд Ғазнавий саройида хизмат қилишни истамай, Хоразмдан қочишга қарор қилишади. Маҳмуд Ғазнавий ибн Синони уз саройига жалб этишга кўп уринди, ҳатто унинг сиймосини қоғозга 40 нусхада кўчиртириб, қандай қилиб бўлмасин, уни топиб келтиришга фармон беради. Таъкидлаш жоиз-ки, Ибн Сино ва Султон орасидаги муносабатлар чигал хусусиятга эга бўлиб, ҳали ечимини кутаётган масалалар қаторига киради.

Султон Маҳмуд Ғазнавий давлатнинг устун эди. Унинг вафотидан сўнг ўғли Маъсуд (1030-1041 й.) шухрат поғонасини Салжуқийларга топширишга мажбур бўлди. Султон Мавдуднинг (1041-1050 йй.) Ғазнавийлар шухратини қайтариш учун саъй-ҳаракатлари деярли бесамар тугади. Тез орада Ғазнавийлар давлати қўли остида Шарқий Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистоннинг бир қисми қолди, холос. Ғурийлар ҳукмдори Ғиёсиддин Муҳаммад 1186 йили охириги султон Хисрав Маликни Панжобда ўлдириб, буткул Ғазнавийлар сулоласига хотима беради.

Ғазнавийлар Ўрта Шарқ ҳудудида ягона геосиёсий майдонни бирлаштиришга муваффақ бўлдилар, шунингдек улар ҳукмронлиги даврида маънавий ҳаётга тазйиқ солувчи кучларга нисбатан чек қўйилди, илм-фан, адабиёт, шаҳарсозлик қурилишида маълум тараққиёт юз берди.

Маҳмуд Ғазнавий X асрнинг биринчи чорагида мусулмон шарқи сиёсат майдонида катта ўрин тутган буюк саркарда ва йирик давлат арбоби сифатида тарихда ном қолдирди. Ҳар бир тарихий шахс каби унинг фаолияти ҳам зиддиятли ва қарама-қаршиликлардан ҳоли бўлмаган. Айниқса, бу ҳол унинг бутун ҳукмронлик даврининг асосий моҳиятини ташкил этган. Ушбу мақолада мазкур давлат арбоби шахси ва даврига баҳоли қудрат назар солдик, холос. Ўйлаймизки, бу ҳақда ҳали кўплаб муноза-ра, фикр-мулоҳазалар давом этиб, шарқшунос олимларимиз янада кўплаб изланишлар олиб бориб, тарихий ўтмишимиз хусусида тегили тадқиқотларни амалга оширадилар.

5-6-мавзулар: Ўзбекистоннинг совет даври тарихининг тарихшунослигидаги янгича ёндошувлар ва талқинлар

Режа:

1. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати тарихига оид тадқиқотлар
2. Совет даври тарихининг тарихшунослиги

Ўзбекистан Республикаси мустақилликка эришгач, Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат тарихини илмий жиҳатдан ҳолисона ўрганиш учун объектив шароит юзага келди. Йигирма йилдан ортиқ муддат ичида мазкур муаммони тадқиқ қилишда катта ютуқларга эришилди.

Туркистон минтақасида 1918-1924 йилларда совет тузумига қарши олиб борилган истиқлолчилик ҳаракати тарихини яхлит равишда тадқиқ этиш ва ўрганиш учун сўнгги йилларда муҳим изланишлар амалга оширилди.

Ушбу тарихни қайта тиклаш, тўғрироғи, қандай бўлса, шундай ёритиш, танқидий таҳлил, илк бор илмий муомалага киритилган кенг кўламдаги янги манбалар ҳисобига бойитилган ҳужжатлар асосида кўрсатиб берилган маълумотлар мажмуини таснифлаш ва умумлаштириш, Ўзбекистон ва чет эллардаги тарихшуносликка оид мероснинг истиқболли йўналишларини назарда тутишга имкон берадиган илмий-тарихий фикрларни ўрганиш ва идрок этиш, шунингдек, а малда кўриб чиқилмаган ёки ҳозирги давр нуқтаи назаридан қайта баҳолашни талаб қилаётган қатор масалаларни очиб беришга асосланади.

Мустақиллик йилларида Туркистон, Хоразм, Бухоро республикаларидаги минтақавий қуролли ҳаракатлар, уларнинг бутун Туркистон ҳудудидаги озодлик ҳаракати ривожига қўшган ҳиссаси Ўзбекистон тарихи фанида биринчи марта ҳар томонлама кенг ва чуқур ўрганилди. Хусусан, бу ҳаракатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиши; ҳаракатлантирувчи кучларнинг этник ва ижтимоий таркиби; сиёсий, ташкилий, ҳарбий шакли ва тузилиши; раҳбарлари ва мафкурачилари; қуролли ҳаракатларнинг минтақадаги ва умуман ўлкадаги сиёсий жараёнларга таъсири; хорижий мамлакатлар билан алоқалари; мағлубиятга учраш сабаблари кабилар бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Минтақавий ҳаракатларнинг ушбу жиҳатларини ўрганиш асосида мазкур мақолада уларнинг умумий ва ўзига хос кўринишлари, бутун Туркистон ҳудудидаги озодлик ҳаракатидаги марказдан қочиш ва марказга интилиш анъаналарининг ўзаро алоқалари хусусидаги янги назарий фикрлар ва ҳулосалар илгари сурилган.

Минтақавий ҳаракатларнинг вужудга келиши ва авж олишининг сабаб-оқибатлари, мафкуравий, сиёсий жиҳатлардан ўхшашлиги, бу — шубҳасиз ҳол. Айнан совет тузумининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий стратегия ва тактикасининг оқибатлари бу минтақаларнинг ҳар бирида узоқ йиллар давомида бутун Туркистон минтақаси сиёсий саҳнасини ҳаракатга келтирувчи омиллардан бири бўлган қуролли қаршилиқнинг келиб чиқишига сабаб бўлган кескин вазиятни яратди. Ўлка аҳолисининг барча ижтимоий қатлам ва тоифаларини қамраб олган мустамлакачиликка қарши кайфияти совет тузумига қарши қуролли курашнинг умумхалқ ва оммавий характерга эга бўлишини таъминлади ва туркистонликларнинг озодлик ҳамда мустақиллик учун олиб борган кўп асрлик миллий озодлик ҳаракатларидаги ўзига хос ўрнини белгилаб берди.

Туркистон ўлкасидаги минтақавий ижтимоий-иқтисодий хусусиятлар, тарихий-маданий ривожланиш, диний омиллар, аввалги даврларнинг ғоявий мероси, миллий ўз-ўзини англашнинг анъанавий шакллари, диний ислоҳотчилик таълимоти, жаҳидчиликнинг либерал-маърифатпарварлик ғоялари таъсирида шаклланган яхлит мафкура ва турли концепцияларининг мураккаб занжири барча минтақалар учун

умумий бўлиб, у ўзининг миллий мустақиллик, миллий давлатчиликни қайта тиклаш ҳақидаги етакчи ғоялари билан бирга, миллатчилик мафкурасини ташкил этган. Бу ғояларни амалга ошириш мақсадида Фарғона муваққат мухторият ҳукумати, Туркистон-турк мустақил ислом жумҳурияти, бухоролик қўзғолончиларнинг Бухорода монархияни қайта тиклашга интиланлари каби тажрибалар бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Уларнинг натижаларига кўра, бу тажрибалар монархияга асосланган бошқарув шаклини тиклаш, ислом республикасини ўрнатишдан тортиб, демократик давлат қуришгача бўлган ўзаро қарама-қарши интилишларни ўзида ифодалаган бўлишига қарамай, уларнинг барчаси мустақилликни қўлга киритиш, ўз миллий давлатчилигини қайта тиклашдан иборат ягона мақсадни кўзда тутар эди.

Бу умумийлик минтақавий ҳаракатларда қўлланиладиган терминларда ҳам намоён бўлди: ҳаракат қатнашчилари ва раҳбарларининг ўз-ўзларига берган номлари, қўзғолончилар қўшинлари жанговар бўлинмаларининг номланиши ва бошқарув тизимининг ташкилий тузилиши (қўрбошилар қурултойлари ва бошқалар). Терминларнинг бир хиллиги маданий-цивилизацион мероснинг, халқ ҳарбий анъаналарининг муштараклиги билан белгиланади.

Умуман олганда, мақсадлар, ижтимоий негизлар, мафкуралар, ташкилий тузилмаларнинг умумийлиги минтақавий ҳаракатларни ягона-бутун Туркистон минтақаси миқёсидаги озодлик ҳаракати атрофига бирлаштириш учун объектив шарт-шароит мавжуд бўлганлигидан гувоҳлик беради. Тадқиқот жараёнида маълум бўлишича, барча минтақавий ҳаракатлар намояндалари иштирокида бутун Туркистон қурултойини чақириш орқали баъзи қўрбошилар ва саркардалар (Мадаминбек, Анвар Пошо) қўзғолончиларнинг барча жанговар бўлинмаларини ягона қўмондонлик остига бирлаштиришга уринганлар. Валидий томонидан ташкил этилган «Туркистон миллий бирлиги» махфий ташкилоти, жаидларнинг «Миллий Иттиҳод» ташкилоти аъзолари, туркистонликларнинг умумтуркистон иттифоқи йўлидаги табиий интилишларининг ифодачилари сифатида онгли равишда бу курашга қўшилган ўлка уламоларининг фаолиятидаги бош масала халқнинг бирлашуви эди. Лекин кўнгилилар қўшинининг уларнинг турар жойига кўра қариндош-уруғчилик муносабатлари принципи асосида шаклланиши, халқ лашкарининг кичик гуруҳларга бўлиниб кетганлиги, тарқоқ характердалигидан келиб чиққан маҳаллий манфаатларнинг устуворлиги баъзида нафақат бутун Туркистон худуди миқёсида, балки айрим минтақавий даражада бирлашиш йўлида ҳам енгиб бўлмас тўсиқларга айланди. Бунга яна турли мартаба ва даражадаги баъзи раҳбарларнинг калтабинлигини ҳам қўшсак, масала бутун моҳияти билан ойдинлашади.

Шундай қилиб, ҳаракатнинг алоҳида олинган босқичларида марказдан қочиш ва марказга интилиш тамойилларининг ўзаро ҳамкорлиги кўзга ташлансада, ялпи олганда, улар кўпинча бир-бирларига қарши курашганлар. Бу барча минтақалардаги қўзғолончилар сафларида ажралиб чиқишга интилиш тамойилининг устунлигида намоён бўладиги, худди шу ноҳуш ҳодиса Туркистон ўлкасидаги қуролли ҳаракатнинг мағлубиятига олиб келган сабаблардан бири ҳисобланади.

Туркистон минтақасида 1918-1924 йилларда юз берган совет режимиға қарши қуролли ҳаракат тарихининг кўп йиллик тадқиқи қуйидаги фикрларға асос бўлди:

- Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати ўзининг тарихий илдизлари ва

сарчашмасига эга минтақа халқларининг муаззам бир кураши сифатида майдонга чиқди;

-совет режимига қарши қуролли ҳаракатнинг ғоявий-сиёсий илдизларига ислохотчилик ва озодлик ғоялари кирадики, айнан бу ғоялар ўз пайтида жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва ривожланишида ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказган эди;

- қуролли ҳаракатдаги мустақил давлатчилик ғояларида ислом жумҳурияти барпо қилишдан то демократик давлат қуришгача бўлган интилишлар мавжуд эди ва унда уч муҳим ҳолат алоҳида ажралиб туради:

а) туркий халқлар бирлиги (бирлашиши) - Туркистон мус- тақиллиги учун кураш, ягона ва бўлинмас Туркистон тузишга қаратилган ҳаракатлар;

б) исломий қарашлар - Туркистон мусулмонларининг ислом давлати — мустақил ислом жумҳуриятини тузиш (Катта Эргаш, Шермухаммадбек, Иброҳимбек, Мулла Абдулқаҳҳор ва б.).

в) демократик қарашлар — Туркистон минтақасида демократик дунёвий давлат қуриш; республика тузумини ўрнатиш (Мадаминбек ва б.);

қўрбошилар қурултойлари ва қўшин бошқаруви ҳарбий амалиётларни олиб бориш ва душманга қарши курашда муҳим роль ўйнаган;

Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракати ўз жўғрофий доирасига кўра уч ҳудудга: Туркистон АССР (асосан Фарғона водийси ва Самарқанд вилояти), БХСР ва ХХСР ҳудудларига бўлинган. У кейинчалик Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон ССР, Қирғизистон АССР, Қозоғистон АССР да ҳам давом этди;

— қуролли муҳолифат ҳаракати ўз ривожланиш жараёнига, шунингдек, жанглар стратегияси ва тактикасига кўра икки йирик даврни босиб ўтди:

а) 1 -давр: 1918-1924 йиллар;

б) 2-давр: 1925-1935 йиллар;

- ҳар бир давр ҳаракат қатнашчиларининг миқдори, қўрбошилар, кураш тактикаси ва жанглар амалиётига кўра, шунингдек, алоҳида хусусиятлари билан бир- биридан ўзаро фаркланувчи мустақил бир нечта босқичларга ҳам бўлинади.

XX асрнинг 80-йиллари собиқ совет давлатида ижтимоий - иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан яққол таназзул ҳолати юзага келиб қолган давр эди. Собиқ партиянинг бу борадаги ҳаракатлари қулаб бораётган империяни сақлаб қолишга қодир эмас эди. «Қайта қуриш» сиёсати барбод бўлиши, маъмурий - буйруқбозликка асосланган, мулкчиликнинг турли шакллари рақобат асосида сақланишни инкор этган мавҳум сиёсий, синфий, умумий манфаатларни миллий манфаатлардан устун қўйган, ягона партиянинг тўла ҳукмронлигига таянган мустақил тузум бутунлай истиқболсиз эканини амалда яна бир бор кўрсатган эди. Бу вақтда таркибида 15 та иттифоқдош республика бўлган, жами 270 млн. аҳоли истиқомат қилган бутун советлар мамлакатдаги республикалар, хусусан, Ўзбекистон ижтимоий - иқтисодий ҳаёти жуда оғир аҳволда, хусусан, саноатнинг бирёклама ривожланиб, «пахта» саноат комплексига мослашиши, экологик аҳволнинг оғирлашиб, оналар ва болалар ўлимининг ошиб кетиши, сув, ҳаво ифлосланиши ҳолати ўта даражада оғирлашиб бориши, миллатлараро муносабатларда зиддиятли ҳолатлар юзага келиб, миллий можаролар янада кучайиб кетиши, миллий урф-одатлар, қадриятлар таъқиб остида

қолиши кабилар республикани танг аҳволга солиб қўйган эди. Айни пайтда Ўзбекистон республикаси давлат сиёсатининг барча жабҳаларида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган халқлар ва уларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар биринчи навбатда турар эди.

Юзага келган бундай ҳолатдан келиб чиқиб, тинч ҳаётни таъминлаш учун давлатни бошқара оладиган, бўлиб ўтган ва ўтаётган иқтисодий, сиёсий жараёнлардан тўғри хулоса чиқариб, миллат равнақи йўли асосларини бошлаб бера оладиган раҳбар республика учун жуда зарур эди. 1989 йил Ўзбекистоннинг раҳбари сифатида иш бошлаган И.А.Каримов «Ўзбекистон етакчиси сифатида узоқ вақтлар давомида ечилмасдан, газак олдирилган камчилик ва нуқсонлар, ўткир ижтимоий муаммоларнинг илдизини очиб ташлади, мавжуд аянчли аҳволни тузатиш бўйича Марказ раҳбарияти олдига қатъий талабларни принципиал тарзда қайта-қайта қўйишдан чўчимасди».

И.А. Каримов ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан республикадаги аҳволни яхшилашга эътиборини қаратади. 1989 йил сентябрда КПСС МҚ нинг навбатдаги пленуми бўлиб ўтади, унда Ислом Каримов Ўзбекистоннинг янги раҳбари сифатида Фарғона воқеалари, «пахта иши» оқибатларига баҳо берар экан, бусиз ҳам республикадаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол танг вазиятга тушиб қолганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. У ўз маърузасида Ўзбекистондаги вазиятни беқарор қилаётган аҳвол қаторига асосий масалалар, жумладан, аҳолини иш билан таъминлаш масаласини кўтариб, республикада ишлаб чиқаришда банд бўлмаган бир миллионга яқин аҳоли борлиги, аҳолининг ўсиш суръатлари юқорилиги, шу боис ИЖТИМОИЙ меҳнат унумдорлиги пасайиб, аҳоли даромади камлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шунингдек, халқ хўжалигининг бирёқлама ривожланаётгани, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги нуқсонлар аҳволни чигаллаштираётгани, халқнинг яшаши учун зарур бўладиган уй-жой, маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, савдо, маиший хизмат соҳаларида кучли оқсаш мавжудлиги, экологик аҳволнинг оғирлиги, Орол фожеаси, гўдакларнинг нобуд бўлиши, аҳолининг касалланиши даражасининг баландлиги масалалари бирма-бир кўрсатиб ўтилади.

Бироқ марказ республикалар миллий манфаатларини ўйлашдан йироқ эди. Республикада содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар марказнинг қанчалик эътиборидан четда қолган бўлса, эндиликда уни мамлакатда иқтисодий инқирозлар кучайиб турган вақтда бу ҳол марказни умуман қизиқтирмас эди. Мана шу вақтда республика раҳбарининг ҳақиқий миллат лидери сифатидаги ўрни яққол намоён бўлган эди. 1989 йил 19 августда Ўзбекистон КП МҚ нинг пленуми бўлиб ўтади. Унда ижтимоий- иқтисодий ҳолатлар алоҳида таъкидланиб, аҳоли турмуш тарзини ошириш мақсадида Ўзбекистонда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар кун тартибига қўйилади. Пленумда яқка тартибдаги ёрдамчи хўжаликларда, уй-жой қурилишини ривожлантириш, аҳолига ажратилган томорқаларни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган қатор янги вазифаларни биринчи ўринда ҳал этилиши лозимлиги асослаб берилди. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида:

- озиқ-овқат дастурини бажариш учун шахсий хўжаликлар сонини, уларга ажратиладиган ерлар миқдорини кўпайтириш;

- уй-жой танқислигини ҳал этиш, кишиларга уй-жой қуриш учун керакли

курулиш материалларини етказиб беришни ташкил этиш;

- ишсизлик муаммосини ҳал этиш учун хўжаликларда ғишт пиширадиган, дурадгорлик ва бошқа маҳсулотларни тайёрлайдиган корхоналар қуриш;

- аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш;

- ижтимоий-сиёсий барқарорлик масалаларини ҳал этиш, ёшларни иш билан таъминлашни тезлаштириш¹ каби вазифалар белгилаб олинади.

Гарчи, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибида бўлиб, республикани миллий раўнақи ва ўзига хос тараққиёт йўлини танлаши қийин бўлсада, янги раҳбарият Ўзбекистон келажагини белгилайдиган асосий омиллар, хусусан, иқтисодиётни кўтариш, ижтимоий ҳаётни янгидан изга солиш, маданий-маънавий ҳаётни юксалтириш, тарихий ҳақиқат, таъқиб остида бўлиб келган урф-одат, анъаналарни қайта тиклаш кабиларга етарли даражада эътиборни қаратиш билан вазиятни изга солиш мумкинлигини англаб етган эди.

Булар қуйидагиларда кўринар эди:

Биринчидан, 1980-йиллар охирига келиб Ўзбекистон иқтисодининг бир томонлама, заиф ривожланиши оқибатлари ижтимоий-иқтисодий аҳволда яққол намоён бўлиб, уларни изга солиш учун зарур чора-тадбирларни белгилаб, амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқиш муҳим эди. Бу масала Ўзбекистоннинг янги раҳбари И.Каримов томонидан кўтарилди. Ушбу тадбирлар, аввало, республикада озиқ-овқат дастурини бажариш учун шахсий хўжаликлар сонини, уларга ажритиладиган ерлар миқдорини кўпайтириш, уй-жой танқислигини ҳал этиш, кишиларга уй-жой қуриш учун керакли материалларни етказиб беришни ташкил этиш, ишсизлик муаммосини ҳал этиш учун хўжаликларда ғишт пиширадиган, дурадгорлик ва бошқа маҳсулотларни тайёрлайдиган корхоналар қуриш, аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик масалаларни ҳал этиш, ёшларни иш билан таъминлашни тезлаштириш каби вазифаларни амалга ошириш кўрсатиб ўтилган эди. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида Ўзбекистон раҳбари «ижтимоий ва иқтисодий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмаганлигини» алоҳида курсатиб утган эди.

Натижада Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти республикада юзага келган ижтимоий-иқтисодий таназзулдан чиқиш чораларини марказдан ҳоли бўлган ҳолда амалга оширишга киришди. 1989 йил 15 августда қишлоқ меҳнаткашлари учун уй ва ер ажратиб бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Мазкур қарор қабул қилинганидан сўнг ўтган бир йил мобайнида 60 мингдан зиёд оилага ер участкалари ажратиб берилди. Республикада мавжуд бўлган томорқалар бутун экин майдонларининг 5 фоизини ташкил этган ҳолда, жами 200 минг гектар ерни ташкил этди. Айни пайтда бу ерларнинг ҳар гектаридан 12 минг сўмдан кўпроқ даромад олинди. 1990 йил 1 ноябрга келиб қишлоқда яшовчи 2.220.129 оиладан 1.327.149 оила янги томорқа участкалари олиш ва мавжудларни кенгайтиришга муҳтож бўлган ҳолда уларнинг 394.098 нафар оиласи янги ер участкалари олишди. Уларга фойдаланишлари учун 55.036 гектар ер ажратиб берилди. Ўз участкаларини кенгайтиришга муҳтож бўлган

933.164 оиладан ҳаммасининг талаби қондирилди. Уларга қўшимча равишда 101.117 гектар ер ажратилди.

Натижада, қишлоқ меҳнаткашларининг давлат томонидан олган ерлари 156.153 гектарга етди. Бундан ташқари, бу қарор бажариб бўлингандан сўнг янги оилаларга ҳам майдони 11.009 гектар бўлган 87.515 та томорқа участкаси ажратиб берилди. Мазкур ташкил топган хўжаликларда етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш мақсадида давлат 1990 йилда 765.862 та шартнома тузди. Ер участкалари йириклаштирилган ҳолда деҳқон шахсий ёрдамчи хўжаликда етиштирилган маҳсулотининг оиласидан ортган қисмини бозорга чиқариш имконига ҳам эга бўлди. Натижада, майда товар ишлаб чиқариш йўлга қўйила бошланди. Бундай ёрдамчи хўжаликлар бозор муносабатларини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга муайян ҳисса қўша бошладилар.

Табиийки, бундай йўл хомашё манбаига айланиб қолган республика учун оғир бўлса-да, Ўзбекистон шу йиллари РСФСР нинг айрим ҳудудлари, иттифоқдош республикалари билан ҳам мустақил иқтисодий алоқалар ўрнатди. Айни пайтда Республика Давлат режа қўмитаси, Молия вазирлиги, илмий - тадқиқот институтлари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш концепциясини» тайёрлашга киришилди. 1990 йилда «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қоидалари» лойиҳаси эълон қилинди ва 17 октябрда умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Бюджетни шакллантириш мақсадида «Ўзбекистон ССР бюджетини шакллантириш принциплари» ҳақидаги декларация республиканинг ҳамма даромадларига ўзи эгаллик қилиш ҳуқуқини берди. Тадқиқ этилаётган йилларда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг самарали амал қилиниши ва халқ фаровонлигини ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилди. Натижада мол - мулкни сақлаш ва кўпайтириб бориш учун барча зарурий шарт - шароитлар яратиб берилди. Қисқа вақт ичида ҚҚАССР ва маъмурий - ҳудудий тузилмалар маҳаллий бўйсунувидаги мулклардан ташқари бўлган ишлаб чиқариш соҳалари республикага бўйсунадиган бўлди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ҳаракатлар халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш орқали вужудга келган мураккаб аҳволдан қутулишнинг амалий йўли эди.

Иккинчидан, Ўзбекистонда собиқ совет давлати ҳукмронлик қилган йиллари зўрлик билан кўчирилган, ўша вақтларда кам сонли ҳисобланган халқлар миллий манфаатларини ҳимоя қилиб, она ватанларига кўчиб кетиш ҳаракатларини бошлаган эдилар. Мисол учун, «Қайта қуриш» эълон қилинганидан бери ўтган вақт мобайнида крим-татарларининг ватанларига кўчиб кетиши учун марказга ёзган арзномалари 250 жилдани ташкил этди, месхети - турклари ҳам ватанларига қайтиш учун чора - тадбирларни кўра бошлаган эдилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, тили ва дини, маданияти туташ бўлган ўзбеклар билан месхети турклари, елкадош бўлиб далаларда меҳнат қилдилар, бир-бирларига ҳамдард, қон – қариндош, қуда-анда бўлиб, аҳил бўлиб яшадилар. Бағрикенг ва меҳмондўст ўзбек халқи бошқа халқлар каби уларни ҳам қувватлаб келди. Ярим асрга яқин вақт давомида миллатлараро муносабатлар борасида бирор марта оддий

ихтилофлар чикмади. 1989 йил Фарғона водийсида Фарғона фожеалари авж олган паллада ҳам аксарият ўзбек хонадонлари кўплаб месхети турклари оилаларини ўз уйларида, касалхоналардаги хамширалар эса қаерга қочиб боришни билмай турган туркларни ертўла ва бошқа жойларга яширдилар. Қишлоқ аҳолиси тўполонлар қучайган кунлари жабрланган месхети туркларга тегишли бўлган қорамолларни тўплаб, улар кимга тегишли эканини аниқлаб, вақтинча боқиш учун колхоз молхоналарига топширдилар.

1989 йил 24 июнда Ўзбекистоннинг Ислом Каримов бошчилигидаги янги раҳбарияти сайланди. Шу вақтдан бошлаб Фарғона водийсида месхети-турклари ва ўзбеклар ўртасида турли ифволар ва бўҳтонлар натижасида бошланган можароларга эҳтиёткорона ва босиқлик билан қараш бошланди. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг янги раҳбари сифатидаги иш фаолиятининг биринчи кунидан Фарғона водийсида содир бўлган воқеаларга босиқлик билан ёндошиб, можаролар илдизини билиб, унинг қучайиб кетишининг олдини олиш чораларини белгилаган ҳолда сиёсат юритди.

Можаролар туфайли зарар кўрганларга, хусусан туркларга озиқ - овқат билан таъминлаш учун савдога чиқариладиган захира ҳисобидан 15 тонна гўшт, давлатга режа бўйича топшириладиган маҳсулотлар ҳисобидан кўшимча яна 26 тонна гўшт ажратилди. Жабрланганларга ёрдам бериш учун ҳар киши бошига 300 рублдан, жами 5 млн. рубль моддий ёрдам пули ажратилди. Кўшимча тарзда яна Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг захирадаги маблағидан катта ёшдаги ҳар бир кишига кунига

- 1 руб. 20 коп., болаларга - 1 руб. 60 коп.дан пул ажратилди. Тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан Фарғона вилояти ижроия кўмитаси зонанинг ўзида 240 ўринли стационар, бир суткада 150 кишини қабул қила оладиган поликлиника очилди. Вайрон бўлган уйларни таъмирлаш учун эса керак бўладиган қурилиш материалларини етказиш, месхети туркларига етказилган зарарлар миқдорини белгилаш ва қоплаш каби вазифалари белгиланиб, зарар кўрган шахсларнинг уй-жойлари, мол-қўйлари суғурта қилинмаган бўлса, ёлғиз фуқароларга 1200 рубль, икки кишидан иборат оилаларга 2000 рубль, оиланинг бошқа аъзоларига 500 рублдан пул тўлаш белгиланди. Кўчиб кетганларнинг уй-жойлари маҳаллий ҳокимиятлар назорати остида қолдирилди. Вилоят ижроия кўмитасининг фармони билан кўчиб кетаётган месхети туркларнинг уй-жойларини таъмирлаб, аввалги ҳолатига келтириб, уй эгалари берган ишонч қоғозларига биноан сотиш лозимлиги кўрсатилди.

Фарғона воқеалари асоратлари тугатилиши билан бирга Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида миллий маданий марказлар тузила бошланди. Бу марказларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб туриш мақсадида Ўзбекистон ССР Маданият ишлари вазирлиги ҳузурида республика миллатлараро маданият маркази ташкил этилди ва уларнинг сони 1989 йилда 12 тага етди. Ушбу марказ учун миллий маданий марказлар фаолиятига раҳбарлик қилиш, турли миллатларнинг урф-одат, диний қадриятларини тиклаш ва ривожлантиришда кўмак бериш асосий вазифа қилиб белгиланди. Ўша йиллари бутун мамлакатда бўлганидек, миллий маданий марказлар фаолиятида кўп нарсалар биринчи маротаба содир бўлди.

Бундай марказлар, хусусан, поляк миллий маданий маркази «Светлица Польска», корейс миллий-маданий маркази «Возрождение» (Тикланиш), озарбайжон миллий

маданий маркази «Гардашлук» (Дўстлик), немис миллий-маданий маркази «Видергебурт» (Тикланиш, Wiedergeburt), кабилар республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, халқлар ўртасида дўстлик, қардошлиқни мустаҳкамлашда шарафли хизматни ўтади. Масалан, тадқиқотчи Д. Иноятованинг таъкидлашича, Ўзбекистонда «Wiedergeburt» номли немис миллий-маданий маркази 1989 йилдан бошлаб Ўзбекистонда истиқомат қиладиган немис халқи миллий манфаатларини ҳимоя қилиб, ўсиб келаётган немис ёшларига немис тили, халқ байрамлари, халқ кўшиқ ва рақсларини ўргатишдан бошлайди. Биринчилардан бўлиб Рождество - «Weihnachten» байрамини тиклайди. 1990 йилда Тошкентда немис Евангелист - Лютеран черкови тикланади. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг фармойиши билан Евангелист-Лютеран черкови Ўзбекистонда истиқомат қиладиган немис халқига топширилади. 1992 йилдан эса «Wiedergeburt» номи билан расмий рўйхатга олинди, бутун республика хусусан, Ўзбекистоннинг Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларидаги немис миллий-маданий марказларини бошқара бошлайди.

1989 йил Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1989—1990 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим ўрта мактабларида тожик, қозоқ, туркман ва қирғиз тилида ўқитиш даражасини кенгайтириш, республика олий ўқув юртларида қозоқ, тожик, қирғиз тилларида ўқитиш бўлимлари ва уларни дарслик ҳамда ўқув кўргазмалари билан қуроллантириш вазифасини ҳам белгилади. Шу йиллари Ўзбекистонда яшаётган турли миллат ва элатларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадида маълум чора - тадбирлар белгиланди. Ўзбекистонда 259 та мактабда тожик тилида, 491 та мактабда қозоқ тилида, 52 та мактабда туркман тилида, 40 та мактабда қирғиз тилида, 12 та мактабда грек тилида ҳамда 7 та синфда корейс тилида таълим бериш йўлга қўйилди. Самарқанд, Нукус Университетлари, Тошкент ва Самарқанддаги педагогика олий ўқув юртларида ўқитиш жараёни ўзбек тили билан биргаликда тожик, қозоқ, қрим-татар тилларида олиб борилди. Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида ҳар ҳафтада тожик тилида радиоэшиттиришлар уюштирилди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзида тожик, қрим татар, Бухоро яҳудийлари, уйғур ва корейс адабиётлари бўлимлари тузилди. 9 та район газетаси тожик тилида, 5 та район газетаси қозоқ тилида нашр қилина бошланди. 1989 йилда Ғофур Ғулом номли нашриётда рус тилида 27 та номда бадиий адабиёт чиқарилиб, адади салкам 2 млн. нусхани ташкил этди. Ўзбекистон раҳбарияти бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан ижтимоий ҳимоя масалаларига асосий эътиборни қаратди. СССР да кўп болали оилаларга тўланадиган нафақа 1944 йилда қабул қилинган қарор асосида тўланар, бу бозор муносабатларига ўтиш шароитида, айти пайтда инқирозга учраган тузумдан қолган қийин иқтисодий аҳволда мутлақо талабга жавоб бермас эди. Шу мақсадда Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Совети «Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан кўп болали оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан қўшимча тадбирлар белгилаш тўғриси»да қарор қабул қилди. Унга кўра, республикада маблағи ҳисобидан тўлиқ бўлмаган меҳнат стажига эга бўлмаган кишиларга, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига тўланадиган нафақалар 2 бараварга оширилди.

Учинчидан, собиқ совет давлатининг «қайта қуриш» ни эълон қилиши халқларнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ экан, Ўзбек тилига ҳам Давлат тили мақомини бериш учун ҳаракатлар кучайиб бораётган эди. Матбуотда эса бу ҳақида турли қарашлар ва фикрлар билдирилди, аниқ бир натижа белгиланиши имкони бўлмас эди. 1989 йил ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш учун янги комиссия тузиш эҳтиёжи сезилди ва янги тузилган комиссия таркибига норасмий ташкилотларнинг вакиллари ҳам киритилди. Лойиҳа муҳокама қилинаётган тўрт ой давомида комиссияга жами тўрт мингга яқин мактуб келиб тушди, бу хатларга жами 150 мингдан ортиқ киши имзо чеккан эди. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда бу таклифлар ўрганиб чиқилди ва тезда қонун лойиҳасининг янги уч варианты юзага келди.

Булар комиссия лойиҳаси, ёзувчилар уюшмаси тузган лойиҳа, норасмий ташкилотлар вакиллари тузган лойиҳалардан иборат эди. Барча лойиҳалар очик, холис муҳокама этилди ва уларни ўрганиш, умумлаштириш асосида янги лойиҳа тайёрланиб, у 1989 йил 11 октябрь кун матбуотда эълон қилинди. Лойиҳа умумхалқ муҳокамасидан сўнг Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1989 йил 21 октябрда бўлган 11 сессиясида «Ўзбекистон ССР нинг Давлат тили ҳақида» Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қабул қилган «Ўзбекистон ССР нинг давлат тили ҳақида»ги қонунни амалга оширишнинг давлат Дастурига тўлиқ амал қилиниши зарур эди. Ўзбек тилига давлат мақоми бериш билан боғлиқ бўлган тадбирлар амалга оширилиши учун зарур бўлган маблағлар ҳам ҳисоблаб чиқилди. Ўша вақтда республикадаги оғир иқтисодий вазият эътиборга олинди, бу маблағлар босқичма - босқич сарфланиши режалаштирилди.

Айни вақтда давлат тили ҳақидаги қонунга амал қилиш, қонунни бажарилишини назорат қилиш масалаларини тўлиқ ҳал этиш лозим эди. Ўзбек тилини билмайдиган фуқароларга давлат тилини бепул ўргатиш билан боғлиқ бўлган вазифалар ҳам белгилаб олинди. Умумий йиғинларда давлат тилини билмайдиганларга маърузалар матнини таржима қилиб бериш масалалари ҳам киритилди. Шундан сўнг давлат тилини изчил такомиллаштириш мақсадида кенг ҳаракатлар бошланди. Қонунда белгилангандек, Республикада қонун лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар аниқ белгиланган ҳолда фақат раҳбар ходимларгина эмас, балки турли миллат вакиллари билан мунтазам алоқада бўлувчи кишилар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар, ижтимоий таъминот, халқ маорифи, маданият ва соғлиқни сақлаш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, алоқа, транспорт, коммунал хўжалик, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ўз вазифаларини бажариши учун етарли даражада давлат тилини билишлари кераклиги таъкидланганди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон раҳбарияти ўзбек тилини давлат тили даражасига кўтаришда республикада истиқомат қиладиган бошқа халқларнинг миллий манфаатларини ҳам ҳисобга олди. Давлат тили ҳақидаги қонунда ўзбек тилининг давлат тили сифатида ривожланиши бошқа миллий тилларнинг манфаатларига зид келмаслиги лозим эди. Қонунга республикада яшовчи барча халқ ва миллат вакиллари тенг ҳуқуқли эканини кўрсатувчи модда ҳам киритилди. Шунингдек, ҳарбий, диний ва бошқа соҳаларда керакли тил белгиланишига урғу берилди.

Янги қонунда давр шароитларидан келиб чиқиб республикада иттифок тасарруфидаги ёки давлат тили етакчилик қила олмайдиган меҳнат жамоалари борлиги ҳам инобатга олинди. Шунинг эътиборига олиб қонунда бу жамоаларда иш юритишни рус тилида ҳам, бошқа тилларда ҳам олиб бориш мумкинлиги эътироф этилди. Бу тадбир ҳали совет давлати сақланиб турган мураккаб бир даврда республикадаги ижтимоий, сиёсий вазиятни кескинлаштириб юбормаслик зарурияти билан изоҳланган эди.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида барча идораларда Давлат тилида иш юритишга ўтиш муддати икки йил бўлиши керак, деган таклиф киритилган бўлсада, бу амалга ошириш мумкин бўлмаган муддат эди. Чунки, бошқа миллат вакиллари учун икки йил мобайнида ўзбек тилини ўрганиб, унда иш юритишга ўтишнинг имкони йўқ эди. Ҳатто, икки йил ичида ўзбек тилида иш юритишга ўтишга маҳаллий миллатга мансуб бўлган раҳбарларнинг анчагина қисми ҳам тайёр бўлмаган. Ўзбекистон КП МК биринчи котиби И. А. Каримовнинг вазиятни чуқур ўрганиб, киритган таклифига биноан иш юритишида давлат тилига тўла ўтиш муддати саккиз йил деб белгиланди. Бу мураккаб муаммони ўша даврларда оқилона ҳал этишнинг ягона ва тўғри йўли эди.

Қонунни босқичма-босқич амалга ошириш муддатлари ҳам режалаштирилган, жумладан, қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети қарор қабул қилди. Қарорга кўра қонуннинг 4,7,8-моддалари 8 йил давомида, 5 ва 24-моддалари 3 йил давомида, 16-моддаси эса 1991-1992 ўқув йилидан бошлаб кучга киритилиши кўрсатиб ўтилди. 22-моддаси 1991 йилдан кучга кириши белгиланди. Қолган моддалари қонун қабул қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

Ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий ва илмий-техникавий атамаларини тартибга келтириш ва такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида махсус Атамалар қўмитаси ташкил этилди. Бу қўмита олдида тегишли вазифалар қўйилди. Қўмита дастлабки вақтдан бошлаб матбуотда берилган, радио ва телекўрсатувларда қўлланган атамаларни, 15 та вазирлик, қўмита ва идоралардан келган, шу идораларга тааллуқли атама ва номланишларни тўплаб, муҳокама этди. Масалан, тиббиёт секцияси соғлиқни сақлашда қўлланиладиган энг долзарб атамаларни тўплаб ўз секциясида муҳокама қилди. Тўпланган атамалар қўмита бюросида муҳокама қилиниб, яна муҳокамага 22 ташкилотга (Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси, газета ва журналлар таҳририятлари, ижтимоий-сиёсий фанлар секцияларига, партия тарихи институти, ЎзТАГ радиоэшиттириш ва телекўрсатув қўмитасига — Х.Ю.) юборилди. 1990 йилга келиб, атамашунослик қўмитаси билан ҳамкорликда ЎзСЭ нашриёти «Ёш кимёгар энциклопедик луғати», «Ёш физик энциклопедияси», «Ўзбек тилида иш юритиш», «Меҳнат» нашриёти чорвачилик ва пахтачилик бўйича, «Ўзбекистон» нашриёти автомобиль транспорти бўйича луғатларни чоп этди.

Умуман, 1989 йилда қабул қилинган давлат тили ҳақидаги қонун айрим камчиликлардан ҳоли бўлмасада, бир оқ бу қонуннинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий шароитда қабул қилинганини ҳисобга олсак, бундай камчиликларнинг сабабларини тушуниб олиш қийин эмас эди. Мазкур қонун халқ маданий мероси, миллий кадриятларини ўрганиш, тарихий хотирани тиклаш, шу асосда миллий оғ, руҳият

мустаҳкамлиги, ижтимоий фаоллик кучайишига ҳам йўл очиб берди. Шу маънода миллий тилларга давлат мақоми берилиши социалистик тузумга қарши олиб борилаётган мустақиллик йўлидаги ҳаракатларнинг кучайишига ҳам ижобий таъсир этди.

Тўртинчидан, Маъмурий-буйруқбозлик авж олган миллий ҳис туйғуларни поймол этиш эвазига шовинистик руҳ билан шаклланган коммунистик тузум XX аср 80 - йилларида бутун Ўзбекистон халқини таъна-дашном ва тухматлар домига тортган эди. «Пахта иши» ёки кейинчалик «ўзбек иши» номини олган уйдирмалар совет тузуми қатағонининг янги босқичи бўлган эди. Пахта яккаҳокимлиги майдонига айлантирилган Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги йилдан йилга мўл ҳосил бериш «мажбуриятини» олган бўлса ҳам ўзбек деҳқонининг аҳволи оғир бўлиб, у марказ ҳукми доирасига тортилган эди. Юзага келган турли ижтимоий ва иқтисодий характердаги муаммолар мавжуд салбий вазиятни кескинлаштириб юборган эди. Бироқ 1989 йилнинг иккинчи ярмидан республикадаги ўзгаришлар «пахта иши» қатағонлари билан боғлиқ бўлган Т. Гдлян гуруҳига нисбатан муносабатни ҳам ўзгартириб юборганди.

1989 йилга қадар республика аҳолиси орасида қўрқув ҳиссини уйғотиб келган «пахта иши» ёки «ўзбеклар иши» уйдирмаларига ҳам 1989 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб барҳам берила бошлаган эди. «Пахта иши» билан боғлиқ бўлган қонунбузарликларни фош этиш, бегуноҳ кишиларни оқлашда Ўзбекистоннинг И. А. Каримов бошчилигидаги янги раҳбарияти муҳим ишларни бошлади. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1989 йил 12 сентябрда «пахтачиликдаги қўшиб ёзишга йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилган кишиларни авф этиш мақсадида ҳужжатлар тайёрлайдиган» комиссия ташкил этди. Ушбу комиссия тайёрлаган ҳужжатларга таяниб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми жиноий жавобгарликка тортилган 43 кишини гуноҳидан ўтишни Ўзбекистон ССР Олий Советидан сўради. Унда кўплаб шахсларга белгиланган жазо муддатларини енгиллаштириш чоралари сўралган эди. Маълум бўлишича, «пахта иши»да судланганлар сони 4018 кишини ташкил этган бўлса, республикада бошланган ижобий ўзгаришлардан сўнг реабилитация қилинганлар сони 2940 кишини, қайта терговга юборилганлар 63 кишини, асосиз судланганлар 1016 кишини ташкил этди.

Умуман, 1990 йилга келиб совет давлатининг ҳукмронлиги инкирозга учраётган, иттифоқдош республикалар уз миллий мустақиллиги учун кенг ҳаракатларни олиб бораётган давр бўлди. Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти ҳам мустабид тузум учун буткул ёт бўлган янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар билан майдонга чиқди. Айнан мана шу давр республиканинг мустақиллик сари йўл олиши билан ифодаланди. Ушбу йўл тарихий - маънавий тикланиш, марказ томонидан олиб борилган қатағонлик сиёсатига чек қўйиш, ўзбек халқи шаънини ҳимоя қилиш, иқтисодий таназзул ҳолатини чеклаш, ички бозорни ҳимоялаш, буткул янги ижтимоий ҳимоя сиёсатини олиб бориш, марказ таъсирини камайтириш ва бошқа кенг камровли тадбирлардан иборат бўлди.

V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Изоҳи
➤ Инновация-	янгилашни, ўзгаришни амалга жорий этиш, киритиш жараёни ва фаолияти.
➤ Инновациялар–	бу билимлар ва ғояларни маблағларга айлантиришдир.
➤ Идеографик ёзув	(юн. идея – идея (ғоя), образ ва графҳо — ёзаман) — белгилар (идеограммалар) бутун бир сўзни ёки тушунчани билдирадиган ёзув тури. Қад. ёзув системаларидан Миср ёзуви, Хитой ёзуви ва бошқа айрим ёзувлар идеографик йўсинда бўлган. Идеографик ёзув жуда мураккаб; кўпгина халқларда нисбатан соддароқ ёзувлар — бўғинли ёзув ва ҳарfli ёзув тараккий етган.
➤ Ишлаб чиқарувчи хўжалик –	анча вақт уруғни ўсимлик ва ҳайвон егулик маҳсулотлари билан таъминлаб келган зироатчилик ва чорвачилиқдир. Зироатчилик термачилиқдан бошланган, чорвачилик еса ов ва ҳайвонларни қўлга ўргатишдан келиб чиққан.
➤ Цивилизация -	(лотинча «цивилис»-фуқаровий, ижтимоий, яъни ҳарбийлар ва диндорлар ҳукмронлигисиз) — жамиятнинг ўз таракқиёти жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларининг ҳамда уларни янада кўпайтириб такомиллаштириб бориш усуллариининг мажмуи.
➤ Энг қадимги уруғчилик тизими -	инсоният тарихининг барча меҳнат қуролилари умумий бўлган, ҳамма одамлар ҳамкорликда меҳнат қилган бир давридир.
➤ Стадий –	қадимги юнонларда қўлланган

	масофа ўлчови. 1 стадий 150-190 метрга тенг бўлган.
➤ Шахристон –	ўрта асрларда Шарқдаги шаҳарларнинг маркази, яъни мудофаа девори билан мустаҳкамланган шаҳарнинг асосий қисми. Шахристонда сарой, жоме масжиди, ёпиқ ёки очик бозор, бош майдон – регистон, муҳим маъмурий бинолар, ҳукмдор ва унинг яқинларини қўрғонлари, шунингдек, оддий аҳоли хонадонлари ва бошқалар бўлган.
➤ Ренессанс -	сўзи франсузчада «қайта туғилиш, янги руҳда ўсиш» маъноларини билдиради ва ўзбекчада баъзан, «уйғониш», деб ҳам юритилади.
➤ Ғозий –	Исломи дини учун ғайридинларга қарши муқаддас уруш – ғазавот иштирокчиси. Шариатга кўра, бундай урушда оти ва қурол-яроғи бор ҳар бир мусулмон еркак қатнашиши шарт бўлган. Камбағаллар, қуллар, ногиронлар ва кекса кишилар бундан озод этилган.
➤ Босқоқ –	мўғуллар ҳукмронлик қилган XIII – XIV асрларда маҳаллий ҳоким
➤ Музорий –	зироаткор дехқон, полизкор
➤ Судси фахрий –	секстант (астрономик ускуна)
➤ Садрлар -	вақф мулкларини бошқарувчилари бўлиб, вақф муассасасининг бошлиқлари бўлган мутаваллилар садрларга бўйсунганлар. Садрларнинг вазифа ва ҳуқуқлари вақф ёрлиғи шартларида қайд этиб қўйилган. Улар вақф хўжалиги даромадининг маълум қисмини олардилар.
➤ Танҳо –	Ўрта Осиёда мавжуд бўлган суюрғолнинг бир кўриниши бўлиб, у фақат ҳарбийларга берилган. Танҳо ҳам суюрғолга

	ўхшаб пул, мол-мулк, ер-сув тарикасида берилган.
➤ Тархон –	Ўрта Осиё хонликларида феодалларнинг давлат солиқларидан озод қилинган ер-сув, мол-мулклари.
➤ Қози урду –	Хива хонлигида қози аскар шундай аталган. Амалда у ҳарбий хизматдагиларнинг қозиси-судяси бўлган.
➤ Қалъабон –	Қўқон хонлигида хонликнинг чегара ҳудудларида жойлашган қалъа ва истехкомларнинг ҳокими. Ушбу вазифага, одатда, ҳарбий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда додхоҳдан кўшбегигача бўлган шахслар тайинланган.
➤ Жадидчилик –	усули жадид, яъни “янгилик учун” иборасидан келиб чиққан бўлиб, янгилик учун курашганлар ва уларнинг ғояси шундай деб аталган.
➤ Кўнка –	тўрт ёки олтига от билан ҳаракатлантирилган бир вагонли, тор изли шаҳар транспорти. Тошкентда кўнка XIX аср охирларида қурилиб, Хадра билан темир йўл вокзали орасида қатнаган. Ундан 1915 йилгача фойдаланилган.
➤ Тўра –	Туркистон ўлкасида подшо маъмурлари номига ҳурмат юзасидан кўшиб айтилган атама.
➤ Уезд –	Подшо Россияси ҳукмронлиги даврида Туркистон ўлкасида жорий етилган маъмурий-ҳудудий бўлинма.
➤ Муваққат –	вақтинчалик, доимий бўлмаган.
➤ Мухторият –	ўзига мустақил; автономия.
➤ Нозир –	ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликларида сарой таъминоти ва уни харж қилинишини назорат қилиб турувчи мансабдор. XX аср бошларида Бухоро ва Хоразм Халқ

	Республикаларида савдо, саноат, ҳарбий ва бошқа соҳалар бўйича халқ нозирлари тайинланган бўлиб, улар ўша соҳа бўйича ишнинг боришига жавобгар шахс ҳисобланганлар.
➤ «Қулоқлар» сифатида рўйхатга олинган бадавлат хўжаликлар -	мол-мулки тўлиқ мусодара қилиниб, оилалари Украина, Шимолий Кавказ, Сибир, Қозоғистон, Узоқ Шарқ каби ўзга юртларга сургун қилинган бадавлат хўжаликлар.
➤ Таназул –	орқага қараб кетиш; инқироз, тушкунлик.
➤ Қарамлик —	мамлакат ва ҳудудларни босиб олиш ёки бошқа хил йўллар билан уларнинг устидан бошқа давлат ва гуруҳларнинг ҳукмронлиги ўрнатилиши оқибатида давлат ҳокимиятининг олийлик ва суверенлик белгиларидан маҳрум бўлиши. Қарам давлатлар метрополия давлатларига сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қарамлик занжирлари билан боғланган бўладилар.
➤ «Қизил империя» -	1917-1991 йилларда мавжуд бўлган собиқ шўро давлатига нисбатан ишлатиладиган атама. «Империя» сўзи лотинча бўлиб, мутлақ ҳокимиятга ега ҳокимни, маҳкумлар, мазлумлар устидан чекланмаган ҳуқуққа ега, жабр-зулм ва езишга асосланган идора этиш ва бошқариш усулини, мустамлакаларга егалик қилувчи ва қарам халқларни асоратга солиб шафқациз эксплуатасия қилувчи йирик тажовузкор давлатни билдиради.
➤ Ҳокимиятнинг уч асосий тармоғи -	давлат ҳокимиятининг тақсимланиши тамойили, яъни давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд

	<p>хокимиятига бўлиниши демократик ҳуқуқий давлатга хосдир.</p>
<p>➤ Ҳуқуқий демократик давлат -</p>	<p>жамият тараққиёти ва давлат шакллариининг ривожланиши жараёнида юзага келган, давлатни ташкил қилишнинг энг мукамал шакли ва мазмуни. Ҳуқуқий демократик давлат учун кураш бундан тўрт-беш аср муқаддам бошланиб, фақат XX асрнинг иккинчи ярмида ҳақиқатга айлана бошлади.</p>
<p>➤ Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари -</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси ва «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддасига биноан, шаҳар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари.</p>
<p>➤ Тўртинчи хокимият -</p>	<p>жамиятдаги оммавий ахборот воситалари (ОАВ)нинг, яъни газеталар, журналлар, радио, телевидение ва оммавий ахборот тарқатишнинг бошқа воситаларининг жамият аъзоларига таъсир кучига айтилади.</p>
<p>➤ ГКЧП -</p>	<p>Фавқулодда ҳолат Давлат Комитети</p>
<p>➤ Миллий қадриятлар —</p>	<p>миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга ега жиҳатлар, хусусиятлар, моддий ва маънавий бокликлар. Миллий қадриятлари бўлмаган миллат ёки елат йўқ. Миллат — миллий қадриятларнинг соҳиби; миллатнинг таназзули — миллий қадриятларнинг таназзулидир. Миллий қадриятлар миллатнинг</p>

	тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил етган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади.
➤ Қадриятлар —	борлиқ, жамият, нарсалар, воқеалар, ходисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча. Қадриятлар билан боғлиқ масалалар ҳаётнинг енг асосий мавзулари бўлиб ҳисобланади.
➤ Глобаллашув (глобализация) —	лотинча «глоб» сўзидан олинган бўлиб, айнан уни «думалоқлашув», «курралашув» деб таржима қилиш мумкин. Ер шарининг, Ер куррасининг фан-техника ютуқлари туфайли инсоният ихтиёридаги худди бир бутун шарга, куррага айланишини тушунтириш учун ишлатилади.
➤ Лизинг -	молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг обектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ евазига егалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.
➤ Омбудсман —	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва

	мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда еркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.
➤ Парламент	(ингл. парламент, франс. parle — гапирмоқ) — демократик давлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органининг номи. Буюк Британия, Франция, Италия, Канада Белгия, Молдова, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда олий вакиллик органи “парламент” деб юритилади; АҚШда ва Лотин Америкасининг кўпгина мамлакатларида п. конгресс деб, Россия Федерациясида – Федерал Мажлис – Россия Федерацияси П. деб, Литва ва Латвияда – Сейм деб аталади. Тузилишига кўра п. бир палатали ёки икки палатали бўлади (қаранг: Икки палатали тизим, Бир палатали тизим). Тарихда уч палатали п. ҳам бўлган (масалан, ЖАРда 1984-1994 йилларда). П. биринчи марта XIII асда Англияда табақаларнинг вакиллик органи сифатида ташкил қилинди.
➤ Хусусийлаштириш –	“жисмоний шахсларнинг” ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулки объектларини ёки давлат аксияли жамиятларининг аксияларини давлатдан сотиб олишидир.
➤ Экологик назорат – ва маънавий-маърифий чора-тадбирлар йиғиндисини ўз ичига олади.	табiiй муҳитни муҳофаза қилиш, табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш қоида-талабларини барча вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари,

	корхоналар, ташкилотлар, муассаса, мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан бajarилишини текшириш, табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва кузатиш, чора-тадбирларни қўллаш билан боғлиқ сиёсий- ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий
--	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

VI. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги 8

октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдагидаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4068-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

18. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series B: Middle ages. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

19. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series C: New Era. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

20. Avery P. The Cambridge History of Iran. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 871 p.

21. Bayly S. The Cambridge History of India. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 1093 p.

22. Bose S. The New Cambridge History of Asia. – Cambridge: Cambridge University Press, 2 part. 2020. – 2062 p.

23. Brundage A. Going to the Sources: A Guide to Historical Research and Writing. – Oxford: John Wiley & Sons, 2017.

24. Bunch B., Hellemans A. The history of science and technology. – Boston – New York, 2004.

25. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Europe. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1487 p.

26. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: North and South America. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1084 p.

27. Collins R. The Arab Conquest of Spain, 710–797. – Oxford: Blackwell Publishing, 2018.

28. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.

13. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

29. Grant E.A Source Book in Medieval Science. – Cambridge: Harvard University Press, 2016. – 587 p. (Reprint).

30. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.

31. Haskins C. H. Studies in the History of Mediaeval Science. – New York: Frederick Ungar Publishing, 2019. (Reprint).

32. Haskins C. H. The Renaissance of the Twelfth Century. – Cambridge: Harvard University Press, 2018. (Reprint).

33. Huntington S.P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World

Order. – New York: Simon and Schuster, 2017. – 358 p.

34. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance // International Journal of Research and Development. 2020. – Vol. 5 (7). Pp. 104-108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>

35. Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. – Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2017.– p. 193.

14. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

36. Roberts J.M., Westad O.A. The History of the World. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1260 p.

37. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1. From Homer to Omar Khayyam. – Oxford: John Wiley & Sons, 2019. (Reprint).

38. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 2. From Rabbi ben Ezra to Roger Bacon, Parts I-II. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 2020. (Reprint).

39. Starr F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. – Princeton: Princeton University Press, 2015.

40. Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. (Islamic Surveys 9). – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2020. (Reprint).

15. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 editions 2015. - 350 pp.

41. Айдын Ариф оглы А. Хроники мусульманских государств I – VII веков хиджры. – Москва: Умма, 2018. – 448 с.

42. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.

43. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

44. Большаков О. Г. История Халифата. – Т. 4. Апогей и падение арабского Халифата. – Москва: Восточная литература, 2018. – 368 с.

45. Габриэлян С. И. История стран Азии и Африки в новое время. – Ташкент, 2012.

46. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

47. Европа мамлакалари ва АҚШ 1640–1918 йилларда. /А.Холлиевтаҳририостида.–Тошкент: Университет, 2010.

48. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

49. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. / под ред. Е.Языкова. – Москва: Наука, 2015.

50. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. II часть / под ред. Н.А.Родригес. – Москва: Наука, 2014.
51. История средних веков. / под ред. С.П.Карпова. – 1-2 ч. – Москва: МГУ, 2018.
52. Моммзен Т. История Рима. – М.: Litres, 2020. – 591 с.
53. Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
54. Немировский А., Никишин В., Ладынин И., Новиков С. История древнего мира. Восток, Греция, Рим. – М.: Litres, 2020. – 786 с.
55. Проблемы истории и междисциплинарного синтеза. – М.: Litres, 2019. – 561 с.
56. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
57. Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.
58. Холиқулова Х. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда имконияти чекланган шахсларни ҳимоя қилиш сиёсати. – Тошкент. Mumtoz so'z, 2017.
59. Шейпак А. История науки и техники. – М.: Litres, 2020. – 513 с.

IV. Интернет сайтлар

60. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсуфтаълим вазирлиги: www.edu.uz.
61. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
62. www.Ziyonet.uz
63. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий сайти: www.gov.uz
64. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсуфтаълим вазирлигининг расмий сайти: <http://www.edu.uz/modules/wfchannel>
65. “Халқсўзи” газетаси – [www.info XS. Uz](http://www.infoXS.Uz).
66. “Туркистон” газетаси – [www.turkistonsarkor. uz](http://www.turkistonsarkor.uz).
67. “Маърифат” журналі – www.ma'rifat-inform.
68. “Жамият ва бошқарув” журналі – www.rzultacademyfreenetuz.
69. “Мозийдан садо” журналі – [www.moziy dostlink. Net](http://www.moziy.dostlink.Net)